




# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

## 9 май – Хотира ва қадрлаш кун



AZIZ JONLARINI  
TINCHLIK VA OZODLIK  
UCHUN FIDO ETGAN  
QAHRAMON  
YURTDOSHLARIMIZNI  
ONA VATAN HECH  
QACHON UNUTMAVDI!

# ИБРАТ МАКТАБИ

**Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Республикамизда 9 май - Хотира ва қадрлаш куни деб белгиланди. Шу боис ҳар йили бу сана катта тантаналар билан байрам қилинади. Зеро, ўтганлар ёдини эсга олиш анъанаси бизга узоқ ўтмишимиздан мерос, десак муболага бўлмайди. Чунки Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ўзларининг муборак ҳадиси шарифларида: "Сизлардан вафот топиб кетганларни тирикликда қилган яхши амалларини ёдга олиб турунглар" деб марҳамат қилганлар.**

Ҳақиқатан ҳам, ўтганларни хотирлаш савобли ва хайрли амаллардандир. Ўз мустақиллигига эришган давлатлар ичида Ўзбекистон бунинг чинакам намунасини кўрсатди. Хотира ва қадрлаш куни энди ўзгача, аниқроғи, миллий хусусият касб этди. Бу байрамнинг мазмун-моҳияти буткул ўзгарди – у халқ хотираси ва инсонни қадрлаш кунига айланди. Миллатимизнинг тарихи минг йилларга туташади. Унинг ўтмишида ўз жонини ватани озодлиги, равнақи учун фидо қилган минглаб қаҳрамонлари борки уларни унутишга бугунги кунда ўзини шу ватаннинг фарзанди деб биладиган ҳеч қайси инсоннинг ҳаққи йўқ. Эртанги кунига умид кўзи билан қарайдиган, эртасидан яхши нарсаларни кутадиган ҳар бир миллат вакили ўтмишини унутиши, ундан сабоқ олмаслиги мумкин ҳам эмас.


Халқ хотираси деганда кўз ўнгимиздан Ватан ибтидосидан бугунига қадар шу юрт, шу халқ деб курашган, куч-қудрати, ақл-заковатини аямаган, керак бўлса, шу йўлда жон фидо қилган буюк зотлар бир-бир ўтади. Спитамену Широқдан Туркон Хотуну Маҳмуд Торобийгача, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбекдан Заҳириддин Муҳаммад Бобургача, Жалолиддин Мангубердидан, Нажмиддин Куброгача ёдга тушаверади. Негаки, уларнинг бугун биз эмин-эркин яшаётган

мана шу азиз ватаннинг равнақида ҳиссалари беқиёсдир. Қай бирлари ватанлари сарҳадини душмандан ҳимоя қилган бўлса, қай бирлари Ватан тупроғидан ёвни қувиб чиқаришда ўз жони, хузур-ҳаловатидан кечган.

Ўтганларни хотирлаш хайрли фазилат. Чунки, бунда ибрат бор, тафаккур бор. Инсон доимо ўтган инсонларни эслаб, уларнинг бу дунёдаги ҳаётлари ҳақида тафаккур қилиб туриши ва уларнинг турмуш тарзлари, муваффақияту камчиликларига қараб ўзининг кейинги ҳаёти андозасини чизмоғи лозим. Албатта бу нарса муқаддас динимизда ҳам, Қуръони каримда ҳам ўз аксини топган. Илоҳий Каломнинг учдан бир қисмида тарихда яшаб ўтган инсонларнинг ҳаёти қисса шаклида келтирилади. Ҳаёт тарзлари ибрат қилиб келтирилганлар орасида Пайгамбарлар, солиҳ кишилар билан биргаликда ер юзидаги энг разил кишилар, Аллоҳнинг ғазабига учраган инсонлар ҳам бор. Уларнинг аянчли ва ғамгин тақдир қиссаларини эслатишдан мақсад эса, тириклар учун ибрат, сабоқ учундир. Негаки ўтганларни хотирлашда жудаям кўп фойдалар бор. Уларнинг яшаб ўтган ҳаёти биз тириклар учун тайёр намуна, дастурул-амалдир. Яхши ишларини эслаган инсон яхшиликларидан андоза олади. Хато ва камчиликларини эслаган киши эса, дарс олади. Ўз ҳаётида бу хатоларни такрорламасликка ҳаракат қилади. Бу эса ўз навбатида инсонда неъматларга шукр қилишга, имтиҳон ва синовларга сабр қилишга бўлган рағбатни оширади.

XX аср инсоният тарихида турли номлар билан аталсада у миллатимиз, ўзбек халқи тақдирини бир қадар оғир асоратлари билан тарихдан жой олди. Асрнинг бошларида миллат маънавияти ва маданияти учун жадид боболаримиз бел боғлаб майдонга тушган бўлсалар кейинроқ шўролар бутун ҳудудга коммунизм ғоясини ёйиш учун шиддатли мустамлака сиёсатини бошладилар. Аста-секин катта ҳудуд шуролар империяси остида бирлаштирилди. Жойларда миллий озодлик ҳаракатлари, яъни қизил империя мустамлакасига қарши курашлар авж олди. Унга "босмачилик ҳаракати" дея ном берилиб йиллар давомида қарши кураш олиб борилди. Ўтган асрнинг 30-йилларига келиб қизил





империя худуди батамом шўроларга бўйсундирилгач орадан кўп ўтмай 37-йиллар қатағон сиёсати бошланди ва миллатнинг минглаб ақлли, закий ва маърифатли инсонлари қатағон машинаси қурбонига айлантирилди. Биргина ўзбек миллатига мансуб бўлган минглаб зиёлилар судсиз-сўроқсиз отиб ўлдирилди ёки совуқ ўлкаларга сургун қилинди. Кўп ўтмай яна бир мудҳиш фалокат – иккинчи жаҳон уруши бошланди. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ юртдошларимизнинг ярим миллиондан ортиғи ҳалок бўлди, 133 мингга яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтди.

Ўша гоёат оғир ва суронли даврда юртимиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди, бу ердаги саноат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилиб, уларнинг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Ўзбекистонга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни тиклашда фуқароларимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этди.


Уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга 1 миллион нафардан ортиқ киши кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Халқимиз уларга бошпана бериб, сўнгги бурда нонини бирга баҳам кўриб, отонасидан ажралган болаларни ўз фарзандлари қатори тарбиясига олди ва бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик фазилатларини намойиш этди. 1941-1945 йилларда фашизмга қаратилган шиддатли жангларда қанчадан-қанча ота-боболаримиз ўз юртининг тинчлиги учун мардларча курашиб, жон фидо қилдилар. Бу ёруғ кунларни кўриш эса уларнинг аксариятига насиб этмади. Улар тинчлик ва истиқлол неъматига мушарраф бўлиш бахтидан бенасиб ҳолда армон ва кўзда ёш билан дунёдан ўтдилар. Ўзининг кўп йиллик кўҳна тарихини ҳамда ота-боболарининг шу юрт учун чеккан жабру-жафоларини унутмаган халқимиз ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносиб тарзда кутиб олади.

Юқорида тилга олинган миллатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига бевосита дахлдор воқеаларнинг ортида минглаб юртдошларимизнинг тақдири, ҳаёти ётибди. Агар мана шундай урушлару мустамлакалар бўлмаганда қанчадан-қанча ота-боболаримиз бевақт нобуд бўлмаган, агар тирик бўлганида амалга ошириши мумкин бўлган оламшумул яратувчанликлар, кашфиётлар, бунёдкорлик ишларини қанчадан-қанча интеллектуал мулк намуналари яратилган ва дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшилган бўларди.

Демак, бугун авлодлар хотира ва қадрлаш кунини нафақат Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини, балки, Одам алайҳиссаломдан бошлаб то ҳозиргача халқ, миллат равнақи йўлида жон фидо қилиб ўтган кишиларни ҳам эслаб, уларнинг ёрқин хотираларини ҳамшиша ёдда тутмоғи лозим.

Хотира ва қадрлаш бир кунлик анъанага боғланиб қолмаслиги керак. Ўтганларни 9 майда хотирлаш рамзий маънода, албатта. Аслида ҳар доим ўтганларнинг қилган ишларини, уларнинг ҳаёт йўлларини ўрганиб, намуналар олишимиз ва келажак авлодларга аجدодларимизнинг ҳаёти биз учун улкан ибрат эканлигини ўқтиришимиз шарт. Зеро, тарихий хотирасиз келажак йўқ, деб бежиз айтилмаган.

Ватан, миллат, дин йўлида жон фидо қилган аجدодлар хотираси биз учун қанчалик ардоқли ва муқаддас бўлса, кексалик ёшига етган улуглар қадрига етиш, ҳурматларини жойига қўйиш ҳам шу қадар муҳим. Бу кунларда қилина-



диган хайрли ишлардан бири ёши улуг кишилар ҳолидан хабар олиш, уларнинг қалбларига хурсандлик киритишдир. Давлатимиз уруш қатнашчилари, кекса ёшдаги нуроний отахонлар, мунис онахонларнинг барчасига катта эътибор билан ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу йилги Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб ҳозирда кексалик гаштини сураётган уруш қатнашчиларининг ҳар бирига ўн саккиз миллион сўмдан пул мукофотларининг берилиши ҳам давлатимизнинг кексалар қадрини қай даражада юксак тутаётганига бир далилатдир.

**Отабек ПОЁНОВ,**

*ҳуқуқшунос, Қашқадарё вилояти  
Юридик техникуми ўқитувчиси.*

**“ODILLIK MEZONI”**

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар  
олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Худойкул АЗИЗОВ  
Илхом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Бехзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБАЕВ

**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**

Шаҳбоз САИДОВ

**Саҳифаловчи дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-  
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар  
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-  
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда  
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан  
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 25.05.2023 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок.  
Буюртма № 12. Адади 2 150.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“GOLD PRINT PRESS” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100 054,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

Чўпон ота кўчаси, 28<sup>а</sup>-уй**МУНДАРИЖА****6**

КУН МАВЗУСИ

**ХОТИРА УЙФОНСА, ГЎЗАЛДИР!****ЭЪТИРОФ****7****ЭЛ АРДОҒИДАГИ ҲУҚУҚШУНОС****9**

ЯНГИ ДАВР НАФАСИ

**СУДЛАРДА “ЯГОНА ДАРЧА” ХИЗМАТИ: ФУҚАРОЛАР-  
НИНГ ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРИГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ****МЕНИНГ ФИКРИМ****10****ТАКЛИФ - МУРОЖААТ ТУРЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА****11**

МУШОҲАДА

**ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ  
СУД ТОМОНИДАН ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ  
ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРДА ДАЛИЛЛАР ТАҲЛИЛИ****ЯНГИ БОСҚИЧ****13****ТОВАР БЕЛГИЛАРИ ШАКЛЛАНИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ****16**

ТАЛҚИН

**ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ  
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ****ТАДҚИҚОТ****18****АЙБИГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВДА  
ЖАБРАНУВЧЕНИНГ ЎРНИ ВА ИШТИРОКИ****21****НИКОҲДАН АЖРАЛИШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ****22****КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ СУҒУРТА  
ҚИЛИШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ****24****ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАРНИ  
ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА  
ТАН ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ****26****СУРРОГАТ ОНАЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА  
ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

28

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН  
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ  
ТАРФИБОТЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

30

СУДГА ҚАДАР ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ЧЕКЛАШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

ИБРАТ

33

ЛОЧИН ИШИНИ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛГАН ҲОЗ

34

МУЛОҲАЗА

МАЪМУРИЙ АКТ (ҲУЖЖАТ)  
ҲУҚУҚИЙ ТОИФА СИФАТИДА

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

37

ЎЗБОШИМЧАЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН  
ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

40

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ  
БОСҚИЧИДА ҲИМОЯЧИ ИШТИРОКИ

НУҚТАИ НАЗАР

42

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯНИНГ ВАСИЙЛИК  
ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИ БИЛАН  
ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ:  
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

44

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА  
ТОРТИШУВ ТАМОЙИЛИ

ЖАРАЁН

46

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОҲАЗА ҚИЛИШ:  
ТАРИХ ВА БУГУН

48

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

БАЪЗИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР  
ҚОНУНЧИЛИГИДА СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ  
ИЖРО ЭТМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

49

КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ УЧУН  
ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

50

ИҚТИСОДИЙ СУДДА ДАЛИЛЛАРНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

51

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА КЎРСАТМА-  
ЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ  
БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

52

ОДИЛ СУДЛОВДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ,  
АЙБЛАНУВЧИ ВА СУДЛАНУВЧЕНИНГ  
ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

53

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ МУНОСАБАТЛАРИ ВА  
ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИ ОБЪЕКТЛАРИ  
НИСБАТИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

54

СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИГА  
ТАЪСИР ЭТУВЧИ АЙРИМ ОМИЛЛАР

55

ОДИЛ СУДЛОВНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

56

ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ И ЕГО ОСНОВНЫЕ  
ПРИЗНАКИ СУБЪЕКТНОСТИ В  
ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ

57

ИНСТИТУТ ПЕРЕСМОТРА СУДЕБНЫХ  
АКТОВ ПО ВНОВЬ ОТКРЫВШИМСЯ  
ОБСТОЯТЕЛЬСТВАМ: СУЩНОСТЬ И  
ЗНАЧЕНИЕ КАК МЕХАНИЗМ ЗАЩИТЫ ПРАВ  
ЧЕЛОВЕКА

59

ТЕМА ДНЯ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ  
ОБРАЗОВАНИЯ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ГЕНДЕРНОГО  
РАВЕНСТВА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ

HUMAN AND LAW

61

A DIGITAL PRISM OF CIVIL RELATIONS  
COMPLICATED BY SMART CONTRACTS

# ХОТИРА УЙФОНСА, ГЎЗАЛДИР!

**Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида қайд этилганидек, фозил инсон ўз юртининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, фикрлайди, ўз касбини ардоқлайди, лозим бўлганда Ватани учун жон фидо этади. Ана шундай ИНСОНИЙ фазилатларга эга инсонлар халқимиз орасида ҳамisha алоҳида ҳурматга сазовор бўлишган. Бинобарин, фозил инсонлар бутун билими ва маҳоратини ватани, халқи хизмати йўлида бахшида этади. Бугун кўпчилик инсонлар Қорақалпоғистон Республикасининг атоқли ҳуқуқшуноси, кўп йиллар суд тизимида хизмат қилган марҳум Алимбет Каипназаровни ана шундай эзгу фазилатларга эга бўлган инсонлар қаторида ёдга олишади.**

Алимбет Каипназаров 1932 йил Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида туғилган. У кишининг ҳаёти ва фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, дастлаб ҳозирги Тошкент давлат юридик университетида сўнгра Тошкент молия институтида таълим олганлигини, иш фаолиятини Мўйноқ тумани Қозоқдарё овулидаги ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, кейинчалик Мўйноқ балиқ консерва комбинати катта ҳисобчиси лавозимида давом эттирганлигини кўришимиз мумкин. Шундан сўнг у кишининг иш фаолиятида суд-ҳуқуқ тизими томон бурилиш бўлган. Яъни, 1958-1961 йиллар оралиғида ҚҚАССР Нукус шаҳар прокуратураси терговчиси, Нукус шаҳар прокурори ёрдамчиси лавозимида фаолият олиб борган. Кейинги фаолияти давомида турли йилларда ҚҚАССР прокуратураси катта терговчиси, Нукус шаҳар прокуратураси терговчиси сифатида самарали фаолият юритган.

Алимбет Каипназаровнинг шу давргача бўлган меҳнат даври давомида турли даргоҳларда ишлаши унинг келажакда кўплаб соҳадаги ва вазиятдаги инсонларни тушуниши, уларнинг муаммоларига оқилона ечим топиши учун замин яратди.

Бой ҳаётий тажриба орттирган, ҳуқуқ тизимида етарли малакага эга бўлган Алимбет Каипназаров 1965-1969 йилларда ҚҚАССР Олий суди аъзоси сифатида фаолият олиб борган. ҚҚАССР Нукус халқ суди раиси, ҚҚАССР Чимбой тумани халқ суди раиси, ЎзССР

Олий суди аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туман суди раиси лавозимларида ишлаган.

Сафдошларининг айтишича улар ҳар бир суд ишини таҳлиллар асосида, жамият ҳаётига, кундалик турмушга боғлаб, юқори савияда ўрганар, суд жараёнида ҳам оддий гапдан тортиб суд ишида муҳим бўлган масалагача унинг мазмунини жабрланувчиси ёки айбланувчиси тўлиқ ўзлаштирмагунча ўз вақтларини аямай тушунтириб, изоҳлаб ўтарканлар. Бу орқали Алимбет ака, улардан қайси тараф бўлмасин бўлаётган жараёни тушунмай ўзига қарши гапириши, кўрсатма бериши ёки бирон ҳаракат қилишининг олдини олишни ўйлардилар. Улар шогирдларига: судья фақат қонун-қоидалар билан ўралашиб қолмасдан ҳаёт дарсини ҳам чуқур ўзлаштириши керак, ана шунда у жамиятдан узилиб қолмайди, бинобарин, адолат – ҳаёт мезони эканлиги судьянинг доимий шиори бўлиши зарурлигини кўп такрорлардилар.

Алимбет Каипназаров бутун умри давомида ишда бўладими ёки шахсий ҳаётда куйидаги мақсадга амал қилиб яшадилар: дунёнинг олтин-зарлари, кумушларини ҳашаматли қасрлари аслида инсоннинг бир томчи кўз ёшига арзимади.

Шу боис суд жараёнларида одамларнинг ноҳақ кўз ёшлари тўкилмаслигига интилган, фақат ва фақат ҳалол бўлиб поклик йўлидан юриб, адолат тарозисини маҳкам тутишга ҳаракат қилган.


Чуқур билим ва гўзал фазилатлар соҳиби бўлган Алимбет Каипназаров 2022 йил 90 ёшида вафот этган.

Камтарин, камсуқум бу инсон мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кўзга кўринган инсонлардан бири бўлсада, катта-ю кичикка бир хил муомалада эдилар. Бу эса уларнинг қанчалик катта илм соҳиби эканлигини кўрсатади. Инсонийлик фазилатларини ўзида мужассам қила олган ва уни атрофидаги ҳамкасбларига, ходимларига ҳам бера билган инсон Алимбет Каипназаровнинг ҳаётдаги ўрни иссиқ кетмади. Улардан бу фоний дунёда ўнлаб шогирдлар ва издошлар қолдики, ушбу инсоннинг йўлидан юриб атрофидагиларга эзгулик улашмоқда...

Ўтганларнинг руҳи шод, охиратлари обод бўлсин!

**Дилмурод ДАВЛЕТОВ,**

Қўнғирот туман иқтисодий судининг судьяси.




# ЭЛ АРДОФИДАГИ ХУҚУҚШУНОС

**Устозлар – дили соф, камтарин, маънавий бой, ахлоқан эса пок инсонлардир. Улар – сўзда ва амалда бор кучи, ақл-идроки, билими, зеҳни, бутун умри-ю меҳрини шогирдларига бахшида этган чинакам қаҳрамонлардир...**

Бугун ҳуқуқшунослик фанининг фуқаролик, бизнес, оила ва халқаро хусусий ҳуқуқ, интеллектуал мулк каби муҳим соҳалари бўйича ўз мактабини яратган, фаолияти давомида қанчадан-қанча қонунлар яратилишига катта ҳисса қўшган, юзлаб шогирдларни тетапоя қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Омон Оқюлов муборак 70 ёшга тўлди.

Омон Оқюловнинг ҳаёт йўлида маслакдош бўлган инсонлар биладики у киши чуқур билимдан ташқари ахлоқий жиҳатдан пок ва шу хислатни шогирдларига ҳам сингдиришга бутун умр интилган. Устоз бу борада шундай дейдилар: Ҳадисларда ҳам ҳақни билиб ҳақни ҳукм қиладиган қозилар жаннатда, ҳақни билиб ноҳақ ҳукм қиладиган ва ҳақни ҳам билмай ноҳақ ҳукм қиладиган қозилар дўзахда бўлади деб айтилган. Шу сабабли ҳуқуқшунос бу адвокат, судья, адлия ходими ёки прокурор бўлишдан қатъий назар нафақат чуқур илм билан қонунни қўллаш ва айни пайтда бу ерда ҳалоллик, поклик ҳам талаб қилинади.

Албатта ахлоқан покликка ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун биринчи галда инсон бадиий ва тарбиявий аҳамияти катта китобларни ўқишга меҳр қўйган бўлиши даркор. Боиси китоблар инсонни яхши хулқлар билан камол топишига хизмат қилади. Кўп ҳолларда бадиий асар ўқиган инсоннинг бош қаҳрамонидаги эзгу фазилатларни ўзида ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Яъни, китоблар ҳам билим беради, ҳам ахлоқан пок бўлишга тарғиб қилади. Шу сабабли ҳам устоз ҳуқуқшунослик соҳасидан ташқари бадиий китобларни мунтазам ўқиб боради. Жумладан уларнинг севимли китоблари сирасига “Фозил одамлар шаҳри”, “Темур тузуклари”, “Бобурнома”, “Граф Монте-Кристо”, “Робинзон Крузо”, “Капитан Грант болалари”, “Шаҳзода ва гадо”, каби бир қанча китобларни киритиш мумкин. Ўйлаймизки, юқоридаги каби мумтоз адабиётлар жуда кўп авлодлар қатори устозимизнинг ҳам маънавий озуқа олишида катта ўрин тутган. Шунинг учун ҳам Омон Оқюлов шогирдларига доимо бадиий китоб ўқиб боришни тавсия қиладилар ва ҳуқуқшуносликда ҳам судья қарор ёзадиган бўлса, терговчи, ҳуқуқшунос маслаҳатчи турли ҳужжат тайёрлаётган ҳолатда воқеа-ҳодисани ижодий ёндашув ва сўз бойлиги орқали тасвирлаб унга ҳуқуқий баҳо бериши керак. Агар, бунда одатдагидек маълум бир қолиплардан фойдаланадиган бўлса яхши натижа бўлмайди. Бироқ, у яхши ёзилса, ҳар бир даъво аризаси ёки судья чиқарган қарорнинг ўзи ҳаётий-бадиий асар бўлиши мумкинлигини бот-бот такрорлайдилар.



Ва мана шундай юксак илм-тафаккур натижаси ўлароқ устознинг муаллифлигида ва ҳаммуаллифлигида яратилган 100 дан ортиқ дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, рисола ва монографияларда ҳамда 300 га яқин илмий-оммабоп мақолаларда ўз ифодасини топган илмий-ижодий фаолиятдан мамлакатимиз замонавий фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда, интеллектуал мулк, хусусий мулкка доир муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда, тадбиркорлик-бизнес ҳуқуқи, инвестиция ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтларини ривожлантиришда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Шундай касблар борки, уларнинг ўзига хос нозик томонлари бўлади. Мисол учун ҳуқуқшуноснинг олдида доимо бир мусибатга учраган, атрофдагилардан аламзада, ҳаётдан норози одамлар келади. Агар ҳуқуқшунос ҳар сафар шундай инсонлар билан суҳбатлашиб уларнинг кечинмаларини, дардини қабул қилиб уни ўзига жиддий оладиган бўлса ҳам ёки уларнинг дардини эшитса-ю, уни ҳис қилмаса ҳам масалага адолатли ечим топилмайди. Ана шундай нозик пайтларда зукко инсонлар “олтин ўрталиқни” топадилар. Тажрибали ҳуқуқшунос Омон Оқюлов одамлар билан муомалада олтин ўрталиқни топганлардан.

Фуқаролик кодексида инсоф, оқилоналик, адолат тамойиллари бор. Янги таҳрирдаги Конституциямизга ҳам ижтимоий ахлоқ меъёрлари киритилди. Ижтимоий ахлоқ асосида эса халқимизнинг қадриятлари ётади. Бунда ахлоқ муайян ҳолатда ҳуқуқий тартибга солувчи куч ҳам ҳисобланади. Демак, қонунчилигимизнинг талаби инсоф ва оқилоналик ила, адолат асосида масалаларни ҳал қилиш. Омон Оқюлов мана шу ерда ҳал қилувчи нуқта бўлган инсоф, оқилоналик

ва адолат нима эканлигини шогирдларига тушунтиришда ва уни ўз амалиётларида қўллашларида катта маҳорат билан ишлаб келмоқдалар.

Бунинг натижасида Омон Оқюловнинг илмий раҳбарлигида 10 га яқин юридик фанлар доктори ва 40 дан ортиқ юридик фанлар номзодлари етишиб чиққанлиги ҳамда бугунги кунда уларнинг аксарияти жамият ва давлат ҳаётининг муҳим жабҳаларида сарбонлик қилаётганлиги, айниқса, катта таҳсинга сазовор.

Омон Оқюловнинг юқоридаги каби кўплаб хизматлари давлатимиз томонидан қадрланиб, 2012 йилда “Шухрат” медали ва 2016 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони билан тақдирланди.

Омон Оқюлов истеъдодли олим сифатида илмий асарлари, тарбиялаган шогирдлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам маълум ва машҳурдир. У кишининг илмий фаолияти Ўзбекистонда фуқаролик кодексини такомиллаштириш масалалари, интеллектуал ва хусусий мулк, мамлакатда иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик-бизнес ҳуқуқи, инвестиция ҳуқуқи, одил судлов ва бошқа фуқаролик ҳуқуқининг кўплаб институтлари доирасини қамраб олган.

Бундан ташқари, Омон Оқюлов кўп йиллардан бери Олий Мажлис Қонунчилик палатаси эксперти, ОАК раёсат аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда Судьялар олий кенгашининг жамоатчи аъзоси, Олий суд пленуми илмий маслаҳат кенгаши аъзоси, Бош прокуратура жамоатчилиги кенгаши аъзоси сифатида ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида фаол иштирок этмоқда.

Омон Оқюловнинг мамлакатимизда қабул қилинган “Ипотека тўғрисида”ги, “Хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ва бошқа 20 га яқин қонунларни ишлаб чиқишда ишчи гуруҳ аъзоси сифатида қатнашганлари ҳам барчамизга ўрнак. Шунинг-

дек, 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишига асосан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича Идоралараро комиссия аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси доирасида янги Фуқаролик кодексини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича фаолият юритмоқда.

Омон Оқюлов нафақат Ўзбекистонда, балки кўшни республикалар илмий муассасаларида ҳимоя қилинаётган докторлик ва номзодлик диссертациялари бўйича бир неча бор оппонент бўлганлар. Шу билан бирга, амалиётчи ҳуқуқшуносларни қайта тайёрлашга оид ишларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Узоқ йиллардан буён Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш маркази ва Судьялар олий мактабида тингловчиларга таълим бериб келмоқда. Судьялар олий мактабидаги ёш мутахассислар, амалиётчи ҳуқуқшунослар ва судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича фидокорона меҳнатлари янги Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини замонавий форматдаги, “ҳалоллик вақсини билан эмланган”, иқтидорли ва ижодий фикрлайдиган юрист кадрлар билан мужассамлаштиришда катта самара бермоқда. Омон Оқюлов шогирдларига нисбатан ҳам талабчан ва қаттиққўллиги бор ҳақиқат. У киши ҳақида фикрларини билдирган аксарият шогирдлари устознинг жуда қатъиятли ва талабчан инсонликларини бот-бот тақдорлайдилар. Домла билан суҳбатлашар экансиз у кишининг дунёқараши кенг, фикрлаш доираси, тафаккур тарзи узоқларни қамраб олишига амин бўласиз. Олим инсон фақатгина ўз йўналишида чуқур билимга эга бўлиб қолмасдан барча соҳалар бўйича ҳам қомусий билим соҳиби бўлсагина унда ҳақиқий олимларга хос хислатлар намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан Омон Оқюлов ҳақиқий илм одамига хос фазилатларни ўзида мужассам этган. У киши билан ҳар гал суҳбатлашганингизда янги бир маълумотларга эга бўласиз.

Бундан ташқари, Омон Оқюлов шогирдларига ҳам жуда меҳрибон. Улар устозлари ўзларини ҳам маънавий, ҳам илмий жиҳатдан доим қўллаб-қувватлашларини эътироф этадилар.

Ҳозирги пайтда Омон Оқюлов цивилистика соҳасининг етуқ устунлардан бири десак муболаға бўлмайти. Негаки у киши раҳматли устозлари Ҳожиакбар Раҳмонқул, Икромбек Зокиров каби буюқ цивилистика даргаларининг қўл остида жуда катта мактабни кўрганлар.

Устозимиз бу йил 70 ёшга кирдилар. Бу улғу ёшда уларга сиҳат-саломатлик ва соғлиқ тилаб қоламиз. Умрлари узоқ ва янада гўзал ишларга бой бўлсин!

**Илҳом НАСРИЕВ,**

юридик фанлар доктори,  
профессор.

*Қувватин борига  
қойдан билма-  
диги, тушунган  
вақтинда кучин  
бўлмади.*

**Фаридуддин  
АТТОР**



# СУДЛАРДА “ЯГОНА ДАРЧА” ХИЗМАТИ: ФУҚАРОЛАРНИНГ ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРИГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ



**Иброҳимжон ТУРСУНОВ,**  
Фаргона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси

*Президентимиз томонидан 2023 йилнинг 26 апрель куни “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун имзоланди.*

**Мазкур қонун давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартларга мос тарзда такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.**

Унда маъмурий суд ишларини юритишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш белгиланди. Ҳуқуқи бузилган фуқаро ёинки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга зарарни ундириш талаби бўйича ҳам маъмурий судга киритиш ҳуқуқи берилди.

Маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган ҳолатда, уларга нисбатан суд жарималарини қўллаш, такроран ижро қилинмаганлиги сабабли суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш белгиланди. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар юзасидан тарафлар ўртасида ярашувга эришиш механизмлари йўлга қўйилмоқда.

Бундан ташқари, судлар тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш, бунда судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатишни

тақиқлаш ва даъво аризаси, ариза, шикоятларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш кўзда тутилган. Иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочисининг чиқарган қарори устидан иқтисодий судга эмас, балки маъмурий судга шикоят қилиш белгиланди.

Жумладан, фуқаролик судига киритилган даъво аризаси бўйича тааллуқлилиқ қоидалари бузилган тақдирда, мазкур даъво аризаси суд томонидан иқтисодий ёки маъмурий судга юборилади. Бунда, бошқа суддан даъвони қабул қилиб олган суднинг судьяси, даъво юзасидан камчиликлар аниқланган бўлса 10 кун муддат ичида даъвогарни камчиликларни бартараф этиш ҳақида хабардор қилади.

Қўшимча қиладиган бўлсак, қарор билан жиноят ишларини кўришда кассация инстанцияси суди томонидан хусусий ажрим чиқариш асослари белгиланган. Бу албатта тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида йўл қўйилган камчиликларга қаратиш зарур бўлган тақдирда амалга оширилади.

Илгари иқтисодий суд билан боғлиқ бўлган ижро ишлари юзасидан шикоятлар иқтисодий судда кўриб чиқилган бўлса, эндиликда давлат ижрочисининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят маъмурий судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга बेрилади.

Шунингдек, аввал иқтисодий судлар томонидан чиқариладиган ижро ҳужжатлари ижрога 6 ой ичида қаратилган бўлса, қарор билан ушбу муддат уч йил ичида ижрога қаратилиши белгиланди.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, мазкур қонун давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан ишончли суд назоратини ўрнатишга, фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари низоларининг одилонга ҳал этилиш даражасини оширишга хизмат қилади.



## ТАКЛИФ – МУРОЖААТ ТУРЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

*Таклифлар жисмоний ва юридик шахслар мурожаатининг алоҳида ўзига хос тури бўлиб, ўз моҳияти, мазмуни ва мақсади бўйича мурожаатларнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Таклифларда нафақат жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлари, балки давлат ва жамият ҳаётига боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ, маънавий, тарихий, маърифий соҳадаги ижтимоий муносабатларни ривожланишига муҳим таъсир қилувчи омиллар ҳам ифодаланган бўлиши мумкин. Шунинг учун ваколатли давлат органлари ҳар бир таклифни синчковлик билан ўрганиб чиқишлари зарур. Чунки, бу восита орқали жисмоний ва юридик шахслар давлат ва жамият ишларида бевосита иштирок этиб, бошқарув фаолиятига самарали таъсир кўрсатадилар.*

Таклифлар фуқаролар мурожаатининг алоҳида ва мустақил тури бўлиб, у ўз моҳияти, мазмуни ва мақсади бўйича мурожаатларнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Таклиф фуқароларнинг асосан ижтимоий характериға эға мурожаатлари бўлиб, унда биринчидан, қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни у ёки бу давлат органлари, корхона, ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмаларининг фаолиятини, таркибий тузилишини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида мулоҳазалар баён қилинса, иккинчидан, бу борада аниқ таклиф ва тавсиялар берилади.

Бизға маълумки, таклифлар жамият ва давлат ишларини бошқаришда ва қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, берилган таклиф амалиётга жорий этилса ёки ундан самарали фойдаланилса, таклиф берган жисмоний ва юридик шахсларни моддий рағбатлантириш институтини жорий қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Зеро, бу жисмоний ва юридик шахсларни давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол бўлишлари учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Қоида тариқасида, мурожаатлар умумий миқдорига нисбатан таклифларнинг фоизи кўпайганлиги жисмоний ва юридик шахсларнинг сиёсий фаоллиги ортганидан ёки жамият ва давлат ишларини бошқаришга бефарқ эмаслигидан далолат бериб, бу ижобий ҳолат деб қаралади. Бироқ, шикоятлар сонининг ортгани, айниқса, тақрорий шикоятларнинг кўпайиши салбий ҳодиса бўлиб, муайян давлат органи фаолиятида ёки маълум бир соҳада қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлигидан дарак беради.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахслар мурожаати деганда, асосан, уларнинг ариза ва шикоят шакллари тушунилади. Ривожланган давлатларда эса, фуқаролар томонидан берилётган таклифларни ўрганиб чиқиш ҳамда уларни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Масалан, АҚШнинг Чикаго штатида университет профессори Том Брайн томонидан маҳаллий солиқ органларига солиқ йиғимларини соддалаштириш бўйича қатор таклифлар бир неча йиллар мобайнида тақдим этилган. Бироқ, бунга ҳеч қандай муносабат билдирилмаган. Муайян вақт ўтгандан кейин бу камчиликка йўл қўйган мансабдор шахслар ўз лавозимидан озод этилган. Чунки, профессор томонидан берилган таклифлар амалиётга жорий этилганда, давлат хазинасига одатдагидан кўпроқ маблағ тушириш имконияти мавжудлиги маълум бўлади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунида мурожаат турларидан бири сифатида белгиланган таклифларга ҳам эътибор бериш бугуннинг энг зарур воситаларидан ҳисобланади.

Зеро, давлат органларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу органлар фаолиятини такомиллаштириш, давлат ва жамият, фуқаролар манфаати учун хизмат қиладиган таклифлар ҳам йўлланади. Таклифларни синчковлик билан ўрганиш, улар бўйича мониторинг олиб бориш, ҳар томонлама фойдалиларини амалиётга жорий қилиш ва уларни оммалаштириш кераклигини таъкидлашимиз ўринли ҳисобланади.

Таклиф институтини мукамал ривожлантириш зарур. Давлат органлари амалиёт материаллари билан танишиш, уларни таҳлил қилиш, бу органларнинг фаолиятини кузатиш баробарида фуқаролардан йўлланган таклифларни ўрганиб чиқиб, улар бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги лойиҳалар, давлат ва жамиятнинг камчиликлари мавжуд соҳаларини ўрганиб, улар юзасидан керакли чора-тадбирларни амалга ошириш, ўрганишлар натижасига кўра ижобий ҳолатларни келтириб чиқарган таклифларни ушбу органларнинг расмий сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилинмаганлиги учун ҳам жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўланаётган мурожаат турларидан бири бўлган таклифларга ҳам алоҳида эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Зеро, мурожаатлар фақатгина ариза ёки шикоятлардан иборат эмаслигини ёдда тутиш даркор.

Юқорида келтирилган фикрларни жамлаган ҳолда қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари томонидан давлат ва жамият, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларини ривожлантириш борасида давлат органларига йўланаётган таклифларга алоҳида эътибор қаратиш;

иккинчидан, давлат органларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан юборилган ҳар бир таклифни синчковлик билан ўрганиб, давлат ва жамият ҳаётининг муҳим соҳалари ривожланиши учун хизмат қилувчи таклифлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

учинчидан, ҳар бир давлат органи, ташкилоти ва муассасаси жисмоний ва юридик шахслар томонидан юборилган таклифлар бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида аҳолига мунтазам ахборот бериб боришлари лозим.

Мухтасар айтганда, давлат органларига жисмоний ва юридик шахслар нафақат ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш борасида, балки давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга доир ўзларининг асослантирилган таклифларини ҳам юборадилар. Шунинг учун улар томонидан йўланаётган таклифларга ҳам алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Шерзод ЗОКИРОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти етакчи илмий ходими.*

# ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ СУД ТОМОНИДАН ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРДА ДАЛИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

**Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низоли ишларда далилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Суд далилларга баҳо беришда ариза берувчининг, идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг (мансабдор шахсинг) ва бошқа манфаатдор томонларнинг далилларини инобатга олган ҳолда, баҳсли ҳужжатнинг мазмуни қонунга ёки юқори юридик кучга эга бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини, орган ёки мансабдор шахсининг бундай ҳужжатни қабул қилиш ваколатига эгалигини текширади.**

Бошқа турдаги ишларни кўриб чиқиш ҳолатларига нисбатан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашиш тўғрисидаги ишларнинг фактик ҳуқуқий асослари сезиларли ўзига хосликка эга. Амалдаги процессуал қонунчиликда идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича далиллар масаласи махсус тартиботи мавжуд эмас, умумий тартибга солинган.

МСИЮТКнинг 65-моддасига кўра, иш бўйича далиллар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг арз қилинган талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади. Лекин мазкур далилларни идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларга татбиқ этишда айрим муаммоли жиҳатлар мавжуд.

Юридик адабиётларда процессуал фаолиятнинг қайси турига далил сифатида қаралиши мумкинлиги, ушбу фаолиятни ким амалга ошираётганлиги, унинг объекти (предмети) ва мазмуни нима эканлиги масаласи узоқ вақтлар давомида мунозарали бўлиб келган.

Анъанавий қарашларга кўра далил деганда томонлар (жараённинг бошқа манфаатдор иштирокчилари)нинг даъволари ва эътирозларини асослашга, судни ўз баёнотларининг ҳақиқатлигига ишонтиришга ва шу билан процессуал мажбуриятни бажаришга қаратилган фаолият тушунилади.

Совет даврида фуқаролик процессидаги тортишув тамойилларининг сезиларли даражада чекланиши ва фуқаролик ишининг ҳақиқий асосини белгилашда суднинг жуда муҳим роль ўйнаши шароитида далиллар тўғрисида кенг тушунча шаклланди, бу нафақат томонларнинг далилларини, балки суднинг иш фактларини аниқлаш бўйича фаолиятини ҳам ўз ичига олди. Ушбу ёндашув суд ҳужжатлари ва унинг

предметларини тушунишда, шу жумладан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга эътироз билдириш бўйича суд жараёнларига нисбатан ҳам қўлланди.

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашиш тўғрисидаги ишларда далиллар ўзига хослик билан ажралиб туради. Асосий эътибор қонунийликка қаратилади. Судда иштирок этувчи шахслар ҳужжатнинг қонуний ёки ноқонуний эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Қонунийлик идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Тарафлар қонуний далилларни шакллантиришга ҳаракат қилади. Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Маъмурий органлар ҳужжатлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорлари ҳамда улар мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

Умумий маъмурий суд иш юритуви амалиётига кўра, исботлаш мажбурияти маъмурий орган зиммасига юклатилади. Бу ҳолат идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш бўйича ишларга ҳам татбиқ этилиши мумкин. Бу ерда мазкур ишда далил қандай кўринишларда бўлади?, деган савол туғилади.

Юридик адабиётларда далил предметиға киририлган аниқ ҳуқуқий далиллар таркиби турлича белгиланади.

В.А.Кирсанов бундай далилларни низоли ҳужжатнинг қонунийлиги ёки ноқонунийлиги, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган-бузилмаганлиги билан изоҳласа, М.С.Носенко бу ҳолатларда далил предмети меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш фактларини ўз ичига олишини билдиради. Ю.А.Попова эса меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан низолашаётган ҳолларда исботлаш объектини эътироз этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқарган орган ёки мансабдор шахсининг ваколати, ҳужжатни қабул қилиш, эълон қилиш тартиби, низоли ҳужжатнинг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатларга мувофиқлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш ташкил этишини таъкидлайди.

О.А.Еремнининг фикрича далиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) ариза берувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;

2) баҳсли ҳуқуқий ҳужжатнинг меъёрий хусусияти;

3) меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш тартибига риоя қилиниши;

4) давлат органининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ваколати;

5) баҳсли ҳужжатнинг юқори юридик кучга эга бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги.

Бизнингча, далил предметига баҳсли ҳужжатнинг юқори юридик кучга эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги, ҳужжатни қабул қилган орган ёки мансабдор шахснинг ваколати, шунингдек меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, кучга киритиш ва эълон қилиш тартибини киритиш мумкин. Лекин, низоли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг фуқаролар ёки юридик шахслар ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши каби далилнинг предмети бўлиши мунозаралидир.

Исбот предмети – бу махсус процессуал тоифадир. Бунга муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган фактлар, аниқлаштирмасдан ишни моҳиятан тўғри ҳал қилиш ва моддий ҳуқуқ меъёрларини қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар киради.

Шу муносабат билан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашиш ҳолатларида далил сифатида олиш ўринли эмас.

Бизнинг фикримизча, идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашиш ишларида қуйидагиларни далил сифатида эътироф этиш мумкин:

— *низоли идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатларга мувофиқлиги;*

— *орган ёки мансабдор шахснинг ушбу идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ваколати;*

— *низоли идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш тартиб-таомили, ижро этиш, эълон қилиш тартибига риоя қилиниши, ҳужжатнинг белгиланган шаклга мувофиқлиги, рўйхатдан ўтказиш тартиби.*

Шунингдек, ишда далилларнинг муайян воситаларидан мажбурий фойдаланиш ишнинг ҳолатларини аниқлаш ва исботлашда далилларни кўриб чиқиш учун процессуал қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган махсус қоида сифатида кўриб чиқилиши керак. Ўз навбатида, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қарши баҳсли ишлар учун аниқ ва асосланган далиллар рўйхатларини ишлаб чиқиш муҳим. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, зарур далиллар рўйхатлари фақат Олий суд пленум қарорида акс этиши зарур.

Иккинчидан, рўйхатга киритилган далиллардан мажбурий фойдаланиш ихтиёрий бўлиши лозим.

Далиллар ёки фактлар тўғрисидаги маълумотлар махсус ёзма шаклда (буйруқ, диплом, гувоҳнома, баённома, шартнома) бўлиши керак. Баъзи фактлар

бирон-бир ҳужжат турига киритилган бўлса уларни ҳуқуқий аҳамиятга эга деган қоидага амал қилиш даркор.

Шундай қилиб, мажбурий далиллар ҳақида гапирилганда, муайян процессуал қоидалар ёдда тутилиши керак. Суд ёки манфаатдор шахслар муайян далилларни аниқлаш ва исботлаш учун қонунда назарда тутилган аниқ ёзма далиллардан фойдаланиши шарт. Айрим адабиётларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашиш ҳолатларида зарур далиллар рўйхати тузиб чиқилганлигини кўриш мумкин. Зарур (мажбурий) далиллар тоифасига қуйидагилар киради:

*баҳсли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг нусхаси;*

*ушбу ҳужжатни нашр этиш манбаи;*

*меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органининг ваколатларини белгиловчи ҳужжатлар;*

*манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини тасдиқловчи ёки келгусида бузилиш эҳтимоли тўғрисидаги далиллар.*

Бизнинг фикримизча, ушбу рўйхатга қуйидагилар ҳам киритилиши мумкин: *баҳсли акт рўйхатдан ўтказилган бўлса, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси; меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган коллегиял орган йиғилишининг баённомаси.*

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, далилларга баҳо бериш судьянинг ваколатига киради. Суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб ўз ички ишончига кўра баҳо беради. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан, далилларнинг йиғиндиси эса, етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб тан олинади. Ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Суд ҳужжат ёки бошқа ёзма далилнинг асл нусхаси йўқотилган ёки судга топширилмаган бўлса ва ушбу ҳужжатнинг тарафлар томонидан судга тақдим этилган кўчирма нусхалари ўзаро бир хил бўлмаса ҳамда ҳужжатнинг асл мазмунини бошқа далиллар ёрдамида аниқлаш имкони бўлмаса уни исбот қилинган деб ҳисоблаши мумкин эмас.

Демак, далиллар рўйхати ишлаб чиқилган тақдирда ҳам унга баҳо бериш суд томонидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам тегишли рўйхат тавсиявий аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ далиллар масаласига махсус ёндашув талаб қилинади. Жумладан, суд томонидан текшириладиган далилларнинг аниқ тартиботи ва уларнинг рўйхатини ишлаб чиқиш зарур. Мазкур рўйхат тавсиявий хусусиятга эга бўлиши керак. Агарда уни мажбурий қилиб қўйилса судлар мустақиллигига таъсир қилиши мумкин.

**Дилмурод АРТИКОВ,**

*Судьялар олий мактаби доцент в.б.,  
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори.*

## ТОВАР БЕЛГИЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Бизга маълумки, товар белгилари энг кўп тарқалган фарқлаш воситаси сифатида истеъмол бозорларида маҳсулотни салоҳиятли ишлаб чиқарувчиларга ўзларининг ўхшаш маҳсулотларини бошқа ишлаб чиқарувчилардан ажратиш ва шахсийлаштириш имконини беради. Маҳсулот яхши нуфузни қўлга киритса, унинг янги бозорларга кириши осонлашади. Дарҳақиқат, товар белгиларидан фойдаланишнинг тарихи олис мозийга бориб тақалади. Хусусан, бундан 3 минг йил олдин ҳинд ҳунармандлари ўзларининг бадиий асарларини Эронга юборишдан олдин уларга тамға (ёзув белгилардан) қўйишган. Қолаверса, Қадимги Рим империясида турли ўймакорлик буюмларига белгилар қўйиш урфга айланган. Биринчи савдо маркалари 2 минг йил олдин Помпена қизил вино идишига “vesuvium” деган белги шаклида пайдо бўлган.*

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш Стратегиясида “Интеллектуал мулкнинг самарали ҳуқуқий муҳофазасидан — кучли ҳуқуқий ҳимояси сари” тамойили асосида иш юритиш белгиланган. Ушбу Стратегиянинг 3.3. банди Интеллектуал мулк объектларини яратиш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнларини янада такомиллаштириш йўналиши бўйича ҳудудларда минтақавий брендлар яратилишини қўллаб-қувватлаш ва жаҳонда “Made in Uzbekistan” брендини бутун дунёда танитиш чораларини кўришдан иборат. Мамлакатимизда сўнгги йилларда интеллектуал мулк, шу жумладан, товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазасига оид бир қатор фармон ва қарорлар ишлаб чиқилди ҳамда тегишли ташкилотларга мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш вазифалари белгилаб берилди. Мазкур ҳужжатларга кўра товар белгисини рўйхатдан ўтказиш орқали унинг эгаси танлаган фаолият турлари бўйича ундан учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишининг олди олинади. Айниқса, контрафакт маҳсулотлар реализациясига қарши курашиш билан боғлиқ ишлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиладиган ва унинг ҳудудига олиб кириладиган товарлар бўйича ҳамда ахборот-коммуникация муҳитида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг самарали ҳимоясини таъминлаш механизмларини яратиш масаласи устуворлик касб этмоқда. Товар белгиси институти нафақат хусусий-ҳуқуқий балки оммавий-ҳуқуқий элементларга эга. Ўз навбатида, товарларнинг Мадрид баённомасига мувофиқ халқаро рўйхатдан ўтказилиши индивидуаллаштириш воситаларини (график, символли, сўзли, рақамли ва бошқа) бозорда товарлар ҳаракатланишини ва истеъмолчилар ўртасида танилиш даражасини оширишга ёрдам беради.

Хорижий товар белгилари (брендлар) компанияларнинг машҳур бўлиши ва даромадларининг ошишига хизмат қилади. Масалан, 2022 йил бошида Apple брендининг қиймати 355 миллиард, Amazon’ники – 350 миллиард, Google’ники – 263 миллиард, Microsoft’ники

эса 184 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Кўплаб машҳур брендлар айнан франшиза туфайли катта фойда оладилар. Хусусан, “Coca-Cola”, “KFC” ва “Додо Пицца” каби брендлар Ўзбекистонда айнан франшиза асосида фаолият олиб боради. Дунёга танилган товар белгиси орқали халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрни яхшиланишига замин яратилади.

Ўзбекистонда йилига 4500 атрофида интеллектуал мулк объекти, жумладан, 2 мингдан зиёд товар белгилари рўйхатдан ўтади. Шуни таъкидлаш кераки, бизда интеллектуал мулк қийматини баҳолаш тизими амалда яхши ишламаяпти. Бунинг оқибатида кўплаб ишланмалар тижоратлаштирилмай қолиб кетмоқда. Маҳаллий товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш даражаси ҳам жуда паст. 2020 йил ҳолатига кўра, бор-йўғи 72 та товар белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилган, холос. Аслини олганда, Чуст пичоғи, Самарқанд нони, Марғилон адраси, Шеробод анори, Олтиариқ ва Паркент узуми, Хоразм қовуни, Сурхондарё хурмоси каби машҳур брендларни ҳудудий мансублиги белгилари бўйича рўйхатдан ўтказиб, халқаро бозорда фаол тарғиб қилишнинг кенг имкониятлари мавжуд.

Қонунийлик, товар белгиси эгаси ҳуқуқларининг устувор ҳимояси кафолатланганлиги ва дахлсизлиги, фарқланувчанлик, узоқ муддатлилиқ, ҳудудийлик, ноёблик, товар белгисининг устуворлиги, конвенция ва кўргазма устуворлиги, инсон ва жамият манфаатларини ҳурмат қилиш ва ахлоқий қоидаларга риоя этиш, товар белгисининг очиқлиги, жозибadorлиги, товар белгисини содда ва оддий тушунишлилик кабилар товар белгиларига хос ҳуқуқий тамойиллар саналади. Товар ва хизмат кўрсатиш белгиларининг ҳар бир тури ўзига хос ҳуқуқий режимга эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги 267-II-сон “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган



**Шухрат  
РУЗИНАЗАРОВ,**  
юридик фанлар доктори,  
профессор

бир ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Яъни, миллий ва халқаро товар белгилари графикли, символли, сўзлар, ҳарфлар, ҳажмли, тасвирли, рақамли кўринишларда бўлиши мумкин. Товар белгиси индивидуаллаштириш воситаси сифатида фуқаролик муомаласида унинг субъектларига улар ишлаб чиқарган товар ва хизматларни идентификациялаш, ахборот олиш, реклама қилиш ва кафолатловчи функцияларни бажаради, бозорда рақобатбардошликни оширади ҳамда унинг эгаларини реал ҳуқуқий ҳимоя қилиш имкониятини яратади. Фуқаролик кодексининг 1102-моддасига кўра, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади ва унга бўлган ҳуқуқ товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунда қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби келтирилган. Жарималар миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида белгиланади. Ушбу норманинг амалиётда қўлланилишини ўрганиб ҳамда мазкур Қонунда ҳозирги пайтда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасини ҳисобга олган ҳолда, зарар қопланиши ўрнига базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан минг бараваригача миқдорда тоvon ундириш тартибини жорий этиш назарда тутилаётганлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига кўра, интеллектуал мулк объектлари инвестицияларни амалга ошириш шакллари тизимида муҳим ўрин тутди. Ушбу Қонунда инвестицияларни амалга ошириш шакллари сирасига мулк ҳуқуқи, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хау, ишчанлик обрўси (гудвилл), шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига бўлган мулк ҳуқуқи улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда кириши белгилаб қўйилган. Шу боис, интеллектуал объектларини жумладан, индивидуаллаштириш воситаси бўлган товар белгисининг инвестицияни амалга ошириш шакли сифатидаги ҳуқуқий режимини ўрганиш ҳам устувор аҳамиятга эга.

Фуқаролик қонунчилигига кўра, товар белгисига бўлган ҳуқуқни ворислик асосида қолдиришга ҳам йўл қўйилади.

Биринчидан, товар белгиси унинг эгасидан ажралмасдир.

Иккинчидан, товар белгисига нисбатан ҳуқуқ мулквий ҳуқуқ объекти бўлиб фуқаролик муомала-



сида баҳоланади ва тасарруф этилади. Шу сабабли, товар белгисига бўлган ҳуқуқ агар ушбу мулквий мажмуанинг таркибига кирган тақдирда корхона таркибида ворислик объекти сифатида қолдирилиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 1152-моддасида корхонага ворислик ҳақидаги норма ҳам назарда тутилган.

Тизимли таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, саноат намуналари ва бошқа интеллектуал фаолият натижалари билан ўхшашликнинг мавжудлиги ва уларни фарқлашнинг қонунчиликда белгиланган аниқ мезонлар чегарасининг йўқлиги, рўйхатдан ўтказувчи томонидан товар белгиларидан узоқ фойдаланиш натижасида индивидуаллаштириш воситаси сифатида фарқловчи жиҳатларини исботлаши талаб этилиши ҳамда рўйхатдан ўтказиш тартиб-тамоилларининг мураккабликлари ноанъанавий товар белгиларини ҳимоя қилишнинг асосий муаммолари саналади.

Товар белгиларини ўзининг ифодалаш шакли жиҳатидан (тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг ишталган бир ёки турли рангдаги жамлама ифодаси); товар белгисидан фойдаланувчи субъектлар таркибига кўра (якка тартибда ва жамоавий); маълумлилик даражаси бўйича (одатдаги ва ҳаммага маълумлиги) туркумлаш мумкин. Бундан ташқари, товар белгиларига оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва унинг олдини олиш, ҳудудий минтақавий брендларни яратиш, низоларни судгача ҳал қилиш, патент вакили институтини илғор хорижий тажрибалар асосида янада такомиллаштириш, жамоавий белгилар ҳуқуқий режимини, товар белгиларини тижоратлаштириш, интернет дўконлар орқали сотиладиган контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларни аниқлашнинг ҳамда интеллектуал мулк объектларининг олди-сотдисида қулай шарт-шароитлар яратиш учун махсус интернет-аукцион савдо платформасини ташкилий-технологик механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Рақамли майдонда товар белгиларини рўйхатдан ўтказишда блокчейн

механизмларини қўллашнинг ҳуқуқий томонлари ишлаб чиқилмаганлиги ва бу борада фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга муҳтожлик сезилаётганлиги, шунингдек уларда фуқаролик ҳуқуқий ҳимояси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини унификация қилиш зарурияти мавжудлиги, рақамли технологияларда товар белгиларини ҳимоя қилиш бўйича интеллектуал мулк ҳуқуқи шу жумладан товар белгилари ҳуқуқий режимига оид билим ва кўникмаларни ошириш билан боғлиқ чораларнинг самарасизлиги билан изоҳланади. Бизга маълумки, фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш тенденцияси нуқтаи назаридан хусусий ҳуқуқ муомаласида товар белгилари институтининг трансформациялашуви юз бермоқда. Айниқса, электрон тижоратда ва электрон майдончалар орқали харидларни амалга оширишда товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш уларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришнинг гоётада муҳим шarti ҳисобланади. Рақамли фуқаролик муомаласининг шаклланиши ва ривожланиши интеллектуал мулк муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш билан узвий боғлиқ. Энг аввало, шуни таъкидлаш жоизки, интернет ва замонавий рақамли технологиялар асрида тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга ошириш бозорларда товарларнинг эркин ҳаракатланишини тезлаштириш имкониятини яратмоқда. Боз устига, рақамли соҳада интеллектуал мулк объектлари қиймати ушбу маҳсулотлардан фойдаланувчилар сони билан белгиланади. Давос форуми экспертларининг таҳмини бўйича 2025 йилга бориб Ер юзи аҳолисининг рақамли иштироки 80% гача бўлиши башорат қилинмоқда. Тобора шаклланиб бораётган замонавий рақамли технологиялар янги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни мутаносиб тарзда ақлли тартибга солишни зарурият қилиб қўяди. Рақамли майдонда номоддий неъматлар (интеллектуал фаолият натижалари) муомаласининг шаклланиши рақамли экотизимни ва интеллектуал ҳуқуқнинг “рақамли муомаласини” вужудга келтиради. Рақамли иқтисодиёт товар белгиларини, умумтан олинган қараш ва ёндашувларни тубдан ўзгартиради. Трансчегаравий рақамли майдон тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқларини реализация қилиш, мутлақ ҳуқуқларни худудий тамойиллар асосида ҳимоя қилишда муайян қийинчиликларни туғдиради. Интернет савдосининг тобора кенгайиши, талаб ва таклифлар суръат ҳамда миқдорларининг ортиши, товар номенклатурасининг ўсиши, товар белгиларининг номоддий корпоратив актив сифатида сони ва қийматининг янада ошишига сабаб бўлади. Интеллектуал фаолиятнинг муҳофаза қилинадиган натижалари товар ҳисобланиб фуқаролик муомаласида тасарруф этилади ёки унга нисбатан ҳуқуқ бошқа шахсга ўтказилади. Илмий муҳокамаларда ностандарт товар белгилари: овозли, мултимедия ва бошқа ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этилмаган тамомила янги рақамли белгилар турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Яна бир муҳим жиҳа-

ти шундаки, учбурчакли кодлаштирилган товар белгилари (Or- код) расм кўринишидаги сўз, таклиф, ҳарф ёки рақамлар йиғиндиси ёхуд Интернет – ресурсга ҳаволалар смартфонлар орқали кодланган ахборотни таниб олиш имконини беради. Янги товар белгиларининг техник имконияти мавжуд эмаслиги туфайли уларни экспертизадан ўтказиш даражаси ҳам етарли эмас. Қолаверса, баҳсли вазиятларда электрон далилларга ҳуқуқий баҳо бериш механизмлари ҳам талаб даражасида ишлаб чиқилмаган. Бу эса ўз навбатида электрон хизмат кўрсатиш тизимини мақсадли такомиллаштиришни тақозо этади. Товар белгиларини онлайн рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини тартибга солувчи маъмурий регламентларни ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Ривожланган мамлакатларда интеллектуал мулк инновацион рақамли иқтисодиётнинг асоси бўлиб бормоқда. Масалан, АҚШда сўнги беш йил ичида ички иқтисодий фаолият ёки ишлаб чиқариш ҳажмининг 40 фоиздан ортиги интеллектуал мулк объектларидан интенсив фойдаланган компаниялар ҳисобига тўғри келди. Ушбу компаниялар 2019 йилда 62,5 миллион иш жойини ёки мамлакат аҳолиси бандлигининг 44 фоизини таъминлаган.

Фикримизча, рақамли реаллик шароитида товар белгиларига бўлган ҳуқуқни қонунчилик, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда виждонан, оқилона амалга ошириш, тадбиркорларнинг ишчанлик обрўсига зарар етказмаслик ва улар қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг “Товар белгисига оид талабларга риоя этиш бўйича одоб-ахлоқ Кодекси”ни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бундай тажриба айрим хорижий давлатларда хусусан, Россия франчайзинг Ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилиб амалиётда татбиқ этиб келинмоқда. Товар белгиларидан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва хорижий давлатларнинг энг яхши тажрибасини (Англия ва Уэльс, Покистон, Португалия, Россия, Жанубий Африка, Таиланд) инобатга олиб Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича ихтисослашган судларни ташкил этиш масаласини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик муомаласининг рақамли трансформациялашуви шароитида товар белгилари институтининг ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштирилиши, истеъмолчилар учун харидоргир ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг нафақат мамлакатимиз балки хорижда ҳам машҳур бўлиши ва даромадларини ошириш имкониятини яратади. Энг муҳими, “Made in Uzbekistan” брендини бутун дунёда танитиш чораларини кўриш борасидаги стратегик аҳамиятга молик вазифалар ижросини таъминлашнинг зарур омили бўлиб хизмат қилади.

# ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ҰЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

*Ҳозирги даврда фирибгарлик жинояти кўпгина давлатларда кенг ёйилган. Мазкур жиноятга қарши кураш муаммолари, иқтисодий-сиёсий, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш даврида долзарб аҳамият касб этади. Шу сабабли фирибгарликни тергов қилишда юзага келадиган ҳуқуқий, назарий ва амалий муаммоларни ўрганиш, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиш, асосий ечимларни аниқлаш ва бутун тергов жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш муҳимдир.*

**Фирибгарлик жиноятининг мураккаб белгиларини би-лиш терговчиға қуйидагиларни аниқлашға имкон беради:**

- фирибгарликни аниқлаш ва фош этиш учун ҳаракатлар, воситалар ва усуллардан фойдаланишнинг асосий зарурати ва мақсадға мувофиқлиги;

- тайёрланган ва содир этилган жиноятлар тўғрисидаги фактик маълумотларни тўплаш, сақлаш ва тизимлаштиришнинг муайян ҳаракатлар, воситалари ва усулларининг изчиллиги ва устуворлиги;

- жиноятларни ўз вақтида ва тўлиқ фош этиш ҳамда тергов қилиш мақсадларига эришиш учун уларни қўллашнинг тизимли хусусиятини текшириш бўйича тадбирларни янада мақсадли амалга ошириш имконини беради.

**Фирибгарлик ҳолатлари бўйича тергов амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, терговнинг дастлабки босқичида қуйидаги типик хатоларға йўл қўйилади:**

- ишнинг ҳолатлари етарлича ҳолис, ҳар томонлама ва тўлиқ текширилмаганлиги;

- фирибгарнинг ҳаракатларига нотўғри ҳуқуқий баҳо берилганлиги;

- далилларни тўплаш ва бирлаштиришда жиноят процессида улардан фойдаланишнинг имкони йўқлигига олиб келадиган ҳуқуқбузарликлар мавжудлиги;

- тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг малакаси етарли эмаслиги.

**Фирибгарлик ҳолатлари бўйича криминалистика экспертизалари ўтказишда қуйидагилар аниқланади:**

- фирибгарлик мақсадида фойдаланилган ҳужжатларни қалбақлаштириш;

- айрим шахслар томонидан қўлда ёзилган матнлар ва сохта ҳужжатларға имзолар расмийлаштирилганлиги фактлари;

- айбланувчининг жиноят содир этилган жойда қолдирган излари ёки бирор нарсанинг шахси, шунингдек фирибгар томонидан фойдаланилган аниқ компьютер ва босма қуролнинг шахси.

Фирибгарликни тергов қилишда энг масъулиятли жараён жиноий иш кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтида мавжуд бўлган барча тахминларни текшириш, шунингдек воқеа тўғрисида маълумот тўплаш ва мавжуд далилларни бирлаштириш зарур бўлган дастлабки босқичдир.

Криминалистика экспертизаси ҳужжатлари – дактилоскопик, ташқи кўриниш белгилари ва фирибгарликни содир этиш усули бўйича криминалистика экспертизаларини тайинлайди ва суриштирув органларига тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан гумон қилинувчи шахсларни қидириш ва ушлаб туришни ташкил этиш тўғрисида топшириқ беради.

Агар гумон қилинувчи ушланган бўлса, дастлабки тергов ҳаракатларига қўшимча равишда уни шахсий кўриқдан

ўтказиш, сўроқ қилиш, яшаш жойида тинтув ўтказиш, гумон қилинувчидан олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатларни текшириш жараёнлари ўтказилади.

**Фирибгарларни ҳибсға олишнинг икки тури мавжуд:**

- жабрланувчининг кўрсатувлари муносабати билан;

- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан фирибгарлик белгиларининг бевосита аниқланиши муносабати билан.

Агар жиноят белгилари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жабрланувчининг аризасисиз аниқланса, тергов органлари томонидан тезкор ишланмалар бўйича чоралар кўрилади ва гумон қилинувчи ёки гумон қилинувчилар гуруҳини ушлаш ва жиноят иши кўзғатиш бир вақтга тўғри келади.

**Тергов ҳолатлари турли асосларға кўра таснифла-ниши мумкин. Тергов ҳолатларининг қуйидаги турлари муҳим аҳамиятға эга:**

1) типик ва ўзига хос (индивидуал);

2) конфликт ва зиддиятсизлик;

3) оддий, мураккаб ва ўта мураккаб.

**Фирибгарлик бўйича бирламчи материалларни текширишда, алдаш йўли билан ўғирлик белгиларини аниқлаш ва жиноий ҳаракат тугаши ўртасидаги вақт оралиғининг катталигига қараб бир нечта типик вазиятларни ажратиш мумкин:**

— фирибгарлик белгилари жиноятни тайёрлаш ва амалга ошириш босқичида қайд этилган (фирибгарлик бўйича ўрганилган жиноят ишларининг 0.2 фоизи).

— фирибгарлик белгилари жиноий ҳаракат тугагандан кейин 24 соат ичида қайд этилган (тахминан 0.4%).

— фирибгарлик белгилари жиноий ҳаракат тугагандан кейин 24 соатдан кўпроқ вақт оралиғида (тахминан 99.4%) қайд этилган.

Юқоридаги таснифдан кўриниб турибдики, терговнинг кейинги босқичидаги ҳолати фирибгарликнинг фош этилганлик даражаси, яъни фирибгарнинг топилганлиги ва ушланганлиги, фирибгарликни содир этган шахснинг айби исботланганлиги, гумон қилинувчининг шу каби жиноятларни содир этганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар бор-йўқлиги, унинг барча жиноий ҳаракатларига тегишли ёки тегишли эмаслиги аниқланганлиги билан белгиланади.

Бирламчи материалларни текшириш натижасида фирибгарлик бўйича жиноий иш кўзғатилиши ёки кўзғатишни рад этиш, жиноят кодексида назарда тутилган бошқа жиноят таркиби бўйича жиноий иш кўзғатиш ёки текшириш фаолиятини давом эттириш зарурлиги ҳақида хулосаға келиш мумкин.

Текширув фаолиятини режалаштиришда бирламчи маълумотлардан далолатноманинг ҳолатлари, ахборот манбалари ва ташувчилари тўғрисидаги маълумотларни ажратиб олиш катта

аҳамиятга эга. Хусусан, ахборот манбалари ва ташувчиларни аниқлаш учун ушбу манбалар ва ташувчиларнинг тергов предмети доирасига жалб этилишини таъминлаш бўйича турли тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш зарур.

Терговнинг дастлабки босқичида олинган илк маълумотларнинг ҳажми, характери ва аниқлик даражасига қараб суд экспертизасида тергов ҳолатларининг таснифи ишлаб чиқилади.

Шуни эътироф этиш керакки, терговчининг процессуал, ташкилий, тайёргарлик, қидирув ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишдаги амалий фаолияти олдида дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш ва жиноят иши юзасидан аниқ вазиятни баҳолаш, сўнгра жиноят иши бўйича тегишли қарорлар ва суд қарори қабул қилинади.

Фикримизча, фирибгарликни тергов қилишда муаммо иш бўйича аниқланиши керак бўлган ҳолатлар тўғрисида етарли маълумот бўлмаганида юзага келади, бунда терговчи маълумот манбаларини қидириш ва далилларни олиш учун ишончли режага эга бўлмайди.

Тергов ҳаракатлари доираси Жиноят процессуал кодекси билан қатъий тартибга солинади, аммо, дастлабки тергов доирасида терговчи тергов қилинаётган иш бўйича юзага келган тергов ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ҳаракатлар режасини мустақил равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Фирибгарликни аниқлаш ва тергов қилишда тактик операцияни ўтказиш энг самарали ва исботловчи аҳамиятга эга.

Фирибгарликни аниқлаш ва тергов қилиш амалиётининг ижобий тажрибасини сарҳисоб қилиш шуни таъкидлашга имкон берадики, тактик операцияларни ўтказиш икки асосий босқичдан иборат, хусусан: операцияга тайёргарлик ва фирибгарларни қўлга олиш бўйича бевосита операция босқичи.

Терговнинг дастлабки босқичида жабрланувчининг аризаси келиб тушгандан кейин ҳам, у тугагандан кейин ҳам терговчи олдида гумон қилинувчини ушлаб туришни процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси туради.

Ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш учун ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ходимларини жалб қилиш лозим.

Терговчини тактик таваккалчилик шароитида ҳаракат қилишга ундайдиган бир қанча ҳолатлар мавжуд бўлиб, улар, албатта, гумонланувчиларни ушлаб туришни ҳам ўз ичига олади.

Аввало, бу жиноят иши қўзғатилиши босқичида, жиноятчи ушланганда, шунингдек, терговнинг дастлабки босқичида "иссиқ таъкиб"даги тергов жараёнида сезилади.

Шу билан бирга, фирибгарлик содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туришга тайёргарлик кўриш босқичида тайёргарлик ҳаракатларининг асослилиги тергов олдида турган вазифалар билан белгиланади.

Фирибгарликни текширишда муаллифлик ва қўл ёзуви, ҳужжатларнинг техник криминалистика экспертизаси, бармоқ излари, суд-тиббий, биологик, физик-кимёвий, фоноскопик ва бошқа криминалистика экспертизаси муҳим роль ўйнайди.

Фирибгарлик жиноятлари компьютер технологияларидан фойдаланиб содир этилганда уларни фош қилиш бирмунча мураккаб бўлади, чунки бу воситалар доимий равишда тако-

миллашиб боради. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда бундай фирибгарлик ҳужумларининг атиги 10 фоизини тизимли текширувлар ёрдамида ўз вақтида аниқлаш мумкин, жиноятларнинг 90 фоизи эса фақат тасодиф туфайли очилади.

Ушбу тоифадаги фирибгарлик ҳолатларини текширишда шуни ҳисобга олиш керакки, улар камдан-кам ҳолларда алоҳида шахслар томонидан содир этилади, уюшган жиноий гуруҳлар аъзолари ўзаро жавобгарлик билан боғланади.

Терговнинг дастлабки босқичида жиноят содир этган шахс номаълум бўлганда типик тергов ҳолати юзага келади.

#### **Буни аниқлаш учун терговчи:**

- пул маблағларини ўғирлаш амалга оширилган банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни олиб қўйиши ва ўрганиши;

- фирибгарлик содир этилган тўлов ва бошқа ҳужжатларни олиб текшириши;

- сохта банк ҳужжатларида кўрсатилган ташкилотларнинг ҳисобварақларидаги пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳужжатларни олиб қўйиши;

- сохта банк ҳужжатлари бўйича олувчи банклардаги ҳисобварақларга киритилган пул суммаларини олиб қўйиши;

- сохта банк ҳужжатлари аниқланган ва олиб қўйилган банк муассасалари раҳбарлари ва ходимларининг жиноят ҳолатларини аниқлаш, шунингдек, жиноят содир этишда эҳтимолий шерикларни аниқлаш мақсадида сўроқ қилиши лозим бўлади.

Ушбу фирибгарлик гуруҳини текширишда ахборот технологиялари соҳасида экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш энг қийини ҳисобланади, чунки ҳозирги вақтда бундай экспертиза ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳеч қандай экспертиза муассасасида ўтказилмайди.

Бундай имтиҳонлар жуда мураккаб бўлганлиги сабабли, уларни ўтказиш учун компьютер технологиялари, дастурлаш, тизим муҳандислиги ва ахборот хавфсизлиги воситалари соҳасида махсус билимга эга бўлган мутахассислар гуруҳи тузилади.

Тергов усулини танлашда терговчи ихтиёрида бўлган бирламчи маълумотларнинг ҳажми ва ишончилиги фирибгарлик факти бўйича жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун уни оператив текширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Терговнинг кейинги босқичида илгари сурилган тергов таҳминларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш муҳим услуб ҳисобланади.

Фирибгарлик жиноятини тергов қилишнинг ўзига хос қонуниятлари бўлиб, у алоҳида тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг криминалистик йўналиши билан аниқланади. Тергов жараёнида муайян ўзига хос хусусиятларга эга бўлган типик тергов вазиятлари юзага келадики, уларни ҳал қилиш учун терговчи тергов йўналишини белгилайдиган вазифалар мажмуасини ҳал қилиши лозим бўлади.

Фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва тергов қилиш чора-тадбирлари самарадорлигини оширишнинг зарур шарт ички ишлар органларининг барча куч ва воситаларидан, шунингдек, қутилмаган омиллардан фойдаланган ҳолда бутун тергов давомида махсус операцияларни ишлаб чиқиш ва ўтказишга тизимли ёндашув ҳисобланади.

**Бекзод ХУЖАМУРАТОВ,**

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси тингловчиси.*

# АЙБИГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ЎРНИ ВА ИШТИРОКИ

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, дастлаб келиб тушган жиноят ҳақидаги ариза-хабар юзасидан терговга қадар текширув, сўнгра жиноят иши қўзғатилганда суриштирув ёки дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси ўтказилиб, айблов ҳукми чиқарилади. Ушбу жараёнлар учун одатда 3-6 ойдан 1 йилгача вақт сарфланади.**

Бундан кўринадики, жиноят натижасида бузилган ҳуқуқларини тиклаш, ўзига етказилган зарарларнинг қопланишига эришиши учун шахс узоқ муддат талаб қилувчи мураккаб жараёндан ўтиши лозим. Зеро, жиноят ишларининг узоқ тергов қилиниши айбдор шахсни жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши ва жавобгарликка тортилмай қолишига олиб келиши мумкин.

Айрим ҳолларда тергов ва суд жараёнларининг узоқ вақтга чўзилиб кетиши жабрланувчининг ўз процессуал мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашига ҳам сабаб бўлади. Бу эса, жиноят ишини юритаётган тергов органи ва ишни кўраётган суднинг ҳақиқатни аниқлаш ва одил судловни таъминлашга қаратилган фаолиятида қийинчиликлар туғдиради.

Шу сабабли, кўплаб давлатлар жиноят иши бўйича судга қадар иш юритиш босқичида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида жиноят иши юритишни анъанавий шаклда эмас, балки соддалаштирилган шаклда олиб боришни назарда тутувчи ноанъанавий шаклдан фойдалана бошлади.

Бугунги кунда, Австралия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Янги Зеландия, Польша, АҚШ, Франция, Чехия, Болтиқбўйи, Қозоғистон ва Қирғизистон каби кўплаб давлатлар жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда юритиш учун процессуал келишув институтини миллий қонунчилигига жорий қилган.

Таъкидлаш керакки, ушбу институтнинг жорий қилиниши жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида тергов органларининг иш юкмасини бир неча баробарга камайтиради.

Шунингдек, жиноятларни фош қилиш, айбдор шахсларни тезроқ жавобгарликка тортиш нафақат тергов ёки суд учун, балки бевосита жиноят ишини юритишга жалб қилинган бошқа шахслар, шу жумладан жиноятдан жабр кўрган шахслар учун ҳам муҳимдир.

БМТнинг “Ҳокимиятни суиестеъмол қилишдан ва жиноятдан жабр кўрганлар учун одил судловнинг асосий принциплари Декларация”си 4-бандида (Бош Ассамблея томонидан 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган 40/34 резолюцияси) жабрланувчилар одил судловдан фойдаланиш ва миллий қонунчиликка мувофиқ уларга етказилган зарарнинг тезроқ қоплаб берилиши ҳуқуқига эгаллиги, 5-бандида эса миллий қонунчиликка мувофиқ ва айбланувчига зарар етказмаган ҳолда, жабрланувчининг манфаатларига тааллуқли бўлганда суд муҳокамасининг тегишли

босқичларида жабрланувчига фикри ва хоҳишини билдириш имконияти таъминланиши кўрсатилган.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузиш борасида олимлар бир қанча фикрларни илгари сурадилар.

Хусусан, қозоғистонлик олим Д.Канафин айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг тузилиши келгусида жабрланувчининг жиноят оқибатида етказилган зарар ёки фуқаровий даъво миқдорини ўзгартириш ҳуқуқини чеклашлигини, бироқ келишув бекор қилинган тақдирда ушбу ҳуқуқ унда сақланиб қолишини таъкидлайди.

Бундан ташқари, И.М.Беляева, А.К.Кусаинова, Б.М.Нурғалиев ҳамда К.С.Уалиевлар жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларни аввало уларнинг моддий ва маънавий даъволари, дастлабки тергов давомида улар қандай исботлангани ва ҳужжатлар билан мустаҳкамлангани билан бир қаторда ушбу даъвогар келгусида қандай қопланиши муҳим эканлиги, шу сабабли, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар айбга иқрорлик келишуви тузилиши жараёнига прокурор ва суд томонидан жалб қилиниши лозимлигини билдирадилар.

Айни вақтда Россия Федерацияси Конституциявий суди жабрланувчининг шахсий манфаати нафақат жиноят натижасида унга етказилган зарарнинг қопланишидан, балки айбловнинг исботлангани, унинг ҳажми, айбдор шахс қилмиши Жиноят кодексининг қайси моддаси билан квалификация қилингани ва тайинланган жазо нимадан иборатлиги, зеро, охир-оқибат булар етказилган зарарнинг қопланиши билан боғлиқлигини кўрсатади.

Юқоридаги олимлар фикридан келиб чиқилса, айримлари жабрланувчининг келишувда иштирокидан мақсад, айбланувчи содир этган жинояти учун жавобгарликка тортилишига эришиш ва адолатли жазо тайинланишига, айримлари ўзига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишига эришишдан иборат деб ҳисоблайдилар.

Таъкидлаш керакки, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилишида жабрланувчининг роли борасида хорижий давлатлар қонунчилиги бу масалага турлича ёндашиб, айрим давлатларда жабрланувчининг ушбу жараёнда фаол иштироки назарда тутилса, айрим давлатларда уларнинг иштироки кўзда тутилмаган.

Хусусан, АҚШнинг фақатгина етти штатида жабрланувчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Аргентинада, шунингдек Буэнос Айрес, Формоса, Миссьонес каби ҳудудларида жабрланувчи қисқартирилган тартибда иш юритишда ҳеч қандай роль ўйнамайди. Сальвадорда судья жабрланувчининг фикрини эшитиши лозим,

лекин унинг розилигидан қатъий назар қисқартирилган тартибда иш юритишга ўтиши мумкин. Францияда жабрланувчи эшитилиш ҳуқуқига эга бўлсада, ушбу ҳуқуқдан амалда фойдаланилмайди. Боливия ЖПК 373-моддаси, Эстония ЖПК 239-моддасига кўра, жабрланувчи келишувга эътироз билдириш ҳуқуқига эга.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда жабрланувчининг иштироки борасида бизга яқин бўлган давлатлар қонунчилиги таҳлил қилинса, ушбу давлатларда ҳам келишув жараёнида жабрланувчининг роли бир-биридан фарқ қилишини кузатиш мумкин.

Жумладан, Россия Федерациясида айбга иқрорлик тўғрисида келишув бўлмасада, айбланувчи ўзига эълон қилинган айбловни тан олган ҳолларда суд қарори қабул қилишнинг алоҳида тартиби мавжуд. Унга кўра суд алоҳида тартибда иш кўриш бўйича жабрланувчининг розилигини аниқлаши лозим. Акс ҳолда (жабрланувчининг эътирози мавжуд бўлса) суд ишни алоҳида тартибда кўра олмайди.

Қозғоғистонда эса айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузиш шартларидан бири жабрланувчининг келишувга розилигидир. Агар ишда бир нечта жабрланувчи мавжуд бўлса, у ҳолда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув барча жабрланувчининг розилиги бўлгандагина тузилади. Айни вақтда, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг тузилиши шахсни жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар олдидаги фуқаровий жавобгарликдан озод қилмайди.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилган жиноят ишини судда кўриб чиқилишида жабрланувчи иштирок этмайди, бироқ зарур ҳолларда суд томонидан суд мажлисига чақиртирилиши мумкин.

Қирғизистонда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилишида жабрланувчи розилиги талаб этилмайди. Бироқ, келишувнинг тузилиши айбланувчини жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятдан озод қилмайди.

Украинада эса, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув давлат ёки жамият манфаатларига зарар етказилган жиноятлар бўйичагина тузилади.

Ўзбекистон қонунчилигида жабрланувчининг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувдаги иштироки бошқа давлатлар қонунчилигидан бир мунча фарқ қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 586<sup>1</sup>-моддасига кўра, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ўзига нисбатан кўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан прокурор ўртасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузилади.

Бундан кўринадики, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш учун жабрланувчининг розилиги талаб қилинмайди.

Шундай бўлсада, миллий қонунчилигимиз келишув тузилишида жабрланувчининг манфаатлари прокурор ва суд томонидан эътиборга олинишини кафолатлайди.

Хусусан, прокурор келишув тузиш тўғрисидаги илтимосномани суриштирувчи ёки терговчи ҳамда гумон

қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси иштирокида кўриб чиқади, зарур ҳолларда, прокурор жабрланувчини ёки фуқаровий даъвогарни ҳам келишув тузиш масаласини кўриб чиқиш учун жалб қилади (ЖПК 586<sup>3</sup>-моддаси).

Бундан ташқари, суд томонидан айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувга доир ишлар судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), агар ишда иштирок этаётган бўлса, қонуний вакил, ҳимоячи, прокурор иштирокида кўриб чиқилади (ЖПК 586<sup>7</sup>-модда) ҳамда судланувчи ва ҳимоячининг, прокурорнинг, шунингдек зарур ҳолларда, жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) фикрини эшитади.

Бундан кўринадики, бошқа давлатлар қонунчилигидан фарқли равишда Ўзбекистонда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилиши учун жабрланувчи розилиги талаб этилмай, қонунчилик жабрланувчининг манфаатини унга етказилган зарарнинг бартараф этилган бўлиши ҳақидаги шартни белгилаш орқали ҳимоя қилган.

**Фикримизча, ушбу меъёрдаги шарт нафақат жабрланувчи, балки айбланувчи ва прокурорнинг ҳам келишув тузиш ҳуқуқини чеклайди. Чунки;**

*биринчидан, юқоридаги қонун талаби моддий зарарни қоплаган ёки қоплаш имкони бўлган шахсларга келишув ҳақида ариза беришга ҳуқуқ бериб, терговга ёрдам берган, айбига иқрорлик билдирган, бироқ моддий имконияти йўқлиги сабабли, етказилган зарарни қоплай олмаган шахсларни ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилади;*

*иккинчидан, жиноят оқибатида етказилган зарар бартараф этиб бўлинганидан сўнг айблов тарафда келишув тузиш учун зарурат қолмайди;*

*учинчидан, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг миқдори борасида тергов органи билан жабрланувчининг фикри турлича бўлиб, жиноят натижасида бевосита зарар кўрган жабрланувчининг ўзига етказилган зарарнинг миқдори ва унинг қопланиши борасида фикрини баён қилиш масаласи прокурор ва судга боғлиқ бўлиб қолган;*

*тўртинчидан, келишув ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқининг жиноят оқибатида етказилган зарар бартараф этилганидан сўнг юзага келиши гумон қилинувчи ёки айбланувчининг келгусида прокурор билан келишувга эришишга бўлган кафолатнинг йўққа чиқишига олиб келади ва ўз-ўзидан келишув тузиш ҳақида илтимоснома беришга тўсқинлик қилади;*

*бешинчидан, жиноий зарар мавжуд бўлмаган жиноятлар бўйича иш юритишда келишув тузиш борасида муаммоларни юзага келтиради.*

Асосийси, агар жиноят иши айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилмасдан, шахс айбига иқрорлик билдирмаган ва жиноят иши умумий асосларда кўриб чиқилган тақдирда ҳам, қонунчилик жиноят оқибатида етказилган зарар бартараф этилмаганлиги учун айбланувчига оғирроқ ёки энгилроқ жазо тайинлашни чекламайди.

Шу ўринда, қонунчилик агар шахс айбига иқрорлик билдирган, терговга кўмаклашган, далилларни ва жиноий зарарни инкор қилмаган бўлса-да, бироқ етказилган зарарни қоплай олмаса, у ҳолда унга энгилроқ жазо тайинлашга йўл қўймайди. Аксинча шахс айбига иқрор бўлмай, терговга кўмаклашмасдан, унга



оид жиноят иши умумий асосларда кўриб чиқилганда, айбдор шахснинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи меъёрни қўллаш мумкин бўлиб, қонунчиликда мантиқсизликни юзага келтириш билан бирга, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувдан самарали фойдаланишга сунъий тўсиқ яратади.

Фикримизча, жиноят содир этганга нисбатан жазо тайинлашда, ЖК 8-моддасидаги одиллик тамойилидан келиб чиқилиши, бунда шахснинг жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш имкониятидан эмас, балки содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлардан келиб чиқилиши лозим.

Шу сабабли, жабрланувчининг келишувга оид ишлар юритилишида иштироки борасида фикр юритганда аввало, ҳар бир давлатда жиноят ишларини юритишда жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари процессуал қонунчилигида қандай ўрин эгаллаганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ярашув тартибида иш юритишда Жиноят кодексининг 661-моддасидаги жиноятлар бўйича жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбини тўлиқ бўйнига олиб, зарарни қоплаб, жабрланувчи билан ярашса, жабрланувчининг аризасига асосан иш юритиш тугатилади. Бундай ҳолда жабрланувчининг фикри тергов ва суд учун императив характерга эга бўлиб, жиноят ишини юритиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг фикридан қатъий назар тугатилади.

Бундан ташқари, судда шахсни айбли деб топиш ва унга жазо берилишида суд жабрланувчининг фикрига, талабига боғланмаган. Жумладан, жабрланувчи суд мажлисига келмаса ҳам суд жабрланувчининг иштирокисиз ишни кўриб чиқиши мумкин (ЖПК 411-модда).

Демак, агар жиноят иши айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув шаклида эмас, балки, умумий тартибда тергов қилиниб, судда тўлиқ кўриб чиқилганда ҳам айбланувчининг айби қайси модда билан квалификация қилиниши, унга нисбатан тайинланадиган жазо тури ва миқдори, жиноят оқибатида етказилган зарар ёки фуқаровий даъвонинг миқдори, унинг айбланувчидан ундирилиши, иш бўйича хатланган мол-мулк ва бошқа ашёвий далиллар масаласидаги фикрлари қарор қабул қилинишида суд учун императив характерга эга бўлмай, ушбу масалалар суд томонидан иш ҳолатларидан келиб чиқилиб, мустақил ҳал қилинади.

**Юқоридагиларга кўра, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилишида жабрланувчининг иштироки борасида куйидаги фикрлар илгари сурилади:**

*айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув прокурор билан ўзига нисбатан жиноий таъқиб ўтказилаётган шахс ўртасида тузилиши лозим бўлиб, бунда бошқа иштирокчиларнинг аралашуви келишув жараёнини мураккаблаштиради;*

*келишувнинг тузилишида айбдор шахснинг содир этган жинояти учун жавобгарлиги прокурор ҳамда*

*суд томонидан келишувни кўриб чиқишда инobatга олиниши лозим;*

*келишувда назарда тутилмаган жиноят оқибатида етказилган зарар ва фуқаровий даъво борасида жабрланувчида келгусида фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ёхуд суд ҳукмига нисбатан юқори судларга шикоят қилиш ҳуқуқи сақланиб қолиши лозим;*

*айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув шартномавий ҳуқуқий муносабатларга асосланганлиги сабабли, тарафлар томонидан бажариладиган ҳаракатлар келишув тузиш ҳуқуқини юзага келтирувчи шарт бўлмай, балки келишув предмети сифатида келишув битимида кўрсатилиши керак;*

*гумон қилинувчи, айбланувчининг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ҳақида прокурорга мурожаат қилиш ҳуқуқи унинг моддий имкониятларига боғлиқ бўлмаслиги лозим бўлиб, бу борада Жиноят-процессуал кодексининг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув назарда тутилган бобининг тегишли моддаларига ўзгартиришлар киритилиши таклиф қилинади.*

Қонунчиликка ушбу таклифларнинг киритилиши, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувдан самарали фойдаланишга, жиноят ишларини соддароқ шаклда юритиб, жавобгарлик муқаррарлигини қисқароқ муддат ичида таъминлашга, айти вақтда жиноятдан жабр кўрган шахсларга нисбатан етказилган зарарлар ундирилиб, бузилган ҳуқуқларининг тикланишига имкон беради.

**Сайдулло АЗИМОВ,**

*Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 №174-ФЗ (ред. От 17.02.2023) / <http://consultant.ru>
2. Постановление Конституционного суда РФ от 08.12.2003 №18-П "По делу о проверки конституционности положений статей 125, 219, 227, 229, 236, 237, 239, 246, 254, 271, 378, 405 и 408, а также глав 35 и 39 Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации в связи с запросами судов общей юрисдикции и жалобами граждан" // Вестник Конституционного суда РФ. 2004 №1
3. Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года №4651 VI, статья 469/ [continent-online.com](http://continent-online.com)
4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231V, глава 64-1/ [online.zakon.kz](http://online.zakon.kz)
5. Рекомендация № R (87) 18 Комитета министров государствам-членам относительно упрощения уголовного правосудия / <https://evolutio.info/ru>
6. Сманалиев К.М. "Процессуальное соглашение" / Журнал Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук <http://cyberleninka.ru>
7. Канафин Д.К. "Институт процессуальных соглашений и международные стандарты справедливого уголовного процесса" / экспертное заключение подготовленное Центром ОБСЕ в Астане и Центром исследования правовой политики / <https://iprc.kz>
8. Юрченко Р.Н. "Процессуальные соглашения и законодательное поощрение их заключения" / <https://zakon.kz>
9. И.М.Беляева, А.К.Кусаинова, Б.М.Нургалиев, К.С.Уалиев "Правовое положение и права потерпевшего в сделке о признании вины по уголовно-процессуальному законодательству Республики Казахстан" / Вестник ЮУрГУ. Серия "Право" 2018.Т. 18, №4, С. 7-14
10. В.Шакун При заключении процессуального соглашения / URL: <https://zakon.kz>
11. Экспертное заключение на проект Закона Республики Казахстан "О внесении изменений и дополнений в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан по вопросам упрощенного досудебного производства" /С.Тэйман // Ежегодник Центра исследования правовой политики, 2009.-Алматы, 2010. ст.248-286.

# НИКОҲДАН АЖРАЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АСОСЛАРИ

**Оила — жамиятнинг асоси. Демак, оила шахсий масала эмас, балки ижтимоий аҳамиятга эга. Соғлом оиланинг вужудга келиши учун, энг аввало, жамият ва давлат қай-гуриши, шунга мустақкам замин яратиб бериши лозим. Оила соғлом бўлсагина, жамият соғлом, мамлакат янада қудратли, юрт тинч ва осойишта бўлади.**

Сўнгги йилларда, мамлакатимизда униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз тарбиясига, умуман, оила ва никоҳ институтига салбий таъсир кўрсатадиган оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича самарали ва тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шундай бўлсада турмуш курган ёшлар орасида ҳаётни энгил-елпи тасаввур қилиш, оиланинг муқаддас эканлигини тушуниб етмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажралишлар сони кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ ва норасида болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда, носоғлом ва номукамал муҳитда қолмоқда.

Оила ва никоҳнинг ҳуқуқий асосларини тушуниш олдин ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Кормчей ўз тадқиқотида оила ва никоҳ муносабатлари ҳақида қуйидагиларни таъкидлаган: “Қонуний никоҳ ва эр-хотинлик муносабатлари Исо Масих томонидан ўрнатилган ва белгиланган, инсон қавмининг ортиши, унинг тарбияси ва илоҳий шухратга эришиши йўлидаги ҳаракати, севги ва дўстлик, ўзаро ёрдам бериш ва энг асосийси гуноҳлардан сақланиш йўлидаги иттифоқидир”. Никоҳ нафақат инсоннинг насл қолдириши ва фарзанд тарбиясидан ташқари гуноҳлардан сақланиш учун ҳам хизмат қилар экан. Зеро, оила маълум маънода жамиятда барқарор ахлоқий муҳитни сақлашга хизмат қилади.

**Ўзбекистонда никоҳ ва оилавий муносабатлар давлат томонидан амалга оширилади ва ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинувчи оилавий муносабатлар:**

а) *тор маънода эр-хотинлар, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар;*

б) *кенг маънода оила аъзоларининг фуқаро сифатида ва давлат ўртасидаги (унинг номидан ҳаракат қилувчи тегишли органлар мисолида) муносабатларга бўлинади.*

Оила ҳуқуқий маънода никоҳ ва қариндошлик, оилавий муносабатларни мустақкамлашга хизмат қилувчи фарзандликка олиш, ёки болаларни бошқа шаклдаги тарбияга олиш каби муносабатлардан юзага келувчи маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга инсонлар гуруҳини тушунамиз. Шу нарса ҳам унутмаслигимиз керакки, ҳар доим ҳам оилавий муносабатлар ҳуқуқий муносабатларни ташкил этмайди. Энг асосий баҳсли саволлардан бири фактик никоҳ муаммосидир. Ушбу ҳолат юзасидан немис олимлари И.Кант ва И.Г.Фихтенинг билдирган қарашлари қизиқарлидир. “Фактик жиҳатдан тарафларнинг бирга яшаши, лекин шартнома тузмаслиги ёки шартнома тузиб биргаликда яшамаслиги никоҳ ҳисобланмайди, – дейди Кант, – чунки бу ҳолатда қонун талаблари бузилади”.

И.Кант ва И.Г.Фихтелар эр ва хотин муносабатлари юридик жиҳатдан расмийлаштирилган бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар: бу ҳолатлар, яъни эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар ҳар доим ҳам юридик характерга эмас, балки кўпичча табиий ва ахлоқий характерга эга бўлишини улар эътиборга олмасликка ҳаракат қиладилар.

Таҳлилларга кўра, ажримларнинг аксарияти оилавий келишмовчиликлар, яъни эр-хотин, қайнона-келин, қудалар ёки келин-куёвнинг яқинлари ўртасидаги тушунмовчилик, бир хонадонда 2-3 та оиланинг яшаши, овсинлар ўртасидаги мурасасизлик, фарзандсизлик, моддий-иқтисодий таъминотнинг етарли даражада эмаслиги, эр-хотиннинг узоқ вақт бирга яшамаслиги, шунингдек, хиёнат, турмуш ўртоғининг ичкиликка берилганлиги сингари қатор сабаблар туфайли қайд этилмоқда. Аёлларнинг ажралиб, ота уйига қайтиб келиши ўша оилалардаги муаммоларни янада кўпайтирмоқда. Қолаверса, ажрашган аёл фарзандларини боқиш, уй-жой қилиш илинжида қатор қийинчиликларга дуч келмоқда. Уларнинг айримлари энгил-елпи, ноқонуний йўллар билан пул топишга ҳаракат қилмоқда. Бу албатта, аёллар иштирокидаги жиноятларнинг ортишига, фарзандлар тарбиясига, оилалардаги маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жамоатчилик фикрига кўра, бугунги кунда оилавий ажримларга учинчи шахс, келин ёки куёвнинг зиддияти 32 %, қайнота ва куёв зиддияти 24 %, қайинсингил ёки қайнопа ва келин зиддияти 21%, қайнона ва келин зиддияти 18%, эр-хотин зиддияти 5 % сабаб бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, оилавий ажримларнинг олдини олиш учун, аввало, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг шахсий хислатларини ижобий томонга ўзгартириш, оиланинг муқаддаслигини болалиқдан онгига сингдириб бориш лозим. Шунингдек, ёш эр-хотин ўртасида узилмас ишонч ришталарини боғлаш, учинчи шахсларнинг оила масаласида аралашувига чек қўйиш зарур.

Бу борада, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик бир мақсад йўлида бирлашиб, ўзаро аҳилликда ҳамда узвий ҳамкорликдаги фаолиятни тизимли равишда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясини XIV бобининг 76, 77, 78, 79, 80 моддалари оила, болалар ва ёшларга бағишланган бўлиб, шу жиҳати билан бошқа давлатларнинг Конституциясидан ажралиб туради. Оила ва никоҳ институтининг ҳуқуқий асосларини тушуниш, маълум маънода жамиятда барқарор ҳуқуқий-ахлоқий муҳитни сақлашга хизмат қилади.

**Нозима АБДУСАЛАМОВА,**

*Судьялар олий мактаби магистранти.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Царугова. Русское семейное право XVI-XVIII в.в. -М., 1991. С.5. Литвинова А. Л. Из истории философских представлений о браке и семье (Проблема брака и семьи в философии Канта, Фихте, Гегеля ) // Семья как объект философского и социологического исследования. Л., 1974. С. 21-22.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023. XIV боб “Оила, болалар ва ёшлар”. Б.18. 76-модда.



# КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

## АННОТАЦИЯ:

*ушбу мақолада мулкӣ жавобгарликнинг бир тури сифатида касбий жавобгарликни таҳлил қилишга ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилинади.*

**Калит сўзлар:** суғурта, жавобгарлик, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, касбий жавобгарлик, суғурта полиси, суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, мижоз.

Миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган бозор ислохоти суғурта тизимига таъсир қилади ва бу фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг молиявий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди ҳамда компенсация тўловлари орқали давлат молия тизими юқини камайтиришга ёрдам беради. Ижтимоий ва ишбилармонлик фаолиятининг замонавий шароитида суғуртага бўлган эҳтиёж ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди, чунки бу ҳаётнинг турли соҳаларида юзага келадиган зарар ва йўқотишларни тезда қоплаш учун энг қулай ва мослашувчан воситадир.

Мамлакатимизда собиқ социализм шароитида мавжуд бўлган давлат суғуртаси тизими кўплаб ва хилма-хил хавфларни суғурталашни таъминлай олмади ва одамларнинг кичик доираси билан чекланди.

Биринчидан, хусусий тадбиркорликка йўл қўйилмаганлиги сабабли бунга эҳтиёж бўлмади; иккинчидан, давлат суғурта бизнесида монополист бўлганлиги сабабли, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга алоҳида зарурат сезмади, бунинг натижасида хусусий нодавлат суғуртанинг тарихий анъаналари узок вақт давомида йўқотилди.

Шу муносабат билан иқтисодиётнинг нодавлат секторини кучайтириш зарурати пайдо бўлди. Бу эса янги суғурта механизмларини ривожлантиришга таъсир қилади, натижада янги тармоқлар ва суғурта турлари ривожланади. Тадбиркорликнинг ривожланиши, касбий фаолиятнинг янги, ижтимоий аҳамиятга эга турларининг пайдо бўлиши товарлар сифати, бажарилган ишлар ва хизматлар натижалари учун жавобгарликни суғурталашни амалга оширишни ўз ичига олади, бунинг натижасида истеъмолчиларга ва бошқа учинчи шахсларга зарар етказилиши мумкин.

Касбий жавобгарликни суғурталашнинг ҳуқуқий табиати масаласи фуқаролик қонунчилигида етарлича ўрганилмаган ва мунозарали бўлиб қолмоқда. Илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ қилинмаганлиги, қонунчиликда бўшлиқларнинг мавжудлиги ва суд амалиётининг етишмаслиги касбий жавобгарликни суғурталашни ҳар томонлама ўрганиш учун кенг майдон яратмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, мавжуд илмий тадқиқотлар танланган мавзунинг долзарблигини камайтирмайди, илмий ишларда кўтарилган масалалар жуда мунозарали ва қўшимча ишлов беришни талаб қилади.

О.А. Файёр ўзининг “Касбий жавобгарликни суғурталаш: фуқаролик-ҳуқуқий жиҳати” диссертация тадқиқотида “касбий фаолият” тушунчасини ўрганиб чиқади, уни амалга оширувчи шахснинг белгиларини аниқлайди. Натижада “касбий жавобгарлик” тушунчалари, унинг пайдо бўлиш шартлари ва турлари таҳлил қилинади, уни тадбиркорлик субъекти жавобгарлигидан фарқлаш мезонлари аниқланди. У умумий суғурта турлари ва хусусий жавобгарликни суғурталашнинг қиёсий таҳлилини ўтказди.

Л.Ю. Чекмарева адвокатларнинг касбий жавобгарлиги масалаларини ўрганиб чиққан. У адвокатнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш каби суғурта турини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида аниқ консолидация йўқлигини аниқлайди, бу ниҳоят адвокатнинг мулкӣ манфаатларини тўғри ҳимоя қилишни таъминлаш ва мижознинг мулкӣ манфаатларини бажармаслик учун ҳимоя қилиш масаласини ҳал қилиш ёки адвокат томонидан ўз касбий вазифаларини нотўғри бажариши оқибати эканлигини таъкидлайди. Адвокатнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш механизмини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш учун адвокатнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта компенсациясини тўлаш механизмини ўрганиш лозим.

Суғурта фаолияти ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусияти уни илгари суғурта механизмлари ишлатилмаган ёки чекланган даражада ишлатилган инсон фаолияти соҳасида амалга оширишдир.

Замонавий бозор шароитида касбий фаолиятнинг янги турлари пайдо бўлмоқда (аудиторлик ва қимматли қоғозлар бозори, туризм фаолияти каби). Шундай қилиб, индивидуал амалиёт билан шуғулланадиган шахслар ўз жавобгарлигини ихтиёрий равишда суғурталашга одатланмаган. Бунинг сабаблари аҳолининг ихтиёрий суғуртада иштирок этиши учун иқтисодий рағбатлантиришнинг, шу жумладан солиқ имтиёзларининг йўқлиги, иқтисодий низоларни ҳал қилиш воситаси сифатида суғуртага бўлган ишончининг пастлиги ва йўқотишлар миқдорини аниқлашда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги саналади. Ҳозирги вақтда суғурта амалиётида муайян касблар учун қонун билан белгиланган жавобгарликни мажбурий суғурталаш устувор мавқега эга.

Суғурта ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларнинг таҳлили, тегишли ҳуқуқий адабиётларни ўрганиш натижалари касбий жавобгарликни суғурталашни мулкни суғурталашга, хусусан фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш турига боғлаш учун асос бўлди.

**Фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг икки турини ажратиш одатий ҳолдир, хусусан:**

- суғурта қилдирувчи томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятлари бўйича жавобгарлик хавфини суғурталаш (жавобгарликни суғурталаш);

- шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурталаш.

Амалдаги қонунчиликда касбий жавобгарликни суғурталаш алоҳида турга ажратилмаган, ҳозирги босқичда эса суғурта турлари тизимида унга мустақил жой ажратиш учун объектив шарт-шароитлар шакланган бўлиб, касбий жавобгарликни суғуртанинг бошқа турларидан ажратиш турадиган ўзига хос хусусиятлар ва характерли хусусиятлар тўплами мавжуд.

Касбий жавобгарликни суғурталаш ўз касбий фаолиятини амалга оширишда учинчи шахсларга моддий зарар етказиши мумкин бўлган турли тоифадаги шахсларнинг мулкрий манфаатларини суғурта қилиш турларини бирлаштиради.

С.С. Осадець суғурта қилдирувчининг фуқаролик жавобгарлиги фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликнинг ҳуқуқий оқибати сифатида юзага келишини, бунинг натижасида учинчи шахснинг субъектив фуқаролик ҳуқуқлари бузилиши мумкинлигини аниқлайди.

Касбий вазифаларни бажаришда шахс томонидан йўл қўйилган хатолар ёки камчиликлар учун жавобгарлик муайян фаолият соҳасидаги томонларнинг мажбуриятларини тартибга солувчи қонунчилик ва норматив ҳужжатларга асосланади.

“Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик” ва “касбий жавобгарлик” тушунчаларининг фарқи “касбий жавобгарлик” тушунчасининг касб, зарур махсус билим ва малакага, тажриба ва бизнесга эга бўлган муайян шахснинг шахсияти каби категориялар билан узвий боғлиқлигидадир. Инсон омилининг мавжудлиги: хато қилиш, бепарволикни тахмин қилиш фақат профессионал функцияларни бажарадиган маълум бир шахсга хосдир.

Ходимнинг касбий хатоси учинчи шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, аммо у бу шахслар олдида жавобгар эмас, чунки қонун бўйича жавобгарлик бу вазиятда ходимнинг иш берувчисига юклатилган (ФКнинг 989-моддаси). Шу билан бирга, юридик шахс, ўз касбий фаолиятини мустақил равишда амалга оширадиган жисмоний шахсга нисбатан, молиявий аҳволи барқарор бўлган шахс ҳисобланади. Юридик шахс ҳар бир ходимининг профессионаллиги, ҳалоллиги ва инсофлиги унинг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги даражасига таъсир қилмайди.

Касбий жавобгарликни суғурталаш муайян касб эгаларини ҳуқуқий даъволардан келиб чиқадиган салбий молиявий оқибатлардан суғурта қилиш, суғурталанган шахс томонидан унинг касбий фаолияти давомида содир этилган хато, бепарволик натижасида етказилган зарар (йўқотиш) юзага келиши муносабати билан учинчи шахс (жабрланувчи) томонидан идентификация қилиш учун мўлжалланган вазифаларини бажармаслик натижасида юзага келадиган мулкрий йўқотишларни бартараф этиш вазифасини бажаради.

Касбий жавобгарликни суғурталашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш лозим: учинчи шахсларга етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги хавфи билан боғлиқ мулкрий манфаатлар суғурта қилинади, фақат суғурта қилдирувчининг ўзи-қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган мустақил фаолият билан шуғулланадиган шахс бўлиши лозим. Бу ҳолда суғурталанган шахс суғурта қилдирувчидан бошқа шахс бўлиши мумкин эмас, бу ҳолда “суғурталовчи” ва “суғурталанган шахс” тушунчалари мос келади; касбий жавобгарликни суғурталаш объектнинг ҳуқуқий табиати аралаш характерга эга бўлиб, бу суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳимоясини нафақат суғурта қилдирувчининг мижоз олдидаги вазифаларини нотўғри бажариши билан боғлиқ оқибатлардан, балки мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик оқибатларининг ҳам олдини олиш имкониятини аниқлатади. шартнома мажбуриятларидан келиб чиқмайди, лекин уларнинг бажарилиши билан бевосита ва кучли алоқага эга ҳисобланади.

Касбий фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқбузарлик касбий фаолият билан шуғулланадиган шахс ва буюртмачи ўртасида шартномавий ёки унга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш билан боғлиқ. Касбий функцияни бажарадиган шахснинг шартномавий жавобгарлиги ҳар доим шартнома мажбуриятининг ҳосиласи ҳисобланади. Шу билан бирга, қийноқ жавобгарлиги шартнома мажбуриятларидан ҳам келиб чиқиши мумкин. Ўз хатти-ҳаракатлари билан зарар етказган шахс фаол табиатнинг ўзига хос бурчини бузмайди, балки бошқа шахснинг мутлақ субъектив ҳуқуқларини бузмаслик (тиббий ёки адвокат сирини бузмаслик, соғлиғига зарар етказмаслик) учун умумий бурчдир.

Бундан ташқари, касбий фаолият билан шуғулланадиган шахснинг деликт жавобгарлиги тўғридан-тўғри унинг шартномавий (ёки уларга тенглаштирилган) мажбуриятларидан келиб чиқади, шу муносабат билан аралаш жавобгарлик каби икки турдаги жавобгарликнинг бўйсунушини аниқлаш учун оқилона имконият мавжуд.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси бўйича маънавий зарарни қоплаш суғурта компенсацияси билан қопланиши мумкин бўлган суғурта қилдирувчининг (суғурталанган шахснинг) жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш бўйича асосий мажбурияти билан бевосита боғлиқ бўлган кенг тарқалган нуқтаи назар мавжуд. Хизматлар кўлами, ишларнинг бажарилиши моҳиятан касбий жавобгарликни суғурталашни амалга оширишда тегишли ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг психофизик омили, суғурта қилдирувчининг маънавий зарарни қоплаш мажбурияти билан боғлиқ бўлган пул йўқотишлари билан чамбарчас боғлиқлиги сабабли касбий функцияларни бажариш суғурта компенсациясига тортилиши лозим. Шу билан бирга, шахслар доирасини чеклаш зарур, ушбу ҳолатда жабрланувчилар тоифасига кирадиган ва бенефициар бўлган шахслар доирасини аниқ белгилаш талаб этилади. Бизнинг фикримизча, жабрланган шахс (бенефициар) бу ҳолатда фақат суғурта қилдирувчи томонидан хизматларни (ишларни) бажариш шахсан мўлжалланган ёки у билан узвий боғлиқ бўлган шахс бўлиши мумкин. Жабрланганлар доирасининг ўзбошимчалик билан кенгайиши мутахассисга нисбатан даъволарнинг кўпайишига, ҳуқуқбузарлик ҳолатида унинг айбини исботлашнинг мураккаблашишига ва маънавий зарарни қоплаш институтини кўллашнинг иложи йўқлиғига олиб келиши мумкин.

Бироқ, жаҳон амалиётдан фарқли ўлароқ, бизнинг мамлакатимизда касбий хатолар учун жавобгарлик хавфини суғурталаш ҳали кенг қўлланилмаган.

Шундай қилиб, касбий жавобгарлик суғуртасини ривожлантириш учун ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар янада такомиллаштиришни талаб қилади. Қайси ҳолатларда шахс (адвокат, шифокор, нотариус ва бошқалар) ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган ҳолда мижоз олдида мулкрий жавобгарликни ўз зиммасига олиши керак ва қайси ҳолларда у жавобгар эмас, шунингдек у ҳар қандай йўқотишлар учун жавобгар бўлса, касбий жавобгарликни суғурталаш жуда декларатив нарсга айланади. Тегишли суғурта ҳуқуқий муносабатлари иштирокчилари ўртасида ишончсизлик муҳити мавжуд ва бундай ҳолда касбий жавобгарликни суғурталаш мақсадларига эришилмайди.

**Иззат ПАЛВАНОВ,**

*Судьялар олий мактаби бўлим бошлиғи.*

## ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАРНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАН ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

*ТМКлар инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун халқаро-ҳуқуқий жавобгарликка тортилишдан аввал дастлаб уларнинг халқаро ҳуқуқ субъектлилигини аниқлаш лозим бўлади. Профессор В.И. Кузнецовнинг фикрига кўра, агар жисмоний шахслар халқаро ҳуқуқнинг субъектлари бўла олсалар, унда ТМКлар ҳам халқаро ҳуқуқ субъектлилигига эга бўлиши имконияти мавжудлиги ҳақидаги манتيқий хулосага келиш мумкин бўлади. Чет эл доктриналарида, айрим компаниялар, хусусан ТМКлар замонавий шароитларда халқаро ҳуқуқ субъектлилиги сифатини олишаётганини учратиш мумкин.*

ТМКларнинг иқтисодий куч-қудрати ва халқаро сиёсатга ўтказадиган таъсири, уларни халқаро ҳамжамиятда баъзи давлатлардан кўра, салмоқлироқ кучга айлантириб қўймоқда. Профессор Ю.М. Колосовнинг наздида, ТМКларнинг халқаро ҳуқуқ субъектлилиги, жисмоний шахсларнинг халқаро ҳуқуқ субъектлилиги муаммосига ўхшаб кетади. ТМКлар, халқаро меҳнат тақсимланишининг сифат жиҳатидан янги даражаси ҳисобланади. Корпорацияларнинг ташкилий тузилмаси қатъий марказлашган бошқарувга асосланган, ТМКга кирувчи филиал ва бўлинмалардан иборат бўлиб, улар турли давлатларда жойлашган бўлади.

Ҳозирги кунда ТМКлар ўз номидан алоҳида давлатлар ҳамда молиявий-иқтисодий ташкилотлар билан шартномалар имзоламоқдалар. Валюта-молиявий, илмий-техник ва ишлаб чиқаришнинг халқаро муносабатларини, шунингдек, энергетика, алоқа, транспорт, инновацион технологияларни қўллаб-қувватлашда ТМКларнинг аҳамияти беқиёс.

Жумладан, ТМКлар Рио-де-Жанейро ва Йоханнесбург саммитлари, БМТнинг Глобал шартномасини имзолаш жараёнида мустақил равишда қатнашдилар. Бу эса уларнинг халқаро муносабатларда иштирок этиш лаёқатига эга эканликларидан дарак беради. Шу билан бирга, ТМКлар ва ҳукуматлар ўртасида тузиладиган шартномалар ҳар доим ҳам халқаро хусусий характерга эга бўлмайди. ТМКлар томонидан им-

золанган БМТнинг Глобал шартномаси бунинг ёрқин далили саналади. Ҳужжатда акс эттирилган қоидалар инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Юқорида қайд этилганидек, айрим ҳуқуқшунослар юридик шахслар ҳам халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўла олишлари ҳақида сўз юритишади. Жисмоний шахслар, кичик ёки ўртача компаниялар ўз давлатининг иштирокисиз халқаро мақомга эриша олмайдилар, албатта. Аммо, йирик ТМКлар бошқа мавзу бўлиб, уларнинг баъзиларининг молиявий салоҳияти бир қанча давлатлар бюджетидан юқоридир. И.И. Лукашукнинг фикрига кўра, бундай компаниялар ҳақиқатдан ҳам давлат ҳокимиятидан халос бўлишга имконият берувчи, алоҳида халқаро режимга эҳтиёж сезадилар. Шунинг учун ТМКлар халқаро ҳуқуқнинг субъекти эканликлари ҳамда улар оммавий халқаро ҳуқуқ ривожланишининг фаол иштирокчилари бўлишлари ҳақида таъкидланади.

Дунё ҳамжамияти томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга нисбатан эътиборнинг ўсиб бориши, ТМКларнинг чекланган ҳуқуқ субъекти бўлиб тан олинишини тақозо этади.

Бу ерда чекланганлик сифати нима билан ифодаланади? Бизнингча, бу ТМКларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро конвенция ва келишувларни мустақил равишда имзолай олмасликларида ифодаланади. Лекин, ТМКларнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш мажбурияти ушбу конвенция ва келишувлар ҳамда халқаро суд ва арбитраж амалиётининг умумий моҳиятидан келиб чиқади. ТМК инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро келишувларга қўшилмаган бўлсада, унинг асосий қароргоҳи жойлашган ёки ташкил этилган мамлакат томонидан ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича келишувларга амал қилиши лозим бўлади. Ушбу давлат учун амалда бўлган конвенцияга, ўз ҳудудида ташкил этилган ТМКнинг риоя этишини давлат ўз мил-



лий қонунчилигига имплементация этиш орқали таъминлаб бериши керак бўлади.

2000 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Мингйиллик Декларациясида, ТМКларнинг ишлаб чиқариш ва ривожланмаган давлатларга зарурий тиббиёт дори-дармонларини етказиш, уларни камбағалликни бартараф этувчи дастурларга жалб этиш ва бошқа ҳолатлардаги ўрни юқори эканлиги тасдиқланди. Аммо фикримизча, Рио-де-Жанейрода ўтказилган халқаро саммитда барча кўзланган мақсадларга эришиб бўлмади. Саммит иштирокчилари ТМКларнинг иқтисодий қудратларига бардош беролмадилар ҳамда корпорациялар деярли бутун учрашувни ўзлари бошқариб бордилар. Натижада қаттиқ тартибга солувчи қонунчилик ўрнига, БМТнинг Глобал шартномаси тимсолидаги "ихтиёрий жавобгарлик" концепцияси илгари сурилди. Ҳозирда ТМКлар "яшил камуфляж" (greenwash) – яъни "табиатни ҳимоячилари" имиджидан фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, ТМКлар ишлаб чиқаришда фақат экологик тоза технологиялардан фойдаланаётганликлари ҳақида бонг урмоқдалар.

Н. Муминонинг фикрича, ТМКлар фаолиятининг уни қабул қилаётган давлатлар учун салбий сиёсий жиҳатлари қуйидагилардан иборат: давлат хавфсизлиги ва суверенитетига таҳдид, атроф-муҳит ифлосланиш даражасининг ўсиши, глобал экологик муаммоларнинг вужудга келиши, манфаатлари умуминсоний манфаатларга мос бўлмаган ҳокимият марказларини юзага келиши имконияти ва ҳ.к. ТМКларнинг миллий хавфсизлик масалаларига салбий таъсир ўтказиши давлатнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функциясида ноҳуш акс этади, бу эса ўрганилаётган масаланинг янада жиддийлашувига олиб келади.

Демак, мулоҳазаларимиз якунида биз қуйидаги ҳолатларни аниқлаб олдик десак муболаға бўлмайди, хусусан:

- а) ТМКлар – халқаро ҳуқуқ тизимининг зарурий иштирокчиларидир. Аммо, мавжуд "юмшоқ ҳуқуқ" ТМКларнинг халқаро юридик индивидуаллигини тан олиш учун етарли асос яратмайди;
- б) ТМКлар молиявий ва технологик кўрсаткичлар бўйича унча ривожланмаган давлатларга қараганда анча юқори турадилар;
- в) улар унча ривожланмаган давлатлар сиёсати ва фаолиятига таъсир ўтказишга қодир бўладилар.

Ушбу ҳолатни М. Касимов ТМКлар фаолиятининг салбий хислати сифатида баҳолайди ва ТМКлар давлат иқтисодиётига кучли таъсир ўтказиш йўлида баъзи вақтда ўз манфаатларини кўзлаб, унга қарши чиқиши ва мамлакат манфаатларини чеклаб қўювчи шартларни қабул қилдиришлари мумкинлигини таъкидлайди.

Сўнги йилларда шундай концепциялар ом-малашиб кетдики, уларнинг муаллифлари глобализация жараёнининг ривожланишига асосланиб, давлатларнинг роли тушиб, заифлашиб бораётганини, баъзилар эса миллий давлатлар барҳам топганини қайд этишмоқда. Шу билан бирга олимлар жаҳондаги тартибни яхшироқ таъминлашга қодир бўлган ТМКлар томонидан давлатлар сиқиб чиқарилаётганини ёзишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, агар жисмоний шахслар халқаро ҳуқуқнинг субъектлари бўла олсалар, унда ТМКлар чекланган даражада бўлса ҳам, халқаро ҳуқуқ субъектчилигига эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги мантиқий хулосага келиш мумкин. ТМКлар ҳақиқатдан ҳам, давлат ҳокимиятидан халос бўлишга имконият берувчи, алоҳида халқаро режимга эҳтиёж сезмоқдалар. Уларнинг фаолияти давлатнинг миллий хавфсизлиги ва суверенитетига таҳдид солиши, атроф-муҳит ифлосланиш даражасининг ўсиши, экологик муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун, ТМКларни халқаро ҳуқуқнинг чекланган субъекти сифатида тан олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Европа Ҳамжамияти амалиёти бизга тасдиқлаганидек, давлатлар бевосита корпоратив жавобгарликни назарда тутувчи шартномаларни тузишлари ҳамда уларни самарали амалга оширишлари мумкин.

**Комрон НИГМАТОВ,**

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мустақил изланувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Friedman W., The changing structure of international law, New York: Columbia University Press, London: Stevens & Sons, 1964, p. 375
2. L. Ali Khan. The Extinction of Nation-States: A World Without Borders. The Hague: Martinus Nijhoff. 1996. viii p. 245; Jean-Marie Guéhenno. The End of the Nation-State. Translated by Victoria Elliott. Minneapolis, London: University of Minnesota Press, 1995. Pp. xiii, 141.
3. Лукашук И.И. Международное право. Общая часть, Учебник. – М.: БЕК, 1996. – с. 18-19, 272-273.
4. Колосов М.Ю., Кривчикова Э.С. Международное право – М., 1999. – с. 86-87.
5. Декларация Тысячелетия Организации Объединенных Наций, Генеральная Ассамблея. Рез. 55/2, ГА ООН, 55-ая Сесс., Пункт Повестки 60 (b), A/Res/55/2, 18 сентябрь, 2000, с. 5.
6. Кузнецов В.И., Черниченко С.В. Международное право. – М.: Юристъ, 2001. – с. 57.
7. Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: учеб. для студентов юрид. фак. и вузов – М.: Волтерс Клувер, 2005. – с. 23.
8. Мунинова Н. Транснациональные корпорации в развивающихся странах и в контексте глобализации // Халқаро муносабатлар илмий-назарий журнал – 2006. – №3. Б. 63-64
9. Касимов М. Транснациональные корпорации и трудовая миграция: особенности современного развития // Халқаро муносабатлар илмий-назарий журнал – 2007. – №2. Б. 38
10. Ашавский Б.М., Бирюков М.М. и др.; Отв. ред. Ковалев А.А., Черниченко С.В. Международное право. – М.: Омега-Л, 2011. – с. 165.

# СУРРОГАТ ОНАЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада суррогат оналик шартномаси бўйича жавобгарликни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари илмий-назарий таҳлил қилинган ва шартнома доирасида тарафларнинг умумий жавобгарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** ЭКУ (сунъий урувланиш), ЁРТ (ёрдамчи репродуктив технологиялар), суррогат оналик шартномаси бўйича жавобгарлик, суррогат она, генетик ота-она, тиббиёт муассасаси.

**Юридик нуқтаи назардан, суррогат оналик муносабатида суррогат она, яъни кўчирилган донор эмбрионини ўз танасида белгиланган муддат кўтариб юрган аёлнинг суррогат оналик дастури натижасида вужудга келган бола билан генетик алоқаси йўқлиги туфайли фуқаролик ҳуқуқий муносабатида мазкур шартнома ўзига хос аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қарорларида қайд қилинганидек, суррогат оналик шартномасини тартибга солиш болаларнинг эҳтиёжлари устувор бўлган муомалага лаёқатли шахслар манфаатларининг адолатли мувозанатидан келиб чиқиши керак. Суррогат оналик дастури билан боғлиқ ҳуқуқий муносабат таҳлили натижасида:**

- суррогат оналик шартномасининг шакли ва предмети;
- биологик ота-оналар ёки суррогат онанинг шартнома мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши ва қандай ҳолатларда бунга йўл қўйилиши;
- суррогат онанинг генетик ота-онага фарзандни топшириши;
- ёрдамчи репродуктив технология (ЁРТ) билан туғилган боланинг миллати;

- агар аёл эрининг розилигисиз суррогат она бўлса, келажакда юзага келадиган ҳуқуқий оқибатлар, тиббиёт ташкилотининг хатоси аниқланса, мазкур хато натижасида унга нисбатан қандай ҳуқуқий чора қўлланилиши мумкинлиги каби муаммоли вазиятларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Суррогат оналик соҳасида МДХ, Европа мамлакатлари ва АҚШда мазкур ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган бўлишига қарамай ҳали ҳам камчилик ва бўшлиқларнинг мавжудлиги суд амалиётлари билан тасдиқланади. Шу боис, давлатимиз қонунчилигида суррогат оналик шартномасининг ҳуқуқий моҳияти ва жавобгарлик асосларини такомиллаштиришда либерал хусусиятларни қамраб олишимиз зарур.

2015 йил 27 январда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди 25358/12-сонли шикоят бўйича Парадисо ва Компанеллининг суррогат оналик дастури натижасида туғилган болага Италия ҳукумати томонидан маҳаллий туғилганлик гувоҳномасини беришдан бош тортиш билан боғлиқ ҳолатни атрофлича ўрганиб чиқиб, қарор чиқарди. Суд мажлисида аниқланган ҳолатга кўра даъвогарлар Парадисо ва Компанелли (эр ва хотин) 2006 йилда фарзанд асраб олишга рухсат олишган. Бир неча марта ЭКУ орқали ҳомиладор бўлишга уринишлардан сўнг, улар генетик ота-она бўлиш учун суррогат она хизматларидан фойдаланишга қарор қилишди. Шу мақсадда Москвадаги ёрдамчи репродуктив технологиялар (ЁРТ)га ихтисослашган клиникага мурожаат қилиб генетик ота-она сифатида суррогат оналик шартномасини тузишган. 2010 йил май ойида бошланган тиббиёт муолажалари 2011-

йил феврал ойида суррогат оналик орқали фарзанд туғилиши билан муваффақиятли якунланган.

Боланинг суррогат она томонидан туғилганлиги кўрсатилмаган Россия Федерациясининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси 1961 йил 5 октябрдаги “Хорижий давлат ҳужжатларини қонунийлаштириш талабини бекор қилиш тўғрисида”ги Гаага конвенцияси қоидаларига мувофиқ апостил билан тасдиқланган. 2011 йил май ойида даъвогарлар туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани рўйхатдан ўтказиш учун Италия расмийларига мурожаат қилганларидан сўнг уларга фарзанд асраб олиш учун рухсатнома билан белгиланган қоидаларга риоя этмаган ҳолда болани Италияга олиб келишгани туфайли “фуқаролик ҳолатини ўзгартириш” ва фарзанд асраб олиш тўғрисидаги қонунни бузганлик айби қўйилган. 2011 йил август ойида суд ташаббуси билан ДНК тести ўтказилди, 2011 йил октябр ойида суррогат онадан туғилган болани вояга етмаганлар ишлари бўйича маъмурий идора суд қарорига кўра даъвогарлардан тартиб олишга қарор қилган. Даъвогарларга бола билан учрашиш тақиқланган. Болани қабул қилиш тартиби ҳозирча тугалланмаган. Демак, юқоридаги суд амалиёти суррогат оналик билан боғлиқ муносабатларни қонуний тартибга солиш лозимлигини кўрсатади.

Бизнингча, хорижда ўрнатилган оилавий ришталарни тан олишдан бош тортиш, болани олиб қўйиш генетик ота-онанинг шахсий ва оилавий ҳаётига аралашши ҳисобланади. Аммо муаммога сабаб бўладиган хусусият шундаки, ушбу аралашув, халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Италия қонунларининг тегишли моддалари ва бошқа давлат фуқаролиги бўлган болаларни асраб олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган.

**Юқоридаги суд амалиёти ЁРТга ихтисослашган тиббиёт муассасалари ҳамда суррогат она ва генетик ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш кераклигини кўрсатади. Хусусан, масалага ҳуқуқий ечим сифатида тиббиёт муассасасининг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари таклиф қилинади:**

- суррогат оналик дастури бошланишидан аввал тиббиёт муассасаси ўзларига мурожаат қилган тарафлар (суррогат она ва генетик ота-оналар)нинг соғлиқлари ҳақида тўлиқ ахборот олиши, тегишли тиббий ҳужжатларни қабул қилиши;
- тарафлар (генетик ота-оналар, суррогат она)нинг саломатлиги дастурни бошлашга имкон бермаса, суррогат оналик дастури амалга оширилишини рад этишга ҳақли.

### Тиббиёт муассасаси:

- суррогат оналик дастури ўтказилиши бошлангунча қадар суррогат она ва генетик ота-оналарни тиббий текширувдан ўтказиши;

дастур жараёнида суррогат она ва генетик ота-оналарни ҳомилдорлик давомида қўтилиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан ёзма огоҳлантириши;

суррогат оналик дастури жараёнида суррогат онадаги тиббий жараёнларни мунтазам назорат қилиши;

дастур якунида суррогат онага ўзининг соғлиги тўғрисида тўлиқ маълумот бериши;

генетик ота-оналарга дунёга келган фарзанд(лар)нинг соғлиги тўғрисида тўлиқ маълумот бериши;

дастур натижасида вужудга келган фарзанд(лар)га нисбатан ота-оналик белгиланиши учун генетик ота-оналарга тиббиёт муассасасининг тегишли маълумотномасини бериши;

суррогат она ва генетик ота-оналар томонидан суррогат оналик шартномаси шартлари бузилганда манфатдор томонни оғзаки ҳамда ёзма тарзда белгиланган тартибда огоҳлантириши;

суррогат она ва генетик ота-оналар тўғрисидаги маълумотларни сир сақлаши каби мажбуриятларни бажариши керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколати доирасида суррогат оналик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиши, суррогат оналик дастури объектлари рўйхатининг ягона давлат реестрини шакллантириши, суррогат оналик дастурини амалга оширувчи давлат тиббиёт муассасалари ва ваколат берилган хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини назорат қилиши ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш вазифаларини бажариши лозим. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги суррогат оналик соҳасида халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлаши керак.

Аксарият олимлар суррогат оналикни фарзандсиз жуфтликларнинг ота-оналик бахтини топиш имкониятига эга бўлишлари учун қулай ҳодиса деб ҳисоблашади. Айрим олимлар эса бу нарса болани харидор учун ҳақ эвазига “ишлаб чиқариладиган” товарга айлантиради, деб ҳисоблайдилар.

Суррогат оналик шартномаси бўйича жавобгарликни тақомиллаштириш юзасидан кейинги муҳим муаммо – суррогат онадан туғилган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муҳофазасини таъминлашдир. Амалда, генетик ота-оналарнинг келгусида суррогат оналик дастури натижасида вужудга келган болани ташлаб кетиши ёки бошқа сабаблар туфайли суррогат онадан қабул қилмаслиги ҳолатлари мавжуд.

Маълумки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси умумий қоида бўйича шартнома тарафларининг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ёки бекор бўлиши мумкин. Бироқ, суррогат оналик шартномасига нисбатан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг бекор қилиш тартибини қўллаб бўлмайди. Чунки, суррогат оналик натижаси моддий ашё билан эмас, дастур якунида дунёга келадиган инсон ҳаёти билан боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, суррогат оналарнинг ёрдамига мурожаат қилиб, кейин болани ташлаб кетган ота-оналарнинг жавобгарлигини кучайтириш керак.

Суррогат оналик шартномаси хусусиятига кўра оммавий шартномалар тоифасига киради. Унда барча қонуний никоҳга эга генетик ота-она иштирок этиши мумкин. Аммо, суррогат оналик шартномасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бир қанча чекловлари мавжуд:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган, суррогат она ва генетик ота-оналар учун суррогат оналик

дастурига қарши кўрсатма мавжуд бўлган касалликлар рўйхатига кирувчи касаллиги бўлган ёки илгари шундай касалликка чалинганлиги ҳолати тасдиқланса;

2. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки руҳий касалликларга чалинган шахсларга;

3. Суррогат оналик дастури тарафларининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва васийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари томонидан белгиланган талабларга жавоб бермаган ҳолатларида дастурда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

**Фуқаролик ва оила ҳуқуқида суррогат оналик муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда генетик ота-она ва суррогат она ўртасида суррогат оналик муносабатларини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш мақсадида қуйидаги ҳулосаларни бериш мумкин:**

**биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”да берилган таърифларнинг турлича талқин қилинмаслиги ҳамда бир хилдаги атамаларнинг қўлланилишини таъминлаш мақсадида Фуқаролик кодекси таркибига янги, суррогат оналик шартномасини бажариш, суррогат онага ҳақ тўлаш, суррогат оналик шартномасини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги тўғрисида модда(лар)ни киритиш лозим;

**иккинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси”нинг тегишли моддаларига (5, 152, 153, 167, 206, 207-моддалари) суррогат оналикка доир чекловлар, суррогат оналикни сир сақлаш масалалари ҳамда суррогат оналик дастури натижасида вужудга келган боланинг туғилишини қайд этиш масалаларига ўзгартиришлар киритилиши лозим;

**учинчидан**, Суррогат оналик масалалари бўйича суррогат оналик билан боғлиқ ҳужжатлар ва суррогат оналик шартномасини юритиш зарурлиги қонунчиликда тўғридан-тўғри белгилаб қўйилиши лозим;

**тўртинчидан**, Суррогат оналик шартномасининг нархи ва ҳисоб-китоблар тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати, суррогат оналик шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, жавобгарлиги, суррогат оналик шартномасини ўзгартириш, тугатиш ва бекор қилиш, суррогат оналик шартномасининг махфийлиги, низо-ларни ҳал этиш тартиби, шартномага оид қўшимча шартларни ўз ичига олган “Суррогат оналик шартномаси намунавий лойиҳаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда шу усул билан мазкур муносабатларни тартибга солиш масаланинг ечими бўлади.

**Жамшид АБДУЛЛАЕВ,**

Жамоат хавфсизлиги университети  
мустақил илганувчиси.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Решение Европейского Суда по правам человека от 25 ноября 2005 г. “Владимир Лазарев и Павел Лазарев против России” (Vladimir Lazarev and Pavel Lazarev v. Russia) // СПС “Гарант”.
2. Мухина Т.А. Проблема соотношения естественного и позитивного права: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. — Уфа, 2005.
3. Fuqarolik huquqi. Q. II / M. Abdusalomov, X. Azizov, B. Axmadjonov va boshq.; O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi, Toshkent Davlat yuridik instituti. - Toshkent: Adolat, 2007.
4. Парадизо и Кампанелли против Италии (Paradiso and Campanelli v. Italy жалоба № 25358/12) // Бюллетень Европейского Суда по правам человека. 2015. №4.
5. <https://lex.uz/docs/2683554>
6. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ХУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

*мақолада ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган жамият маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларининг илмий-амалий жиҳатлари таҳлил қилиниб, бу борада мавжуд аҳвол, учраётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда истиқболдаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинган.*

**Калит сўзлар:** *ички ишлар органлари, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий ахборот, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, касбий маданият, хизмат интизоми, ҳуқуқий тарбия.*

Юртимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали ҳуқуқбузарлик жиноятларининг олдини олиш, жамиятда ўрнатилган тартибот ва қонун меъёрларига оғишмай амал қилувчи шахсни тарбиялаш масалаларининг долзарблиги аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи тузилма сифатида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, айниқса, ёшларга ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий йўналишдаги бирламчи ахборотларни узлуксиз етказиб бериш ҳамда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

“Ҳуқуқий тарғибот” тушунчасининг мазмун-моҳияти аниқ изоҳланиши мумкин, аммо ҳуқуқ фанида бу таърифни белгилашда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд. Умумий маънода ҳуқуқий тарғибот – ҳуқуқий давлатдаги ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларига ҳуқуқ воситасида таъсир этишнинг муҳим жараёнлари ва усулларида бири бўлиб, у маълум шахслар, давлат органлари ва умуман жамият томонидан очик ва яширин шаклда амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқий давлатда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш учун қатъий ва барқарор ҳуқуқий тушунча ва назарияларга таяниш зарур. Шунингдек, таълим олувчиларга, уларнинг ҳуқуқий онгига ва хулқ-атворида таъсир кўрсатишнинг далилларга асосланган воситалари ва усулларида фойдаланиш керак. Шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқий тарғибот замонавий жамият ҳаётининг ҳал қилувчи бўғинидир, шунинг учун тарғиботчиларнинг аниқ йўналтирилган, ҳар бир шахсни ривожлантириш, тушунтириш ва хабардорликка қаратилган аниқ мақсадларга қаратилган фаолиятини амалга ошириш зарур. Бу фаолиятнинг самарадорлиги, энг аввало, ҳуқуқий тарғибот воситалари ва усулларида тўғри фойдаланиш ва қўллашдан иборат.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ушбу фаолият бошқа жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ёндашув ва йўналишлардан фарқли равишда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, фуқароларда қонунга ҳурмат ва итоаткорлик туйғусини шакллантиришга, жиноятларга қарши муросасизлик руҳини қарор топтиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш ҳар бир жамиятда шакллантирилган бироқ, бу фаолиятнинг самарадорлиги ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган фойдаси бир хил даражада бўлмайди.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан кўринадики, ҳуқуқий тарғиботлар давлатнинг қонун устуворлиги тамойилини таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизм бўлгани ҳолда унинг самарали амалга оширилиши ҳуқуқий демократик давлатдан фуқаролик жамиятига ўтилишига мустаҳкам асос вазифасини ўташи мумкин.

Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англаши орқали ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ўзларини ҳимоя қила олиш кўникмаларини шакллантиришлари лозим. Шу жиҳатдан қараганимизда, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш нуқтаи назаридан асосий мақсадларидан бири шахсга унинг турмуш тарзи ва фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий билимларни бериш ва уни қонун ҳамда қонуности ҳужжатларига итоат этиш руҳида тарбиялашдан иборат бўлиб, бу орқали жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва сонини камайтиришга эришиш таъминланади.

Шундай қилиб, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғиботларнинг мақсади бу – жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан иборатдир.

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғиботларнинг вазифалари эса қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш йўлида фуқароларда қонунга ҳурмат ва итоаткорлик руҳини тарбиялаш, қонунчилик ҳужжатлари талабини, ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларини тушунтириш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи бўлиб қолишларининг (виктимнологик профилактика) олдини олиш, ҳуқуқий иммунитетини шакллантириш, жамиятда жиноятларга нисбатан муросасизлик туйғусини қарор топтириш, шахсий манфаатларидан жамият манфаатларини устун қўйишга даъват этиш, ҳуқуқий хулқ-атворини яхшилаш, ҳуқуқий фаоллигини оширишни ўз ичига олади.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий тарғиботларни ўтказишни режалаштириш ва ташкил қилиш мақсадга

мувофиқ. Шундагина биз ҳуқуқий тарғиботлар ўз эгасига етиб боришини таъминлашимиз, тарғиботларнинг таъсирчанлигини оширишимиз ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигига эришишимиз мумкин бўлади.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда режалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Режалаштириш жараёнида қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

*Ҳуқуқий тарғибот объекти, яъни тарғибот тадбирида кимлар иштирок этиши, бир сўз билан айтганда аҳолининг ёши, жинси, қайси таълим ёки касбий фаолият тури билан шугулланиши.*

*Ҳуқуқий тарғибот субъекти, яъни тадбирда маърузачи ким бўлади, ички ишлар органи ходимими ёки бошқа мутахассис, эксперт?*

*Ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган жой, шунингдек қандай аудиторияда бўлиб ўтиши.*

*Ҳуқуқий тарғибот ўтказиш вақти, тарғибот тадбири куннинг қайси вақтида бўлиб ўтиши.*

*Ҳуқуқий тарғибот мавзуси, тадбир қайси масалаларни қамраб олиши ва мавзунинг долзарблиги, аудиторияда қизиқиш уйғота олиши.*

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимлари қуйидаги кўрсатмаларга амал қилишлари тарғибот тадбирининг натижадорлигини ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади:

- тадбир иштирокчиларининг ёшини, жинсини, таълим олиш ёки касбий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, иштирок этаётган фуқароларнинг урф-одат ва қадриятлари, диний эътиқоди, этник ва бошқа жиҳатларининг бир хиллик даражасини инобатга олиши;

- очиқ мулоқот жараёнида ҳуқуқий тарғиботнинг асосий мақсадини ҳамда фуқароларнинг тарғиб қилинаётган ҳуқуқий нормаларга бўлган шахсий муносабатини инобатга олиши;

- маърузачининг (тарғибот субъекти) тарғибот мавзуси бўйича зарур маълумотлар билан таъминланиши;

- маърузачининг тарғибот қилинаётган мавзу бўйича билим савияси юқори бўлиши, аудитория билан ишлаш кўникмаси, ҳуқуқий тарғибот психологияси ва техникаси бўйича малакаси даражаси ва бошқалардан иборат.

Ҳуқуқий тарғиботни ташкил этишнинг энг аниқ талаби ҳуқуқий тарғиботни эшитувчиларнинг ёшини ҳисобга олишдир. Қоидага кўра, ходим ташвиқот олиб бориш учун келган фуқаролар гуруҳлари ёш таркиби бўйича бир хилдир, чунки бундай ишлар мактабларда, университетларда, ёшга қараб ажратилган давлат муассасаларида амалга оширилади.

Ҳуқуқий тарғибот ёки ҳуқуқий ахборотни етказувчи масъул шахсга, яъни маърузачига қўйиладиган талаблар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳолатда, етарли касбий, ҳуқуқий билим ва тажрибага эга бўлмаган, фуқаролар билан ҳуқуқий масалаларда мулоқотга киришишда малака ва кўникмаси суст бўлган ички ишлар органи ходимининг тарғибот тадбирига юборилиши йиғилган аудиторияда бир томондан ички ишлар тизимига нисбатан салбий фикр уйғонишига олиб келса, иккинчи томондан кўриляёт-

ган масала юзасидан нотўғри тушунча ва дунёқараш шаклланишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш тартибидаги яна бир асосий жиҳатлардан бири бу тарғиботнинг жойи, вақти ва йиғиладиган аҳолининг тоифаси, кўриладиган мавзу бўйича аввалдан эълон қилинишидир. Тарғибот куни ва вақти бўйича тўсатдан хабар берилиши, аввалдан режалаштирилмаслиги, бунга нисбатан ҳам тарғибот ўтказувчи шахс, ҳам тарғибот жойи масъулларининг пухта тайёргарлик кўра олмаслигига олиб келади.

Ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили ҳамда мазкур йўналишлардаги илмий тадқиқот ишлари ҳуқуқий тарғиботларни ўтказиш бўйича буюртма бериш тартибини амалиётга жорий қилишни тақозо этмоқда.

Хусусан, маълум бир корхона, муассаса ёки ташкилотнинг маъмурияти ишчи-хизматчилари, талаба-ўқувчиларини қийнаб келаётган ижтимоий, ҳуқуқий масалалардаги долзарб муаммолар бўйича ички ишлар органларига муурожаат қилиши асносида ички ишлар органлари раҳбарияти томонидан қизиқтираётган буюртма мавзуси бўйича тарғиботчи ажратилиши таъминланади. Бу билан ҳар икки томон, яъни буюртмачи тарғибот жойи ва қатнашадиган тоифаларни таъминлаб бериш, тарғиботчи эса кўриладиган мавзу бўйича пухта тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий тарғиботларни амалга оширишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши лозим бўлади:

- 📌 ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни – ҳафтанинг ҳар пайшанба куни тадбири самарадорлигини ошириш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари фаолиятини қайта ташкил қилиш ва аниқ вазифа ва функцияларни белгилаб бериш;

- 📌 жамият ҳаётини тартибга солувчи, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ифодаловчи ҳар бир қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини республика – ҳудудий бошқармалар (вилоят даражасида) – ҳудудий бўлимлар (туман (шаҳар) даражасида) – тизим (соҳа, тармоқ) ташкилотлари “вертикал занжири” асосида ижрочиларга ўз вақтида юборилиши, ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилишини ҳамда ушбу ҳужжатларни тегишли соҳа ва тармоқда тўғри ҳамда бир хилда қўлланилишини таъминлаш;

- 📌 ички ишлар органларининг фуқаролар билан доимий муносабатга киришувчи соҳавий хизматлари ҳамда жамоатчилик фаоллари ўртасида аҳолини қийнаб келаётган ҳуқуқий муаммолар бўйича учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилиш;

- 📌 узоқ йиллик малака ва тажрибага эга ички ишлар органлари ходимларининг таълим муассасалари, корхона, ташкилотларга муайян ҳуқуқий мавзудаги мулоқотларини уюштириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

**Бунёд РАДЖАБОВ,**

*ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.*

# СУДГА ҚАДАР ШАХС ХУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноят-процессуал қонунчилигидаги шахс ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш, қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, судга қадар иш юритишда ва тергов амалиётида мавжуд муаммоларни ҳал этиш, дастлабки тергов олдига қўйилган вазифаларни самарали бажаришга хизмат қилувчи, энг муҳими шахс ҳуқуқларини чеклаш соҳасида суднинг назоратини ўрнатишни назарда тутувчи нормаларни қонунчиликка тадбиқ қилиш бўйича аниқ таклифлар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** самарадорлик, мажбурлов чоралари, эҳтиёт чоралари, ҳозир бўлиш, эркин ҳаракатланиш, тергов ҳаракатлари, терговчи, суд назорати.

**Миллий қонунчилигимизда судга қадар иш юритишда шахс ҳуқуқларини чеклаш механизми ҳуқуқий тартибга солиш борасида бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд. Ушбу ҳуқуқий бўшлиқлар дастлабки тергов олдига қўйилган вазифаларнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолис олиб борилиши, шахснинг кейинги жиноий қилмишларининг олдини олиш, далилларнинг йўқ қилиниши ва ҳукм ижросини таъминлаш учун етарли эмаслигини, амалдаги қонунчиликда мавжуд шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ чоралар қўллашни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар халқаро ҳужжатлар ва конституция талабларига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда.**

Хусусан, амалиётда суриштирувчи, терговчининг чақирувига биноан шахснинг дастлабки терговга келишини таъминлаш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчига эҳтиёт чораси тайинланади. Бироқ, амалдаги ЖПКга мувофиқ эҳтиёт чоралари фақатгина айбланувчиларга нисбатан қўлланилади. Фақатгина ушланган гумон қилинувчига нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин, бироқ унинг шарти 10 кун ичида шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва унга айблов эълон қилиш, агар айблаш учун етарли далиллар тўплаш имкони бўлмаганда уни озод қилиши керак бўлади. Табиийки, қамоқдан озод қилинган гумон қилинувчига нисбатан бу каби ҳолатда бошқа мажбурлов чораларини қўллаш имкони бўлмайди. Бундан ташқари, ушлаб турилмаган гумон қилинувчилар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва қонуний вакил каби иштирокчиларни дастлабки терговга келишини таъминловчи чоралар мавжуд эмас.

Таъкидлаш лозимки, ЖПКнинг 262-моддасига кўра, мажбурий келтириш гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош торганлиги аниқланган тақдирда, қўлланилади. Бу шахснинг дастлабки терговга келишини таъминлаш имкони бўлмаганида қўлланиладиган, шахс ҳуқуқларини чеклашга хизмат қиладиган охириги чорадир. Ушбу ҳолатнинг ўзи

ҳам амалдаги қонунчиликда жиноят-процесси иштирокчиларининг дастлабки терговга келишини таъминлашга қаратилган превентив чоралар борасида ҳуқуқий бўшлиқлар борлигини кўрсатмоқда.

Бу борада хорижий мамлакатлар қонунчилиги назар ташласак бу каби ҳуқуқий бўшлиқ уларда мавжуд эмаслигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Франция, Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Беларусь Республикалари жиноят процессуал қонунчилигида шахснинг дастлабки терговга келишини таъминлашга қаратилган “Ҳозир бўлиш мажбурияти” кўринишидаги мажбурлов чораси мавжуд. Унга кўра эҳтиёт чорасини қўллашга зарурат ёки етарли асослар бўлмаган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг узрли сабабларсиз терговга қадар текширувдан, тергов ёки суддан бўйин товлашининг олдини олиш мақсадида улардан чақирувга биноан ҳозир бўлиш, яшаш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақида дарҳол терговга қадар текширув органига ёки судга хабар бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида тилхат олинади.

Агар, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи чақирувга биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини узрли сабабларсиз бажармаган тақдирда улар мажбурий тартибда келтирилиб, уларга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилади, бунда улар қонунда белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Худди шундай чора жабрланувчи, қонуний вакил, фуқаровий жавобгар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг Ўзбекистондан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашни назарда тутувчи мажбурлов чоралари мавжуд эмас. Бунинг натижасида айрим айбланувчиларнинг терговдан бўйин товлаб хорижга чиқиб кетиш ҳолатлари учрамоқда.

Тергов амалиётида бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ИИБ ТМ ва ЖХС бўлимларига ёки Ўзбекистон Республикаси ДХХ Чегара қўшинларига хизмат хати чиқариш орқали айбланувчиларнинг хорижга чиқишларини вақтинча чеклаб туриш ҳолатлари учраб туради, лекин ушбу ҳолат процессуал тартибга солинмаган. Энг муҳими шахснинг эркин

ҳаракатланишини чеклаш устидан суд назоратининг мавжуд эмаслиги натижасида шахснинг конституциявий ҳуқуқлари суриштирувчи ва терговчи томонидан нопроцессуал тартибда чекланмоқда. Бу борада ҳуқуқшунос В.Лазарева суд ҳимояси – шахсни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашнинг жаҳон ижтимоий амалиётида ишлаб чиқилган энг самарали механизмидир. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг амалда мавжуд эмаслиги эса шахснинг эркинликлари даражасини чеклайди деган фикрни билдирса, бошқа бир олим С.А.Шейфер суд назорати процессуал қарорлар қабул қилишда субъективизмга чек қўйиш имконини бериши ва жиноят ишларини юритишда шахс ҳуқуқлари кафолати бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш ва шахснинг эркин ҳаракатланиши билан боғлиқ ҳуқуқлари чекланишини процессуал тартибга солишни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасидан чиқишни вақтинча чеклаш билан боғлиқ мажбурлов чорасини қонунчиликка жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу меъёرنинг киритилиши гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг мамлакат ҳудудини тарк этиб, тергов ва суддан бўйин товлашларининг олдини олишга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ўз вақтида тикланиб, одил судловнинг таъминланишига ва шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказиш юзасидан суд назоратининг ўрнатилишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ҳолда далилларни тўплаш соҳасида ҳам бир мунча ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизия ҳолатлар борлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу соҳада далиллар тўплашни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнини шартли равишда процессуал тартибга солинмаган ва қисман процессуал тартибга солинган босқичларга бўламиз.

Жумладан, 2020 йилга қадар абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборот ва бошқа маълумотлар суриштирувчи ва терговчи томонидан ўз иш юритувидаги жиноят иши бўйича тегишли алоқа компанияларига сўровнома юбориш орқали олиб келинган.

Бизнингча, ушбу ҳолатни процессуал тартибга солинмаган босқич дейиш мумкин. Унга икки хил ёндашиш мумкин. Биринчидан, бу каби тартибнинг мавжудлиги дастлабки тергов органлари фаолиятида ортиқча бюрократик тўсиқларни юзага келтирмаган, натижада иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни тез ва осон олиш имконини берган.

Иккинчидан, мазкур ёндашувда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ишончли механизми мавжуд бўлмаган. Чунки, сўровномалар юборишда на прокурор ва на суд назоратининг мавжуд эмаслиги, тергов бўлими бошлиқларининг ҳар бир терговчининг жиноят иши доирасида чиқарадиган сўровномаларини тўлиқ назорат қила олиш имкони

мавжуд эмаслиги, айрим ҳолатларда суриштирувчи ва терговчилар томонидан суистеъмолчиликларга йўл қўйилишига имкон яратган.

2020 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб Қонуннинг 16-моддасига абонентлар ёки абонент қурилмалари (фойдаланиладиган асбоб-ускуна) ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборот ва бошқа маълумотларни ношкора олишдан иборат бўлган абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш тезкор-қидирув тадбири қўшилди.

Унга қўра, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади, ушбу тадбир махсус ваколатли давлат органининг кучлари ҳамда воситалари билан ўтказилади. Ушбу жараён тезкор-қидирув тадбирини ўтказган орган ва махсус ваколатли давлат органи раҳбарлари томонидан тасдиқланган ҳолда махфий тарзда амалга оширилади.

Бироқ, ҳозирда тергов амалиётида суриштирувчи ёки терговчи томонидан юритувидаги жиноят иши доирасида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида тўғридан-тўғри ахборот олиш имконияти мавжуд эмас. Бу борада бизнинг фикримизча исботлаш ва ҳақиқатни аниқлашда тергов амалиётига салбий таъсир кўрсатаётган каттагина ҳуқуқий бўшлиқ ва бюрократик тўсиқлар мавжуд. Хусусан, ҳозирда суриштүвчи ва терговчиларнинг абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиши жудаям мураккаб, бюрократик ва қоғозбозликдан иборат босқичлар орқали амалга оширилади. Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот тергов органига келиб тушгунга қадар жиноятни иссиқ изида очиш имкониятлари тугаган, жиноят содир этган шахслар жиноят изларини йўқотишга улгурган, ҳатто Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, аксарият ҳолларда эса дастлабки тергов муддати ҳам тугаб қолган бўлади.

Бошқа МДҲ давлатлари, хусусан Россия, Қозоғистон тажрибасига назар ташласак, ушбу муаммолар уларда бартараф этилган. Суднинг қарорига асосан ўтказиладиган “Абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасидаги алоқалар тўғрисида маълумот олиш” тартиби уларда мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Бизнинг қонунчилигимиздаги ҳуқуқий бўшлиқлар шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ҳолда тўп-ланадиган далиллар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган мансабдор шахси томонидан прокурорнинг санкцияси асосида олинишига замин яратмоқда. Албатта, прокурор санкция беришининг ҳам ўзига хос афзаллик томонлари мавжуд. Хусусан, у тезкор амалга оширилиши билан ажралиб туради. Бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлардан А.Г.Халиулиннинг фикрича, “Жиноят-процессининг судга қадар босқичида прокуратуранинг роли, биринчи навбатда, процессинг иштирокчиси бўлган прокурор эканлиги билан тавсифланади, унинг асосий мақсади дастлабки тергов, суриштирув қонунларининг ижро этилишини, шунингдек тезкор-тергов фаолиятининг қонунийлигини назорат қилишдир.” Амалдаги қонунчилигимизда юқоридаги фикрлар қарор топганлигини кўришимиз мумкин.

Яна бошқа гуруҳ олимлар М.В.Боровский, Г.Н.Ветрова, И.Л.Петрухин, И.Б.Михайловскаяларнинг фикрига кўра, жиноий таъқиб қилишни амалга ошириш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг процессуал фаолиятини назорат қилиш прокурор фаолиятининг ўзаро боғлиқ, таркибий қисмидир. Судга қадар жараёнда назорат ваколатлари прокурорга дастлабки терговнинг самарадорлиги, ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолислигини таъминлаш ва шунга мос равишда келажакда судда давлат айбловини муваффақиятли таъминлаш мақсадида берилади.

А.В.Смирновнинг фикрича, дастлабки терговда прокурорнинг назорат функцияси, фақат қонуннинг қатъий ва аниқ ижросини таъминлашга хизмат қилади.

О.В.Химичеванинг фикрича, судгача бўлган жараёнда прокурорнинг асосий вазифаси суриштирув ва дастлабки тергов органларининг процессуал фаолиятини назорат қилиш бўлса, прокурор учун ушбу босқичда асосий функция – жиноий таъқиб қилиш кўшимча хусусиятга эга.

Бироқ, биз А.Г.Халиулин, М.В.Боровский, Г.Н.Ветрова, И.Л.Петрухин, И.Б.Михайловская, А.В.Смирнов ва О.В.Химичеваларнинг юқорида қайд этилган фикрларига тўлиқ қўшила олмаймиз.

Бизнинг фикримизча, прокурорнинг назорат функцияси ва ваколатлари шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларнинг бошланиши оstonасида тўхташи, шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларнинг ўтказилиши устидан назорат суд томонидан амалга оширилиши керак.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда амалдаги ЖПКга агар абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотларда иш учун аҳамиятга молик маълумотлар бор деб гумон қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд махсус ваколатли давлат органидан ушбу маълумотларни талаб қилиб олишига хизмат қилувчи тергов ҳаракатини киритиш, ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун

суриштирувчи, терговчи тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисида илтимоснома билан судга мурожаат қилиши, бу ҳақида прокурорга хабарнома юборишини жорий этиш, суднинг ажрими чиққан вақтдан кучга кириши ва дарҳол интеграциялашган ахборот тизими орқали махсус ваколатли давлат органига ижро қилиш учун юборилиши, махсус ваколатли давлат органи ушбу маълумотларни белгиланган муддатда тергов органига тақдим қилишини белгилувчи меъёрларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу тергов-суриштирув ишларининг муваффақиятли ва самарали амалга оширилишида муҳим омил бўлади.

**Бекзод ҚОБУЛОВ,**

*Жамоат хавфсизлиги*

*университети мустақил изланувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент-1994. (Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. Tashkent-1994.)
2. Тольбаев Б. О систематизации принципов законотворчества // *Ҳуқуқ – Право – Law.* – Тошкент, 2004. – №2(26). – Б.54-56. (Tolbaev B. On the systematization of the principles of lawmaking // *Ҳуқуқ – Право – Law.* – Toshkent, 2004. – №2(26). – B.54-56.)
3. Ражабов Б.А. “Ишни судга қадар юриштида исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш” мавзусидаги Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган Диссертация. 16-бет. Тошкент-2019. (Rajabov B.A. Dissertation prepared for the degree of Doctor of Legal Sciences (DSc) on the topic “ensuring compliance with the general conditions of proof in the pre-trial proceedings of the case”. 16-bit. Tashkent-2019.)
4. Лазарева В. Теория и практика судебной защиты в уголовном процессе. – Самара: 2000. – Б. 21. (Lazareva V. Theory and practice of judicial protection in criminal proceedings. – Samara: 2000. – B. 21.)
5. Шейфер С.А. Следственные действия. Основания, процессуальный порядок и доказательственное значение. Самара, 2004. с.13 (Shafer S.A. Investigative actions. Grounds, procedural procedure and evidentiary value. Samara, 2004. p.13)
6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент-2020. (The law of the Republic of Uzbekistan “on amendments and additions to certain legislation of the Republic of Uzbekistan in connection with the improvement of legislation aimed at the protection of personal rights and freedoms of citizens”. Tashkent-2020.)
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент-2012. (Voronov D.A. Measures of criminal procedural coercion as a means of ensuring the safety of participants in criminal proceedings: Abstract... dis. candidate.legal Sciences. Vladimir-2009.)
8. Соловьев А.Б., Токарева М.Е., Халиулин А.Г. Прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании преступлений. М.: ООО Издательство “Юрлитинформ”, 2000. С. 23 (Soloviev A.B., Tokareva M.E., Khaliulin A.G. Prosecutorial supervision of the execution of laws in the investigation of crimes. Moscow: LLC Publishing House “YurLitinform”, 2000. p. 23)
9. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный) /Башкатов Л.Н., Боровский М.В., Ветрова Г.Н. и др.; отв. ред. Петрухин И.Л., Михайловская И.Б. 8-е изд., перераб. и доп. М.: Проспект, С. 92. (Comment to the Criminal Procedure Code of the Russian Federation (article by article) /Bashkatov L.N., Borovsky M.V., Vetrova G.N., etc.; ed. Petrukhin I.L., Mikhailovskaya I.B. 8th ed., reprint, and additional M.: Prospect, p. 92.)
10. Уголовный процесс: учебник / Смирнов А.В., Калиновский К.Б.; под общ. ред. Смирнова А.В. 5-е изд., перераб. М.: Норма: ИНФРА-М, 2013. С. 126. (Augmentingservice processes: textbook / Smirnov A.V., Kalinovsky K.B.; under general. red. Smirnova A.V. 5th ed. perab. M.: Norma: infra-M, 2013. S. 126.)
11. Химичева О.В. Концептуальные основы процессуального контроля и надзора на досудебных стадиях уголовного судопроизводства: монография. М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2004. С. 26. (Himicheva O.V. Conceptual foundations of procedural control and supervision at the pre-trial stages of criminal proceedings: monograph. M.: UNITY-DANA, Law and Law, 2004. p. 26.)

# ЛОЧИН ИШИНИ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛГАН ҒОЗ

*Бир кир ювувчи ҳар куни сув лабида кир ювар ва ўша сув бўйидаги ўтларни, дон-дунларни териб еб юрадиган бир ғозни кўрар эди. Бир куни лочин семиз какликни тутиб келиб, гўшtidан бир оз еди-да, қорни тўйғач қолганини ташлаб кетди.*

*Бунни кўриб, ғоз ўзига-ўзи деди:*

*— Бу қуш кичкина жуссаси билан катта қушларни тутиб ейди, мен бўлсам шу ҳайбатим билан майда-чуйда нарсаларга қаноат қилиб юрибман. Энди мен ҳам каттароқ бўлган кабутар, какликлар тутиб ейман.*


*Шу вақт бир кабутар қўнмоқчи бўлган эди, ғоз унинг кетидан қувди. Аммо кабутар чап бериб учиб кетди. Ғоз сув лабига йиқилди, оғзи лойга ботиб, ўзи сув ўтларига ўралашиб қолди. Қутулишга ҳаракат қилиб зўр берган сари баттарроқ бота бошлади, кир ювувчи югуриб келиб уни ушлаб олди-да, уйига олиб кетди.*

*Йўлда учраган бир дўсти ундан сўради:*

*— Қўлингдаги нима?*

*Кир ювувчи деди:*

*— Бу лочин ишини қилмоқчи бўлган ғоз. Ўз эҳтиёжидан ортиқча нарса кетидан югуриб, ўз ҳаётини барбод қилди.*



# МАЪМУРИЙ АКТ (ҲУЖЖАТ) ҲУҚУҚИЙ ТОИФА СИФАТИДА

## АННОТАЦИЯ:

мақолада маъмурий акт тушунчасининг турлари, қонунчилигимиздаги аҳамияти, юридик табиати ва бошқа ҳужжатлардан фарқли томонлари назарий ҳамда амалий жиҳатдан мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган. Маъмурий актнинг мақбул маъмурий актлар, номақбул маъмурий актлар, жамоавий маъмурий актлар, маъмурий акт белгилари каби турлари таҳлил қилиниб Ўзбекистон Республикаси Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунга таклифлар ишлаб чиқилди.

**Таянч тушунчалар:** маъмурий орган, мақбул маъмурий акт, ижро ҳокимияти, процессуал ҳужжат, маъмурий акт, маъмурий ҳужжат, маъмурий ҳаракат, маъмурий белги.

**Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқ назариясида ва 2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунда “маъмурий ҳужжат” тушунчаси марказий ўринни эгаллайди. Бироқ, мазкур қонунда берилган “маъмурий ҳужжат” тушунчасининг ўрнига кенгроқ маънога эга бўлган “маъмурий акт” терминини ишлатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.**

Хусусан, “маъмурий ҳужжат” деганда амалиётчи ходимларнинг кўз ўнгида фақат қоғоз шаклидаги (ёзма) ҳужжат намоён бўлади. Ваҳоланки, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 4 ва 52-моддаларида маъмурий ҳужжатларга фақат ёзма кўринишдаги ҳужжатлар эмас, балки оғзаки, белгили, имо-ишора шаклидаги маъмурий актлар ҳам кириши белгиланган.

Ўз навбатида, “акт” сўзи лотинча “астус” ва “ас турн” сўзларидан олинган ва термин сифатида ҳуқуқшуносликда ҳаракат ва ҳужжатни англатади. Шунингдек, “маъмурий ҳужжат” тушунчаси ўрнига “маъмурий акт” бирикмасини ишлатиш орқали мазкур ҳуқуқий тоифанинг барча шаклини назарда тутиш, тушуниш имкони яратилади.

Маъмурий актнинг бошқа турдаги ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқи. Маъмурий акт маъмурий органлар фаолиятининг асосий қуроли ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, маъмурий ҳуқуқий муносабатлар аксарият ҳолларда маъмурий акт асосида вужудга келади, ўзгаради ва тугатилади. Бошқача айтганда, маъмурий акт юридик факт турларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ маъмурий акт (қонунда: маъмурий ҳужжат) – “...маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун, муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси” ҳисобланади.

Маъмурий акт оммавий бошқарув соҳасидаги муайян ишни тартибга солишга қаратилган маъмурий органларнинг турли ва хилма-хил қарорларини бирлаштирувчи умумий тартибдаги тоифа ҳисобланади. Шунингдек,

маъмурий ҳуқуқ назариясида, маъмурий акт деганда маъмурий органнинг оммавий бошқарув соҳасидаги алоҳида (конкрет) ишни ҳал қилиш мақсадида қабул қилинган, ташқи характердаги юридик оқибатларга олиб келадиган ҳар қандай қарор тушунилади.

Масалан, маъмурий акт: хўжалик юритувчи субъектга лицензия бериш тўғрисидаги қарор; хўжалик юритувчи субъектни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор; қурилиш ишларини бошлаш учун рухсатнома; шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор; солиқ органининг хабарномаси — қарори; назорат (контроль) қилувчи органларнинг пул мажбуриятини юклаш тўғрисидаги қарори; давлат хизматчисини ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ; мулкни мусодара қилиш ёки олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ва бошқалар ҳисобланади.

Маъмурий акт тартибга солиш хусусиятига эга бўлиб, у норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш хусусиятидан фарқли ўлароқ, доимо аниқ бир ҳолат билан чегараланади. Маъмурий актнинг тартибга солиш хусусияти маъмурий орган томонидан бир томонлама қабул қилиниши билан белгиланади. Бунда маъмурий актни тегишли равишда маъмурий ҳужжат ҳисобланмайдиган маъмурий органлар қарорлари (ҳужжатлари)нинг бошқа турларидан ажратиш имконини берадиган тартибга солувчи мулк эканлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Қуйидагилар маъмурий актлар сирасига кирмайди:**

- маъмурий органларнинг акт-ҳаракатлари (масалан, транспорт воситасини тўхтатиш, умумий фойдаланишдаги йўлларни тозалаш, мансабдор шахснинг ахборот хабари ва ҳ.к.). Улар юридик оқибатларга олиб келмайди, чунки улар фақат фактик натижага эришишга қаратилган. Акт-ҳаракати шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига бевосита даҳл қиладиган ёки уларни сезиларли даражада чеклайдиган ҳоллар бундан мустасно (транспорт воситасини узоқ муддат тўхтатиб туриш, яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари учун рақобатбардош устунликларни яратган мансабдор шахснинг ахборот хабарномаси);

- маъмурий органнинг ички қарори (хизмат фармойиши), яъни хусусий шахсларга тааллуқли бўлмаган ташкилий масалаларни тартибга солиш учун чиқарилган қарори (маҳаллий давлат бошқаруви тузилмасини қайта ташкил этиш, давлат хизматчилари ўртасида ваколатларни қайта тақсимлаш ва б.ш.к.);

- маъмурий органнинг хусусий ҳуқуқ соҳасидаги қарори ёки бошқа ҳаракати (товар ёки хизматларни сотиб олиш шартномаси, коммунал мулк ижараси шартномаси);

- маъмурий органнинг оралиқ қарори (мисол учун, ер участкаси ажратиш лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадида хусусий шахс томонидан рухсат олиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги тўғрисидаги қарор, текшириш баённомаси, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома). Агар бундай қарор ўз-ўзидан шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилаётган ёки уларни сезиларли даражада чеклаётган бўлса – бундай ҳолатлар бундан мустасно ҳисобланади;

- парламентнинг, депутатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, вазирларнинг сиёсий қарорлари (сиёсий баёнотлар, мурожаатномалар, декларациялар, халққа мурожаатлар ва бошқалар);

- айрим фактларни тасдиқловчи расмий ҳужжатлар (мисол учун, диплом, маълумотнома, меҳнат дафтарчаси), чунки улар ўз-ўзидан ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди;

- суд қарорлари, жиноят-процессуал қарорлари, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича суд томонидан қабул қилинган қарорлар;

- маъмурий органнинг тартибга солиш хараكتерига эга бўлмаган юридик аҳамиятли хоҳиш-иродаси (мисол учун, ҳужжатларни тақдим этиш муддатини белгилаш, жарима тўлаш муддатини узайтириш).

#### **Маъмурий актнинг сиёсий қарордан фарқи.**

Сиёсий қарор ва маъмурий актни фарқлаш муаммоси тез-тез юзага келмайди, чунки у давлат мансабдор шахслари ва маъмурий органнинг чекланган доирасига – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва вазирларга тааллуқлидир. Бу, хусусан, бир вақтнинг ўзида сиёсий фаолиятнинг ҳам оммавий бошқарувнинг субъекти эканлиги билан боғлиқ. Бинобарин, улар ҳам сиёсий қарорларни, ҳам маъмурий актларни қабул қилишлари мумкин.

Сиёсий қарор ва маъмурий актни фарқлаш зарурати, одатда, улар устидан шикоят билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Сиёсий қарор маъмурий суд томонидан унинг қонунийлиги юзасидан кўриб чиқиши мумкин эмас, маъмурий акт эса кўриб чиқиши мумкин. Шу сабаблар маъмурий суд судьяси учун ҳам, потенциал даъвогар (хусусий шахс) учун ҳам қайси ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг ёки вазирнинг қарори сиёсий қарор сифатида, қайси ҳолларда эса маъмурий акт сифатида квалификация қилинишини аниқ тушуниб олиш зарур.

Юқорида таъкидланганидек сиёсий фаолият маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинмайди. Демак, сиёсий қарор уларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин эмас. Шундай қилиб, сиёсий қарор умуман ҳуқуқдан ва хусусан, маъмурий ҳуқуқдан ташқаридадир.

#### **Юқорида айтилганларга асосланиб, биз сиёсий қарор маъмурий актга қарама-қаршидир, деган ҳулосага келишимиз мумкин, чунки:**

- сиёсий қарорнинг асосини қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эмас, балки сиёсий ирода, ишонч, сиёсий вазият ва сиёсий маданият ташкил этади;

- сиёсий қарорнинг адресати сиёсий фаолият субъектлари – сиёсатчилар, сиёсий партиялар, сиёсий органлар ҳисобланади;

- у хусусий шахслар учун бевосита ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди;

- салбий (нотўғри, хато, мақсадга мувофиқ бўлмаган) сиёсий қарорга муносабат фақат сиёсий жавобгарлик бўлиши мумкин;

- сиёсий қарор маъмурий органлар томонидан бевосита ижро этилиши предмети бўлиши мумкин эмас. Уни амалга ошириш учун қўшимча ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш (эълон қилиш) зарур.

#### **Маъмурий актнинг турлари.** “Маъмурий акт”

тоифасига маъмурий органларнинг номи ва хусусий шахсларга ҳуқуқий таъсир кўрсатишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича ҳар хил бўлган қарорлари киради. Шу сабабли уларни турларга бўлиш масаласи долзарб ҳисобланади. Германия ҳуқуқшуносларининг маъмурий актларни таснифлашда, биринчи навбатда, маъмурий суд ишларини юритиш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда йўналтирилган бўлиши лозим деган фикрига қўшилиш ўринлидир. Шу муносабат билан маъмурий актларнинг куйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Маъмурий актда белгиланган фармойиш мазмунига боғлиқ равишда уларни буйруқ тартибидаги, ҳуқуқни белгиловчи ва тасдиқловчи турларига бўлиш мумкин. Буйруқ тартибидаги маъмурий актлар буйруқ ёки тақиқни ўз ичига олади, улар муайян турдаги хатти-ҳаракатларни белгилайди ёки муайян ҳаракатлар (қарорлар)дан воз кечишга мажбур қилади.

Мисол: корхона фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисидаги фармойиш; йиғилишни тугатиш тўғрисидаги фармойиш; чет эл фуқаросининг Ўзбекистонга киришини тақиқлаш тўғрисидаги қарор.

Ҳуқуқни белгиловчи маъмурий актлар муайян ҳуқуқий муносабатларни ўрнатади, ўзгартиради ёки тугатади.

Мисол: фуқароликни тақдим қилиш; шахсни давлат хизматига тайинлаш; шахсга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини бериш.

Тасдиқловчи маъмурий актлар шахснинг маълум бир ҳуқуқ ёки ҳуқуқ нуқтаи назаридан маълум бир муҳим бўлган хусусиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Бундай актлар ходисага юридик мажбурият берган

ҳолда аслида мавжуд бўлган нарсаларни тасдиқлайди. Маъмурий актнинг ушбу тури ҳуқуқни белгилловчи маъмурий актдан фарқли ўлароқ, ҳуқуқий ҳолатни ўзгартиришга қаратилмаган.

Мисол: боланинг фуқаролигини тасдиқлаш; Чернобиль ҳалокатидан жабрланган шахснинг мақомини тасдиқлаш; фуқаронинг кам таъминланган оилалар учун болалар нафақасини олиш ҳуқуқини тасдиқлаш.

Маъмурий актларнинг турларига таснифланишининг навбатдаги мезони сифатида уларнинг хусусий шахсларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш хусусиятларини келтириш мумкин. Бу ҳолатда олимлар номақбул ва мақбул маъмурий актларни фарқлайдилар. Актлар бундай бўлишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар ҳуқуқий тартибга солиш, қабул қилиш, бекор қилиш тартиб-таомиллари кабилардан иборат. Бундай актлар тегишли хусусий шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини энг юқори даражада ҳимоя қилишга қаратилгандир. Номақбул маъмурий актлар хусусий шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклайди, уларга қўшимча оғирлик ёки чекловлар юклайди, ҳуқуқлар берилишини рад этади.

Мисол: маъмурий органнинг барча тақиқлари, буйруқлари, давлат хизматчисининг лавозимидан озод этилиши; лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор.

Маъмурий акт шахс учун бир вақтнинг ўзида ҳам номақбул, ҳам мақбул бўлиши, яъни чекловларни ўз ичига олиши ва маълум имтиёзларни бериши мумкин. Таъсири учинчи шахсларга тегишли бўлган маъмурий актларга ҳам алоҳида эътибор берилиши керак. Бундай актлар нафақат бевосита адресатнинг, балки учинчи (бегона) шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатларига дахл қилади. Шунинг учун гап, биринчи навбатда, учинчи шахс учун юк бўлган қулай маъмурий акт ҳақида бормоқда. Мисол: шахсга қурилиши қўшни турар жой биносида яшовчи шахсларнинг ҳуқуқларини чеклаши мумкин бўлган савдо марказини қуришга рухсат бериш.

Мақбул маъмурий актлар ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқлайди, шахсга бундай ҳуқуқни тақдим этади ёки унинг учун бошқа ижобий натижаларни келтиради.

Мисол: ов қуролларини сотиб олишга рухсатнома; давлат хизматига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ; хўжалик юритувчи субъектга молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарор.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, юқоридагиларга кўра биринчидан, маъмурий ҳужжат ўрнида маъмурий акт терминини қўллаш ва бу борада Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ маъмурий акт тушунчасига (қонунда: маъмурий ҳужжат) “...маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун, муайян ҳуқуқий

оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси” тарзида ўзгартириш киритилиши лозим.

Иккинчидан, “Маъмурий акт” тоифасига маъмурий органларнинг номи ва хусусий шахсларга ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича ҳар хил бўлган қарорлари киради. Шу сабабли уларни турларга бўлиш масаласи долзарб ҳисобланади. Германия ҳуқуқшуносларининг маъмурий актларни таснифлашда, биринчи навбатда, маъмурий суд ишларини юритиш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда йўналтирилган бўлиши лозим деган фикрига қўшилиш ўринлидир. Шу муносабат билан маъмурий актларнинг турларини қонунчилигимизда акс эттиришимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчидан, амалдаги қонунчилигимизда манфаатдор шахснинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи суд тартибида кўриб чиқилиши келтирилган, шу нуқтайи назардан манфаатдор шахснинг устунлиги тамойилидан келиб чиқиб ноқулай бўлган, манфаат туғдирмайдиган ҳамда номақбул маъмурий актларни бекор қилиш масаласида ҳам айнан ушбу қоида нормаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Юсуф САИДАЗИМОВ,**

*Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Huber, Peter – Michael Allgemeines Verwaltungsrecht. Heidelberg: Decker & Müller, 1992., S. 136.
2. Бархар С.М., Хазанов С.Д. Форми и методи деятельности государственной администрации Екатеринбург, 1997, с. 7. 9 Barxar S.M. Hazanov S.D. Forms and methods of activity of the state administration. Yekaterburg, 1997, p. 7.0.
3. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право: Учебник. 3-е изд. – М., 2007. – С.32.( Bakhrah D.N., Rossinsky B.V., Starilov Y.N. Administrative Law: 3rd Textbook. M, 2007. – P.32)
4. Maurer H. Allgemeines Verwaltungsrecht. Verlag C.H. Beck, München, 2009. S. 193, 194.; Кристине Коре-Перконе. Признаки административного акта: в понимании Административно-процессуального закона Латвии и практики судов // Ежегодник публичного права 2016: Административный акт. Москва: Инфотропик Медиа, 2015. С. 49.
5. J. Nematov. Improvement of Administrative Procedures in the Republic of Uzbekistan: Administrative and Legal Framework: Comparative-Legal Analysis: Textbook-T.; 2015.P.86.
6. Nematov J. Transformation of Soviet administrative law: Uzbekistan’s case study in judicial review over administrative acts // Administrative law and process. – 2020. – № 1 (28). – P. 105-125. – DOI <https://doi.org/10.17721/2227-796X.2020.1.08>.
7. Саидазимов Юсуф (2020). Теоретический и правовой анализ административных документов. review of law sciences, 3 (специальный выпуск),19-24. doi: 10.24412/2181-919x-2020-3-19-24 (saidazimov yusuf (2020). theoretical and legal analysis of administrative documents. Review of law sciences, 3 (Special issue),19-24. doi: 10.24412/2181-919X-2020-3-19-24.
8. Sardorbek Y. Analysis of problems in the process of parliamentary consideration of budget execution reports in uzbekistan //Berlin Studies.
9. Хамедов И.А., Хван Л.Б., ТСай И.М. Кўрсатилган асар Сс. 296-300. (Xamedov I.A., Xvan L.B., TSay I.M.Shown work. Pp. 296-300.)
10. Ўзбекистон Республикасининг замонавий маъмурий ҳуқуқи ва оммавий бошқаруви бўйича 100 та долзарб саволга жавоблар. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: А. Эгамбердиев. Муаллифлар: Р. Мельник, А. Эгамбердиев, Ж. Сотиболдиев. – Тошкент, “Niso Poligraf”, 2023. – 232 б.

# ЎЗБОШИМЧАЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



**Хушвақт ҚУРБОНОВА,**  
Судьялар олий мактаби таянч докторанти

## АННОТАЦИЯ:

*Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ўзбошимчалик жинояти учун жазо тайинлаш амалиётини унга оид долзарб муаммоларни аниқлаш, хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда илмий таҳлил қилиш орқали тақомиллаштириш масалалари тилга олинган. Ҳуқуқшунос олимларнинг назарий фикрлари ва қонунчилик таҳлил қилинган. Шунингдек, амалиётда ўзбошимчалик жинояти меъёрларини нотўғри малакалашга оид баъзи муаммолар ҳам тадқиқ қилинган. Шу билан бирга ўзбошимчалик жиноятининг олдини олиш ва жазо масалалари бўйича асосланган, конструктив тақлифлар берилган.*

**Калит сўзлар:** жиноят ҳуқуқи, ўзбошимчалик, ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқлар, кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён, руҳий, жисмоний зўравонлик, жавобгарлик, жазо, жарима, ахлоқ тузатиш, мажбурий жамоат ишлари.

Жиноят учун тайинланган жазо, жиноятчиликка қарши курашишдаги энг самарали чоралардан биридир. Жиноят содир қилган шахсга нисбатан жазо тайинлаганда суд унинг содир этган қилмишини жиноят қонунининг тегишли моддаси билан малакалаб ҳуқуқий баҳо беради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мазкур жиноятни фош этиш борасида амалга оширган ҳаракатларини сарҳисоб қилади.

Жазо тайинлаш ва унинг қандай амалга оширилиши ҳақида олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд. ЖКда жазо тайинлаш тушунчаси берилмаган бўлиб, ЖКнинг 53 моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари белгиланган. Шу сабабдан ҳам соҳа олимлари ўртасида жазо тайинлаш тушунчасига нисбатан турли қарашлар мавжуд.

А.В.Наумов жазо тайинлаш деганда “суд томонидан айблов ҳукмида жиноят қонунида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахсга нисбатан қўлланиладиган муайян жазо тури ва миқдорини кўрсатиш” тушунилишини таъкидлаган.

Р.А.Рагимовнинг фикрича, жазо тайинлаш деганда “биринчи инстанция судида жиноят иши бўйича иш юриштишнинг якуний босқичи тушунилиб, бунда шахс айбдор деб эътироф этилади, унинг қилмишидаги жиноят таркиби жиноят қонунига мувофиқ квалификация қилинади ва заруратга қараб ушбу шахсга асосий ва қўшимча жазо чоралари тайинланади”.

М.Ильмуратовнинг фикрича, жазо тайинлаш жиноят ҳуқуқини қўллаш босқичи демак.

Х.Р.Очилов, Ш.Д.Хайдаров, З.З.Шамсиддиновлар жазо тайинлаш “жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахсга нисбатан ЖК Махсус қисм моддаси санкциясида назарда тутилган жазо (мажбурлов чораси)ни қўлланилиши”, деб таъкидлайдилар.

Албатта, юқоридаги олимларнинг қарашларида турли-туманлик мавжуд бўлсада, уларнинг барчаси ЖК

нормаларида назарда тутилган жазо чоралари муайян қилмишни содир этган шахсга нисбатан суд томонидан тайинланишини кўрсатиб ўтишган.

Жиноят кодексининг 15-моддасига мувофиқ, ўзбошимчалик жинояти ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот давомида ўзбошимчалик жинояти бўйича охириги йилларда кўрилган 350 дан ортиқ суд ҳукмлари ўрганиб чиқилди. Бунда ушбу жиноятлар бўйича жами 469 нафар шахс судланган бўлиб, судланган шахсларнинг 89,9% (422 нафар)ни эркаклар, 10,1 % (47 нафар)ни аёллар ташкил қилган. Таҳлил натижаларидан 62% ишда ўзбошимчалик жинояти бир гуруҳ бўлиб содир этилганлигини, 22% ҳолатда дастлабки терговда қўйилган айблов, судда ўзгартирилганлигини (бошқа модда билан квалификация қилинган ишлар, ўзбошимчалик сифатида ўзгартирилган), 36% ҳолатда ишлар судга фақат ўзбошимчалик жинояти учун жавобгарлик белгиланган модда бўйича келиб тушган бўлса, 64 % ҳолатда ўзбошимчалик ва бошқа жиноятлар жами сифатида ишлар келиб тушганлигини, 28% ҳолатда ишлар ярашилганлиги муносабати билан тугатилганлигини кўриш мумкин.

ЖКнинг 229-моддаси санкциясида ўзбошимчалик жинояти учун учта муқобил жазо: жарима, мажбурий жамоат ишлари ҳамда ахлоқ тузатиш ишлари жазolari назарда тутилган. Бунда жариманинг энг юқори миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача, мажбурий жамоат ишлари жазоси уч юз соатгача, ахлоқ тузатиш ишлари икки йилгача муддатга белгиланган.

Тадқиқот давомида 350 дан ортиқ суд ҳукмлари, ажримлари ва апелляция инстанцияси ажримлари кўриб чиқилди. Кўриб чиқилган ишлар бўйича таҳлил натижаларига кўра 36% ҳолатда жарима, 34% ҳолатда ахлоқ тузатиш ишлари, 2% ҳолатда мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинланган, 28% ҳолатда

ярашув қўлланилган, 10,8% ҳолатда ўзбошимчаликка оид қисми бўйича ЖПК 83-моддаси билан иш тугатилган (бир нечта жиноятлар бўйича айбланган бўлиб, ўзбошимчаликка оид қисми бўйича тугатилган), 2,2% касаллиги туфайли ЖК 70-моддаси асосида жазодан озод қилинган.

Шу билан биргаликда, жарима жазоси қўлланилган шахсларнинг 11 % ига ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Амалда ЖКнинг 229-моддасида квалификация қилувчи белгилар (бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилиниши; икки ёки ундан ортиқ шахсларга нисбатан содир этилиши; зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиб содир этилиши; жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиқиши) назарда тутилмаганлиги сабабли, тайинланган жазолар содир этилган қилмишга нисбатан номутаносиб бўлиб қолмоқда.

Суд амалиёти ўзбошимчалик содир этган шахсларга нисбатан гарчанд қонун доирасида жазо тайинланаётганлигини кўрсатсада, аммо ушбу жиноятни квалификация қилувчи белгилари ЖК 229-моддасида назарда тутилмаганлиги учун содир этилган қилмишга нисбатан жазонинг мувофиқ бўлишига хизмат қилмаяпти.

Амалиётда учрайдиган ва фаол ҳаракат билан содир этиладиган ўзбошимчалик жиноятларининг аксарияти зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ёхуд бир гуруҳ бўлиб содир этилганлигини суд қарорларидан кўриш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, 350 та жиноят иши бўйича чиқарилган суд ҳукмларининг 62 % ида ўзбошимчалик жинояти бир гуруҳ шахслар томонидан жиноий тил бириктириб содир қилинган.

Амалиётдаги кўп учрайдиган яна бир ҳолат, ўрганилган 350 та суд қарорларининг 22% да қилмиш ЖКнинг 229-моддасига қайта квалификация қилиниши оқибатида суд ҳукмлари ўзгартирилган. Масалан, фермер хўжалиги раҳбари фермер хўжалигига вақтинча фойдаланиш учун ажратилган ерни ҳеч қандай рухсатсиз ўзбошимчалик билан бошқа шахсга 63 минг АҚШ долларига сотган, айбдорнинг қилмиши дастлабки тергов органи томонидан ЖКнинг 168-м 3-қ. “а” банди, 177-мод 3-қ. “а” банди билан квалификация қилинган. Иш судда кўриб чиқилиб, айбдорнинг ҳаракатида фирибгарлик аломатлари (яъни алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш) эмас, балки ўзбошимчалик аломатлари, яъни “ерни сотишга ёки бошқа бировга фойдаланиш учун беришга ҳуқуқим бор” деган фарази тасдиқланганлиги сабабли айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 168-м 3-қ. “а” бандидан ЖКнинг 229-моддасига қайта квалификация қилинган.

Амалиётдаги бу каби қонунларни нотўғри талқин қилиш ва оқибатда қилмишни нотўғри малакалаш ҳолатларининг асосий сабаби, жиноят қонунчилигида кўзда тутилган ўзбошимчалик жинояти учун белгиланган меъёرنинг мукамал эмаслиги, квалификация қилувчи

белгиларининг назарда тутилмаганлиги ва қонундаги бўшлиқларнинг мавжудлигидир.

Шунингдек, ўзбошимчалик жинояти жисмоний ёки руҳий куч ишлатилиб амалга оширилганда у шахсга қарши жиноят ва ўзбошимчалик жиноятлари мажмуи тариқасида малакаланади. Мисол учун, агар айбдор ўзининг ўзбошимчалик ҳаракатлари билан бошқа оғирроқ жиноятни содир этган бўлса (масалан, қасддан баданга оғир ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳатини етказган) қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим бўлади (ЖКнинг 229-моддаси ва тегишли 104, 105-моддалари).

Амалиётда ўзбошимчалик ҳаракатлари билан нафақат бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва мол-мулкига, балки шахснинг шаъни, кадр-қиммати, соғлиги ҳаттоки ҳаётига тажовуз қилиш, балки жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ҳолатлари ҳам тез-тез учрамоқда.

Бу масалада халқаро тажриба ва хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги ўрганилганда, аксарият МДХ мамлакатларининг жиноят қонунчилигида ўзбошимчалик жинояти объектив томонининг зарурий белгиси сифатида “жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш” (Грузия, Тожикистон, Озарбайжон, Россия, Молдова), “такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан” (Қозоғистон), “қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб” (Молдова) содир қилишни назарда тутувчи алоҳида малакаловчи белгилар кўрсатилган.

Миллий ҳуқуқни хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимлари билан қиёсий ўрганиш унинг афзалликларини аниқлаш ва соҳани ривожлантириш мамлакатимиз қонунчилигида ўзбошимчалик учун жиноий жавобгарликни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбошимчалик жиноятининг назарий-ҳуқуқий хусусиятларини ўрганиш масалалари долзарб ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, мазкур ҳаракатлар учун жавобгарлик тўғрисидаги жиноят-ҳуқуқий нормани белгилашда айрим хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси билан Россия жиноят қонунчилигини қиёсий таҳлил этар эканмиз, Россия Жиноят кодексининг ўзбошимчалик жинояти учун жавобгарлик белгиланган 330-моддасида ўзбошимчаликка қуйидагича таъриф берилган: “Ўзбошимчалик, яъни рухсатсиз қонунда ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган тартибга зид равишда қонунийлигига ташкилот ёки фуқаро томонидан эътироз қилинадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, агар бундай ҳаракатлар жиддий зарар етказса”.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида ўша ҳаракат зўрлик ишлатиб ёки ундан фойдаланиш билан кўрқитиб содир этилган бўлса жавобгарлик назарда тутилган.

Бунда таъкидлаш лозимки, таҳлил қилинаётган модданинг иккинчи қисми, яъни ўзбошимчалик ҳаракатларини зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир қилиш учун жавобгарлик белгиланиб, қонун чиқарувчи томонидан тўғри хулосага келинган. Мазкур

қонун нормасини Озарбайжон, Молдова, Қозоғистон, Тожикистон, Грузия қонунчилигида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда руҳий зўрлик ишлатиш ҳолатига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Руҳий зўравонлик, шунингдек “ҳиссий ёки ахлоқий зўравонлик – бу психологик шикастланишга, шу жумладан, ташвиш, депрессия ва шикастланишдан кейинги стресс ҳолатига олиб келиши мумкин бўлган шаклдир”.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин, зўравонлик ёки ундан фойдаланиш билан таҳдид қилиш натижасида содир этиладиган ўзбошимчалик жинояти катта зарар етказадиган ижтимоий хавфлиги юқори бўлган хатти-ҳаракат бўлиб, зўравонлик ҳаракатлари тегишли жиноят таркибининг бир қисми сифатида зўравонлик тушунчаси билан тўлиқ қамраб олинган. Унинг ижтимоий хавфлиги, биринчидан, инсоннинг ҳаёти, соғлиги, танасининг дахлсизлигига, иккинчидан, зўравонлик билан содир этиладиган бошқа ижтимоий муносабатларга зарар етказишига қаратилган бўлиб, мазкур ҳаракатларга нисбатан қонунчиликда муносабат билдирилмаган. Шундан келиб чиқиб, халқаро ҳуқуқ нормаларининг ижобий томонини амалиётга жорий қилиш мақсадида ЖКнинг 229-моддасига руҳий ва жисмоний зўрлик ишлатиш билан содир этиладиган ўзбошимчалик жиноятига нисбатан алоҳида квалификация қилувчи белгиларини ўз ичига олган меъёрни киритиш вақти келди деб ҳисоблаймиз. Чунки, зўравонлик билан содир қилинадиган ўзбошимчалик жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси алоҳида олинган зўравонлик ва ўзбошимчаликдан анча юқори бўлиб, жазо ҳам жиноятга нисбатан мутаносиб бўлиши лозим.

Хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиш асносида ўзбошимчалик жиноятининг квалификация қилувчи белгилари, жумладан жуда кўп миқдорда зарар етказиш, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиш, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш натижасида оғир оқибатларнинг юз бериши каби ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланганлигини кўриб чиқдик. Фикримизча, хорижий тажриба ҳамда мавжуд амалиётдан хулоса қилинган ҳолда, амалдаги жиноят қонунчилигида ҳам бундай квалификация қилувчи белгилар мавжуд бўлган ўзбошимчалик ҳаракатлари учун жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ЖКнинг 229-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

*Ўзбошимчалик, яъни шахс ўзининг ҳақиқий ёки фарз қилинган ҳуқуқларини ўзбошимчалик ҳаракатлари билан қонунда ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибга ҳилоф равишда амалга оширса ва бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқландиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказишига сабаб бўлса,*

*базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракатлар:*

*а) жуда кўп миқдорда зарар етказишига сабаб бўлса;*

*б) ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса;*

*в) тақроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан жиноий тил бириктириб содир этилган бўлса,*

*базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

Шу билан биргаликда, жиноят туфайли етказилган зарарнинг ўз вақтида қопланишини таъминлаш, бузилган ҳуқуқларни тиклашни рағбатлантириш мақсадида ушбу моддага жиноятни очишга ёрдам берган ва етказилган зарарни бартараф қилган шахсларни жазодан озод қилишга оид қуйидаги таҳрирдаги рағбатлантирувчи нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

**“Агар шахс жиноят содир этилганидан сўнг, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва жиноят оқибатларини бартараф этган, етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаган бўлса жазодан озод қилинади”.**

Бу эса мазкур йўналишдаги қонунларимизни янада инсонпарвар тарзда ифодалаш ва инсонларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш йўлидаги яна бир қадам бўлади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Уголовный кодекс Российской Федерации” от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 01.07.2021) (с изм. и доп., вступ.всилу 01.12.2021) [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699) (мурожаат санаси 19.12.2021)
2. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 29.12.2022). [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/6d471b3b9bcda0a913c3bd0e0dfbf892ae9fad8](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/6d471b3b9bcda0a913c3bd0e0dfbf892ae9fad8)
3. Наумов А.В. Словарь по уголовному праву. М., 1997. - С. 214.
4. Рагимов Р. А. Проблемы назначения наказания (по материалам Республики Дагестан): автореф. дисс. канд. юрид. наук: 12.00.08. – Махачкала, 2002. – С. 9–10.
5. Кошкин А.В. Применение насилия как признак объективной стороны состава самоуправства / А.В.Кошкин.// Вестн. Воронеж, ин-та МВД РФ. - 2003.-№ 2(14).
6. Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсиддинов З.З.. Жиноят ҳуқуқи. (Умумий қисм). Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ нашриёти. 2021 й. – Б. 109.
7. Илмуратов, М. (2021). Понятие и сущность института назначения более мягкого наказания. Актуальные проблемы гуманитарных наук, 1(1), -С. 53–57. 2
8. Уголовный кодекс Грузии. <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=246>
9. Уголовный кодекс Республики Таджикистан. <http://ncz.tj/content/>
10. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. [https://continentonline.com/Document/?doc\\_id=30420353#pos=3323;-47](https://continentonline.com/Document/?doc_id=30420353#pos=3323;-47)
11. Уголовный кодекс Республики Молдова. [https://www.legis.md/cautare/getResults?doc\\_id=125325&lang=ru](https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=125325&lang=ru)
12. Уголовный кодекс Республики Казахстан. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575252](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252)
13. Уголовный кодекс Республики Молдова. [https://www.legis.md/cautare/getResults?doc\\_id=125325&lang=ru](https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=125325&lang=ru)

# ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ БОСҚИЧИДА ҲИМОЯЧИ ИШТИРОКИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилнинг 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сонли Фармонида айнан суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг ҳолислигини амалда таъминлаш мақсадида прокуратура органлари тизимида Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси ташкил этилиши унинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.**

Эндиликда одил судловни таъминлашда ҳимоячига берилган ҳуқуқлар ҳам қайта кўриб чиқилиб, баъзи бир ваколатлар берилади. Судларга жиноят иши фақат айблов ҳулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга тақдим қилинади. Айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизим жорий қилинади.

Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасига асосан, биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилса, мазкур кодекснинг 51-моддасида апелляция ва кассация инстанцияси суди томонидан кўриладиган ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Жиноят ишларини кўришда биринчи инстанция судининг ўзида судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга ҳаракат қилинади. Бироқ, суд томонидан қабул қилинган ҳужжат судланувчининг ҳуқуқларига зид бўлган ҳолларда мазкур иш апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида кўриб чиқилиши мумкин. Бу ўринда судланган шахсларга юқори малакали юридик ёрдам кўрсатиш ва унинг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг самарали воситаларидан бири сифатида қонуний кучга кирган ҳукм, қарор ва ажримлар устидан шикоят қилиш имконияти ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳимоячи судланган, оқланган, унинг қонуний вакили ва бошқа шахсларнинг топшириғига мувофиқ ёки уларнинг розилиги билан қуйи суднинг қарорига нисбатан юқори инстанция (апелляция, кассация) судига шикоят бериши мумкин. Бунда адвокат билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилади. Мазкур шартномага мувофиқ, адвокатлик тузилмаси адвокатга мазкур иш юритишда иштирок этиши учун ордер беради.

Юқори инстанция судларига бериладиган шикоятни тайёрлашда адвокатдан нафақат жиноят ишининг барча тафсилотларини билиш, балки ҳукм, ажрим (қарорларнинг) нотўғри чиқарилганлигини тасдиқловчи исбот ва далилларга эга бўлиши талаб қилинади. Чунки, мазкур боسقич бирмунча мураккаб ҳисобланади.

Апелляция, кассация шикоятда адвокатнинг суд томонидан чиқарилган ҳукм, ажрим ва қарорнинг

қонунийлиги ва асослилигига нисбатан муносабати тўлиқ ифодаланиши лозим. Демак, адвокат жиноят ишини тўлиқ таҳлил қилиш, қонун бузилиш ҳолларини аниқлаш учун муайян билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Бу жиҳатлар ўз навбатида, судгача ва суд жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ҳамда жиноят иши бўйича ноқонуний ҳукм, ажрим ва қарорлар чиқарилганлигини аниқлашга имкон беради.

Айрим ҳуқуқшуносларнинг таъкидлашича жиноят ишларини қайта кўриш жараёнида тарафлар ўртасида бироз тенгсизлик мавжудлиги кўзга ташланади.

Б.А.Ражабовнинг билдиришича ҳимоячи жиноят процессининг тенг ҳуқуқли томони сифатида ҳимоя қилиш учун мустақил равишда далилларни аниқлаш ва тўплаш каби суд жараёнида иштирок этишга оид процессуал ваколатларидан тўла-тўқис фойдаланиши лозим, бунинг учун эса ЖПКда бунга тўсиқ бўлган бўшлиқларни тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Жиноят ишларини кассация тартибида такроран кўришга суд раиси ҳамда прокурор томонидан киритилган протест асос бўлади. Ҳолбуки, ҳимоячи бундай ҳуқуққа эга эмас. Суд раиси ёки прокурорга ишни кассация тартибида такроран қайта кўриш учун протест киритиш ваколати берилган. Бинобарин, айблов ва ҳимоя ўртасидаги бундай муаммони ҳал этиш учун қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритиш лозим.

Бизнинг фикримизча, қонун йўли билан суд муҳокамасининг тенг ҳуқуқли иштирокчилари бўлиши лозим бўлган, қонун бўйича шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиларининг кассация тартибида такроран кўриш бўйича берган протест (шикоят) ларини юқори турувчи суд, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатида кассация тартибида такроран қайта кўрилиши шартлиги қонунда императив тарзда белгилаб қўйилса, айна мундоо бўлар эди.

Адвокат (ҳимоячи) жиноят ишини суддан талаб қилиб олиш ва протест киритиш ҳуқуқига эга эмас. Суд қарорларига киритилган протест юқори суднинг хайъат мажлисларида жиноят-процессуал кодексига белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Процесснинг бошқа иштирокчилари, жумладан, ҳимоячи берган шикоятга эса, суднинг хайъатида иш кўрилмасдан туриб ҳам протест киритиш учун асос йўқлиги ҳақида жавоб юборилиши мумкин.

Бу эса, жиноят процессида тарафларнинг тенг ҳуқуққа эга эканлиги ҳақидаги Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасига зид саналади.

ЖПКда прокурорга ҳам, адвокатга ҳам бир хилда исботлаш мажбурияти юклатилган. Шундай бўлса-да, баъзи ҳолларда юқори судга айрим гувоҳлар сўроқ қилинмагани рўқач қилиниб, суд қарорининг бекор этилиши лозимлиги ҳақида прокурорнинг протест келтириши ҳам томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилига зид. Прокурор ўзи исботлаш мажбуриятига эга бўлган ҳолда, биринчи инстанция судига гувоҳни сўроқ қилишга тақдим этмасдан юқори судга шу вақти кўрсатиб, суд қарорини бекор қилишни сўраши торттишув жараёнини бузади.

Агар ҳукм этилган, оқланган ва уларнинг ҳимоячилари прокурорнинг ҳулосасидан сўнг қўшимча тушунтиришлар билан чиққан бўлсалар, прокурор уларнинг тушунтиришларига тегишли баҳо бериши лозим ва шу билан ўз ҳулосасини тасдиқлаши ёки унга зарурий ўзгартиришлар киритиши керак.

Кассация шикоятни берилганидан кейин ишга киришган ҳимоячи шикоятни ўзгартириши ёхуд янги вақтлар билан тўлдириши, илгари ишда иштирок этган ҳимоячи томондан берилган шикоят вақтларига қўшимча асослар тақдим этиши мумкин.

Суд кассация тартибида чиқарилган ажрим ёки қарорни бекор қилар экан, биринчи ва апелляция инстанция судларининг ҳукм ва ажримларини ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришсиз ўз кучида қолдиришга ҳақлидир деб кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, жиноят-процессуал қонунчилигида кассация тартибида прокурорлар билан тенг ҳуқуқли шартларда биринчи инстанция ва апелляция инстанция судларининг чиқарган ғайриқонуний, асослантилмаган ва адолатсиз қарорларига нисбатан, юқори турувчи судга кўриб чиқиш учун шикоят бериш ҳуқуқи мустақамланган ва амалиётда бу ҳуқуқдан кенг фойдаланиб келинмоқда. Яъни, прокурорнинг апелляция ёки кассация тартибида киритган протести ҳам жиноят процессининг шикоят бериш ҳуқуқи берилган тарафлари томондан апелляция ва кассация тартибида киритилган шикоят билан тенг кучга эга эканлигини кўраимиз.

Бироқ, кассация тартибида такроран қайта кўриш куйи турувчи судларнинг чиқарган қарорларига нисбатан эътироз билдириш ва қонунга мувофиқлигини таъминлаш борасида киритиладиган протест ва унинг албатта кўриб чиқиши кераклиги ҳақидаги заруратда намоён бўлади. Чунки, ЖПКнинг 509-моддасига мувофиқ, “кассация инстанцияси суди жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарларининг ушбу кодекснинг 497-моддасида назарда тутилган асосларга кўра киритган кассация протести бўйича кассация тартибида такроран кўради”, деб белгиланиши қонун бўйича шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиларининг кассация тартибида такроран кўриш учун берадиган шикоят юқори турувчи суд томонидан суд муҳокамасида кўриб чиқиши шартлиги белгиланмаганлиги улар томонидан кўрилатган кассация тартибидаги шикоятларни яна бир

босқичда кўриб, қонунийлигини таъминлаш имкониятидан маҳрум этмоқда. Шу аснода, апелляция ва кассация инстанция судлари айнан бир инстанцияда, бир раҳбар шахснинг назоратидаги бир суднинг ўзида судьяларнинг бир-бирининг йўл қўйган хатосини ўзаро яшириш доирасида қолиб кетишига ва натижада баъзи ғайриқонуний, асослантилмаган ва адолатсиз суд қарорларининг ўз кучида қолишига сабаб бўлади.

ЖПКнинг 500, 509<sup>12</sup>-моддаларида “кассация тартибида протест бериш” ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддасида “кассация тартибидаги протест киритиш” каби жумлалар учрасада, аслида жиноят ишини кассация тартибида прокурор эмас, суд кўради.

Жиноят-процессуал қонунчилиги меъёрларига кўра судланувчига нафақат биринчи, балки апелляция, кассация босқичларида ёки янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритиш қайтадан бошланганда ҳам ҳимоячи иштироки таъминланиши лозим.

“Агар давлат томонидан устувор йўналишларда давлатнинг ҳуқуқий кафолати мавжуд бўлса, прокурор ва адвокатнинг тарафлар сифатидаги ўрни тенглашган бўлар эди. Бу тенглик ҳақиқий торттишувчанлик жараёнини юзга чиқаради” – дейди Ф.А.Янгиев.

Бизнингча, тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида, тегишли суд раиси ва прокурорнинг ваколатларини суд жараёнининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари сингари тенглаштириш зарур. Бинобарин, кассация тартибида такроран кўриш бўйича шикоят бериш ҳуқуқини белгилаш лозим. Шу муносабат билан, ЖПКнинг 498, 509<sup>12</sup>-моддаларига “маҳкум, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилининг шикояти бўйича” мазмундаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқдир.

**Хайрулла КУЧКАРОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т.: “Адолат”, 2000. 632 б.
2. Всеобщая декларация прав человека и национальная система защиты прав человека в Узбекистане. Рустамбаев М.Х., Саидов А.Х. и др. – Т.: “Узбекистан”, 2009. - 123 с.
3. Обидов М. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2018. - № 3. - 47 б.
4. Ражабов Б.А. Жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш. Монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2019. – Б. 34.
5. Абдуқаҳоров С.А. Ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2022 й. – Б. 22.
6. Янгиев Ф.А. Судлар фаолиятини рақамлаштириш: жорий ва истиқболдаги вазифалар мавзусидаги ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами // Т.: ТДЮУ, 2022 й. Б. 156.
7. Миразов Д.М. Ҳарбий процессуал ҳуқуқи институтини ташкил этиш ва такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети. 2023. – Б. 18-19.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

## МИЛЛИЙ ГВАРДИЯНИНГ ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

### АННОТАЦИЯ:

*мақолада мамлакатимизда “Васийлик ва ҳомийлик” органлари билан Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) ўртасида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишида ўзаро ҳамкорликни жадаллаштириш ва мавжуд муаммо ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан таклифлар баён этилган.*

**Таянч сўзлар:** Миллий гвардия, “Васийлик ва ҳомийлик” органи, болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси, етим бола, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола.

Мамлакатимизда вояга етмаган шахсларнинг, айниқса, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилган ҳолларда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасининг васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан таъминланиши Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-364-сонли қонуни билан тартибга солинади.

Қонуннинг 7-моддасига кўра, васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари жумласига куйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирилиги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

### **Васийлик ва ҳомийлик бўйича фаолият:**

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари томонидан – вояга етмаганларга нисбатан;

туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари томонидан – суд муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларга, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга нисбатан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни ушбу Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда васийлик ёки ҳомийликни белгилаш чора-тадбирларини кўради.

Васийлик ва ҳомийлик органларидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида”ги ПФ-6275-сонли Фармонининг 6-бандига асосан туман (шаҳар) ҳокимликларида амалдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссия котиби ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидаги болаларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича методист лавозимларини мақбуллаштириш ҳисобига болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари ташкил этилди. Мазкур Фармон билан туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шуъбаларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди. Унга кўра, шуъба мудири ва бош мутахассис лавозимлари жорий этилди. Шуъба мудири Болалар масалалари бўйича комиссия вазифаларини амалга оширсан, бош мутахассис Васийлик ва ҳомийлик масалалари ижросини таъминлайди.

Шунингдек, Васийлик ва ҳомийлик органлари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш ҳақидаги 269-сон қарор асосида фаолиятларини амалга оширадilar.

Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бевосита жойлардаги болаларни ҳимоя қилиш шуъба бош мутахассиси билан ҳамкорликда Оилавий болалар уйи, Болалар уйи ва болани оилага тарбияга (патронатга) олган оилаларда болалар билан иш олиб борадилар.

Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси бош мутахассисининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасида белгиланган айрим ваколатлари куйидагилардир:

– етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади, улар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини ва ҳисоботини юритади, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларни жойлаштиришини ҳамда мол-мулки бут сақланиши чораларини кўради, ҳатто боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилган ҳолларда уни ота-онасидан ёхуд ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйиш чора-тадбирларини кўради;

– васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишсизча маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноτιжорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Ҳукумат томонидан Миллий гвардия органларига ишонч билдирилиб, жойлардаги болаларни ҳимоя қилиш шуъба

ходимлари билан ҳамкорликда тарбияланувчи болалар билан бир ойда камида бир маротаба суҳбатлашиб, уларга таълим ва тарбия бериш ҳамда маиший шароитларини ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш вазифаси юклатилди. Бу Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси ва ходимига ҳам шараф, ҳам масъулият юклайди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1986 йил 3 декабрдаги 41/85-сонли резолюцияси билан қабул қилинган "Болаларни ҳимоя қилиш ва фаровонлигини таъминлашнинг ижтимоий ва ҳуқуқий тамойиллари тўғрисида"ги декларациясининг 6-моддасида "Болаларни боқишга ёки асраб олишга ўтказиш тартиб-қоидалари учун масъул шахслар профессионал ёки бошқа тегишли тайёргарликка эга бўлиши керак"лиги кўрсатилган.

Шу жойда қандай табиий компетент (қобилият)га эга ҳарбий хизматчи ёки ходимни болалар билан ишлашга бириктириш лозим?, деган масалани ҳал этишни вазият тақозо этмокда.

"Компетентлик" (ингл. "competence" – "қобилият") – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олишдир.

Касбий компетентлик дейилганда эса "мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллаш олиниши" тушунилади.

Миллий гвардия органларининг вояга етмаган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва тўғри йўлга қўйиш ҳамда болалар билан ишлашга "компетентли-қобилиятли" ҳарбий хизматчи ва ходимларни бириктириш борасида қуйидаги таклифларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

*Шундай инсонлар кўрдилми,  
айблари йўқ эди.  
Аммо инсонларнинг айблари  
ҳақида гапирар эдилар.  
Аллоҳ уларга айблар яратди.  
Яна шундай инсонлар кўрдилми,  
Айблари бор эди.  
Аммо инсонларнинг айблари  
ҳақида гапирмас эдилар.  
Аллоҳ уларнинг айбларини беркитди.*

**Ҳасан БАСРИЙ**

*биринчидан*, Миллий гвардия шахсий таркиби орасида олий маълумотли "педагог", "психолог" ва "юрист" дипломига эга мутахассислар борлиги сабабли, бизнингча, айнан ушбу мутахассислик дипломига эга бўлган ҳарбий хизматчи ва ходимларни оилавий болалар уйлари ва Болалар уйлари-га ҳамда васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга бириктириш ва фақатгина қиз болаларни тарбия қилаётган оилаларга аёл ҳарбий хизматчи ва ходимларни бириктириш мақсадга мувофиқдир;

*иккинчидан*, "Оилавий болалар уйи", "Болалар уйи" ва "Болани тарбияга" (патронатга) олган оилаларга бириктирилдиган ҳарбий хизматчи ёки ходимларнинг болалар билан ишлаш борасидаги ҳуқуқий ва психологик-педагогик билимларини ошириш борасида Жамоат хавфсизлиги университетида ўқув-курслари ташкил этиш;

*учинчидан*, жойларда болаларни ҳимоя қилиш шуъба бош мутахассиси лавозимида бир нафар ходим фаолият юритиши, иш ҳажмининг кўплиги ҳамда ушбу ходим меҳнат таътилига чиққанида, бетоб бўлган ёки нафақага чиққан вақти унинг вазифасини бажарувчи ходим йўқлигини ҳисобга олиб, болаларни ҳимоя қилиш шуъба бош мутахассиси лавозимини 1 нафардан 2 нафарга ошириш;

*тўртинчидан*, Швеция, Япония, Баҳрайн тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар қандай таъйиқдан ҳимоялаш, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бериш, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида ишонч телефонлари жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши ҳамда уларни оилада тарбия олишлари ва келажакда етук интеллектуал салоҳиятли ҳамда ватанпарвар йигит-қизлар бўлиб камолга етишлари учун Миллий гвардия фаолиятида васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликни янада жадаллаштириш ҳамда бу борада илмий изланишлар олиб борилиши талаб этилади.

**Шерзод ИКРАМОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети докторанти.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Декларация о социальных и правовых принципах, касающихся защиты и благополучия детей, особенно при передаче детей на воспитание и их усыновлении на национальном и международном уровнях., Принята резолюцией 41/85 Генеральной Ассамблеи от 3 декабря 1986 года., [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/childpri.shtml-мурожаат санаси-04.03.2023 й](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/childpri.shtml-мурожаат санаси-04.03.2023 й).
2. Холиқов, А. Педагогик маҳорат: Ўқув қўлланма. Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2010. -312 б.
3. Муслимов, Н.А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари: Ўқув-методик қўлланма. Н.А.Муслимов, М.Х.Усмонбоева, Д.М. Сайфулов, А.Б.Тўраев – Т.: Низомий ТДПУ нашриёти, 2015. -120 б.
4. М.Х.Рустамбаев, М.Б.Усманов. Бола ҳуқуқи: дарслик. -Т.:ЖХУ нашриёти, 2022. - 500 б.
5. Худойберганова Д.З. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида //Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Т.:Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2022. - 425 б.



**Дилбар ЧОРИЕВА,**  
Судьялар олий мактаби  
етакчи мутахассиси

## ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА ТОРТИШУВ ТАМОЙИЛИ

*Ҳозирга келиб суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий бўгинини адвокатура институтини ва адвокатлик фаолиятининг такомиллашуви таъминлашга қаратилганлиги барчамизга маълум. Бундан кўзланган мақсад, судларда инсон ҳуқуқларининг профессионал тарзда ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилганлигидир.*

Маълумки, ҳимоячи фаолияти яқин йилларгача кўп жиҳатдан давлат ҳокимияти идораларига қарам ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилмасдан амалга оширилган. Собиқ иттифок даврида давлатнинг айблов вазифаси устун мавқега эга эди. Прокуратура органларининг ваколатлари ҳам ҳимоя тарафи ҳуқуқларига нисбатан жуда юқори бўлган. 1960 йилгача бўлган қонунга кўра, дастлабки терговга ҳимоячи жалб этилмаган. Адвокатга худди жиноятчининг шериги, маслақдоши деб қаралиб, у билан мулоқот қилган терговчи одатда “порахўр” тамғаси босилган. Шахс ишдаги материаллар билан таништирилмаган, тергов пайтида унга қўйилган айбнинг тўла мазмунидан ва исбот-далиллардан хабардор қилинмаган. Бу хил “қўққисдан” айблаш ва ишдаги далилларни яшириш инсон ҳуқуқлари бузилишининг яққол намунаси сифатида намоён бўлган.

Мустақилликка эришилгандан сўнггина ҳимоячининг нафақат суд босқичида, балки судга қадар иш юритувдаги иштироки масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланган бўлсада, 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тортишув тамойили биринчи инстанция судларида ишларни кўриш босқичидан бошланиши тўғрисидаги нормага ҳозирги кунга қадар ҳам ўзгартиш киритилмаган. Натижада, ҳанузгача мамлакатимизда жиноят ишлари бўйича иш юритув Собиқ совет давридан бизга мерос бўлиб ўтган тартиб асосида олиб борилмоқда. Айблов тарафида иш юзасидан зарур бўлган қарорларни қабул қилишга қаратилган кўплаб ваколатларнинг мавжудлиги ҳамда процессуал имкониятларнинг юқорилиги ҳимоя тарафининг процессуал ҳолати билан қиёслаганда устунликка эга эканлиги намоён бўлмоқда. Шу сабабли ҳам бугунги кунда қонунчиликни янада либераллаштириш ва ислох қилиш талаб этилмоқда.

**Конституциямизга киритилган ушбу ўзгариш, яъни Адвокатура институтига алоҳида модда эмас, балки бутун бошли боб ажратилганлиги унинг ривожланиш тарихида янги тамал тошини қўйиш билан баробар, дейиш мумкин. Ушбу бобнинг “Суд ҳокимияти” ва “Прокуратура” боблари оралиғида акс эттирилганлигининг ҳам мантиқий маъноси бор. Буни қуйидаги ҳолатлар орқали таҳлил қилишимиз мумкин:**

1. *Адвокат бевосита шахс ҳуқуқларини амалга оширувчи вакил сифатида намоён бўлиши нуқтаи назаридан Конституцияда акс этаётган ушбу ҳолат инсон ҳуқуқларининг кафолатини кучайтиришга эътибор қаратилганлигидан далолат беради.*

2. *Тортишув тамойилининг амал қилиш доираси кенгайтирилганлигини англатади.*

Тортишув тамойилига батафсил тўхталиб ўтадиган бўлсак, биз юқорида тилга олганимиз одил судловга эришишнинг бирдан-бир асоси тарафлар ўртасида тортишув тамойилининг ишла-

шидир. Қонунда тортишув тамойилининг биринчи инстанция суди мажлисида ҳамда ишлар юқори судда кўрилатганда амал қилишининг белгиланиши давлат ва жамият тараққиётининг маҳсулидир. Бироқ, тортишув тамойили фақат суд босқичидагина амал қилиши билан чегараланиши керакми?, деган саволга жавоб ўрнида шуни айтиш мумкинки, унинг ишни судга қадар юритиш босқичидан бошлаб амал қилишига эришиш бугунги кун талабидир. Негаки ишни судга қадар юритишда тортишув тамойилининг амал қилиши терговчининг далилларни тўплаш ва тақдим этиш билан боғлиқ вазифаларининг ҳимоячи фаолиятида тақдорланишида акс этмайди, балки айблов тарафи ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назорат ўрнатилишида ҳамда шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоячи ёрдамидан фойдаланган ҳолда қонун томонидан рухсат этилган усул ва воситалар ёрдамида эркин амалга оширилишида акс этади.

Шу ўринда тортишув тамойилининг мазмунига тўхталиб, шуни айтиш мумкинки, тортишув тамойили – бу ўзаро қарама-қарши тарафларнинг ўзларидаги мавжуд далиллар асосида иш юзасидан ҳақиқатга эришиш мақсадидаги “кураши”-дир. Бунда тарафлар сифатида айблов ва ҳимоя тарафи ҳамда ишни холис ҳал этувчи орган сифатида суднинг намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Тортишув тамойили ҳимоя ҳуқуқининг асосий кафолати сифатида намоён бўлади, яъни мазкур тамойилнинг амал қилиши иш юзасидан “тарафдор” ва “қарши” хусусиятга эга бўлган барча фикрларни таққослаш йўли орқали ҳақиқатни аниқлашга эришиш имконини беради. Унинг таъминланмаслиги гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ҳимоя ҳуқуқи бузилиши ҳисобланади, чунки ҳимоя ҳуқуқи айбловни рад этиш ҳуқуқсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Таъминланиши эса ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга ошишига, унинг процессуал имкониятлари кенгайишига олиб келади. Бироқ, тортишув тамойили амал қилиши учун унинг элементлари мавжуд бўлиши талаб этилади. Ушбу элементлар: 1) тарафлар (айблов, ҳимоя ва суд)нинг мавжуд бўлиши; 2) тарафларнинг тенг имкониятлардан фойдаланиши. Ушбу элементларнинг мавжудлиги заминидан тортишув тамойилининг амал қилиши биринчидан, ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларининг кенгайишига эришиш имконини беради; иккинчидан, тарафлар томонидан судга мурожаат қилиш имкониятлари ошишига олиб келади. Амалдаги Жиноят-процессуал қонунчилигида ишни судга қадар юритиш босқичида тарафлар мавжуд бўлсада, бироқ айблов тарафининг давлат томонидан тақдим этилган мутлақ ваколатларга эгаллиги, ҳимоя тарафи эса фуқаролик жамиятининг бир институти сифатида ҳуқуқ ва ваколатлар борасида айблов тарафи билан номуаносиб ҳолатда эканлиги билан фарқланади. Янгиланган Конституциямизда адвокатура учун алоҳида янги боб ажратилиши давлат томонидан айнан мазкур номуаносибликни баратараф этишга қаратилган қадам дея айта олишимиз мумкин.

### Ушбу ислохотлар натижасида:

шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий этилди;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига улар томонидан шахс ушланганидан сўнг унинг ушлангани ва ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларини ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбурият юклатилди;

ҳуқуқни чеклайдиган процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жумладан шахсни ушлаб туриш ҳолатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритиб бориш тартибига ўтилди;

ғумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан аризалар, тушунтиришлар ёки кўрсатувлар олиш фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилиши (бундан белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар мустасно) белгиланди;

ғумон қилинувчи ўзининг нимада ғумон қилинаётганлигини билиши; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланди;

ҳимоячи ишда иштирок этадиган ҳолатлар доираси кенгайтирилди (ЖПК 51-модда);

шу билан бирга, бугунги кунда жиноят ишини судларга айблов ҳулосаси (айблов далолатномаси) ва ҳимоячи фикри билан бирга тақдим этиш тартибини жорий этиш юзасидан қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

Ҳозирда мавжуд суд-тергов амалиётига мувофиқ, терговчи далил тўплаш мақсадида хоҳлаган шахсни, ҳаттоки ўша шахс тергов ҳибсхонаси ёки жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган бўлса ҳам, гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ, ҳимоячи ишга тааллуқли ахборотга эга шахсларни сўровдан ўтказиши ва ёзма тушунтиришлар олиши учун уларнинг розилиги талаб этилади. Бу эса айблов тарафининг ўз касбий фаолиятини амалга оширишида ҳимоя тарафига нисбатан юқори мавқега ва имкониятларга эга эканлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, ҳимоячининг самарали фаолият юритиши ва иш юзасидан етарлича далиллар тўплашидан терговчи ва прокурор кўп ҳолларда ўз касбий фаолияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб манфаатдор бўлмайди. Мисол учун экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ҳимоячини қизиқтирган ва иш юзасидан ҳолатни янада аниқлаштиришга қаратилган саволларнинг акс эттирилиши суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг хоҳишига боғлиқ эканлиги ҳимоячи фаолиятини қийинлаштиришга олиб келади, айблов тарафига эса ушбу ҳолат устунлик беради. Натижада ҳимоячининг муваффақиятли фаолият олиб боришида сунъий тўсиқлар юзага келади. Бу ҳолатни немис ҳуқуқшуноси Фердинанд Лассал таъбири билан ифодалайдиган бўлсак, "қонуний, асосланган ва адолатли суд ҳукмига эришиш учун прокурор юздан ошиқ полициячидан иборат бутун бошли команда билан ҳаракат қилса, адвокат бу йўлда ёлғиз ўзи ҳаракат қилади ва курашади".

Шу ўринда, ҳимоячининг айблов тарафи билан тенг имкониятлардан фойдаланиши учун судга мурожаат қилиши

орқали ўз имкониятларини кенгайтириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Аммо, амалда фаолият юритаётган судларга ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишувни назорат қилиш вазифасини юклаб бўлмаслигининг қатор омиллари мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича келтириб ўтамиз:

биринчидан, *Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг статистик маълумотларига кўра, республикада фаолият юритувчи адвокатлар ҳозирда 4 577 нафарга яқин бўлиб, Республикада фаолият олиб борувчи судьялар сони эса 1 300 нафардан ортиқни ташкил этади. Бундан ташқари, судлардаги иш ҳажмининг юқорилиги ҳам ишни судга қадар юритишда адвокатларнинг ҳар бир мурожаатини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш имкониятини бермайди;*

иккинчидан, *судьянинг айблов тарафи тўплаган далилларни баҳолашга киришиши жиноят ишини кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг ҳолислигига шубҳа туюлдиради. Шу сабабли ҳам ғумон қилинувчи (айбланувчи)ни қамоққа олиш асосларини белгиланган судья унинг айблилиги масаласини ҳал қилиши мумкин эмас;*

учинчидан, *судьянинг ишни судга қадар юритишдаги ҳар қандай ҳулосаси муайян даражада айбlilik масаласини ҳал қилади, бу эса келгусида ушбу шахсга нисбатан суд муҳокамаси жараёнида айбlilik масаласини ҳал этишда судьянинг бетарафлигига даҳл қилиши мумкин.*

Шу сабабли ҳам айнан ишни судга қадар юритишда тарафлар ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишлари ва процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун бу жараёнда ҳолислик ҳамда беғаразликни таъминловчи жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида тергов судьяси лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Тергов судьяси томонидан суд назоратининг амалга оширилиши ишни судга қадар юритишда ҳақиқий тортишув муҳитини яратди, негаки ҳимоячининг илтимосномасини энди ишни судга қадар юритувчи органлар ҳал қилмайди ва бу орқали кучлар мувозанати яратилади. Бу ўз навбатида, жиноят процессида ҳимоячи мавқеининг ошишига, унинг исботлаш жараёнида қатнашиш ҳуқуқини реал таъминлашга хизмат қилади.

Ҳулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳуқуқ доимий равишда ривожланиш ва тараққий этиш хусусиятига эга, шунга кўра тортишув тамойили амал қилиш доирасининг кенгаётганлиги ишни судга қадар юритиш босқичида ҳолисликни таъминловчи янги институт жорий этиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида суд-ҳуқуқ соҳасининг келгусидаги ислохотлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдумажидов Г. "Адолат даргоҳида" – Т., 2008.14-6.
2. Герасимова Т.Ю. "Проблемы реализации принципа состязательности на досудебных стадиях уголовного процесса"//диссертация на соискание ученой степени кан. юр. н/ Кубанский государственный университет Краснодар – 2017. стр.211/54.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори/ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07/19/4551/4162-сон/ <http://old.lex.uz/docs/4647329>
5. Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори... диссер. Тошкент. 2020. Б. 249.
6. "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг УРҚ-675-сон қонуни/ <http://old.lex.uz/docs/5295912>/ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/21/675/0126-сон
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 25-м. 18.02.2021 йилдаги ўзгаришлари билан, ҚҲММБ: 03/21/675/0126-сон. Lex.uz миллий қонунчилик базаси.

## АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ: ТАРИХ ВА БУГУН

*Туркий халқларнинг энг қадимий маданий, маънавий ва маърифий ёдгорлиги ҳисобланган “Авесто”да атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилган. Зардуштийлик таълимотида тўрт нарса: ер, олов, сув ва ҳаво шундай эъзозланганки, ҳавони булгаши, ифлослантириши, ҳайвонлар жасади у ёқда турсин, одамлар жасадини ҳам ерга кўмиши, сувга оқизиши, оловда ёқиши гуноҳи азим ҳисобланган. Бундай жиноятлар учун 400 қамчи уриб жазолаганлар ёки содир этилган жиноят оғирроқ бўлса, гуноҳкор ўлим жазосига маҳкум этилган. Жиноятчиларни катта жарима эвазига афв этиши ёки қул сифатида улардан жамоат ишларида фойдаланиши масалаларини Олий судья — Заратуштра Оқсоқоллар кенгаши вакиллари ва жамоанинг нуфузли аъзолари иштирокида бамаслаҳат ҳал қилганлар.*

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш зарурлиги шарқ мутафаккирлари таълимотларида ҳам ўзининг илмий-фалсафий, ҳуқуқий, бадиий ифодасини топган. Хусусан, Амир Темур бобомиз “Темур тузуклари”да шундай уқтиради; “Яна амр этдимки, кимки бирон бир саҳрони обод қилса ёки кориз курса ё бирон боғ кўкартурса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар”.

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистон Республикасида табиатни авайлаб-асраш, унга келтирилган зарар учун жавобгарликнинг белгиланиши бир неча минг йиллик тарихга эга.

Табиат бойликлари келтирилган зарар учун жиноий жавобгарликни назарда тутган энг биринчи меъёрий ҳужжат 1919 йили Самарқанд вилояти ижроия кўмитаси томонидан қабул қилинган “Сув қоидаларини муҳофаза қилиш тартиби тўғрисида”ги қарор ҳисобланади.

Қарорда сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун бир неча ойгача қамоқда сақлаш, бир неча кунлик қиска муддатли қамоқ, жарималар, навбатдаги суғориш учун сувдан маҳрум этиш, келтирилган зарарни бартараф қилиш мажбурияти (кесилган дарахтлар ўрнига кўчатлар ўтқазиш, ман этилган жойларда етиштирилган шоли маҳсулотини мусодара қилиш) каби чоралар кўрилган.

Қарорнинг алоҳида хусусияти шундаки, унда жиноят учун оммавий жавобгарлик назарда тутилган. Масалан, сув қоидаларини бузган шахс аниқланмаган тақдирда, юқорида кўрсатилган жавобгарликларнинг биттаси ушбу сувдан фойдаланувчи шахсларнинг барчасига қўлланилиши мумкин бўлган.

Қарорда қуйидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган: а) магистрал ёки гидротехник иншоотлар таъмири учун мўлжалланган сув ҳавзалари қирғоқларидаги дарахтларни ноқонуний кесиб ёки уларга зарар етказиши (бу дарахтлар қирғоқ бўйидан ташқарида бўлса ҳам); б) ноқонуний шоли экиши; в) каналлар бўйларини ва дамбаларини яйлов мақсадларида ишлатиши; г) рухсат этилмаган жойларда молларни суғориши; д) рухсат этилмаган жойлардан канални кесиб ўтиши ва молларни ҳайдаб ўтиши; е) каналлар бўйларига рухсатсиз дарахтлар экиши; ж) сув назорати муассасаларининг қонуний талабларига бўйсунмаслик;

з) хизмат вазибаларини бажараётган сув назоратини амалга оширувчи шахсга қаршилик кўрсатиши.

Бу қарор “Россия Федерацияси Туркистон республикасида сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги махсус қонун қабул қилингандан кейин бекор қилинган.

Юқорида кўрсатилган икки қонуннинг ўзига хос томони шундан иборатки, уларда фақатгина сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Бошқа табиат объектларига (ер, атмосфера, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) келтирилган зарар учун жавобгарлик масаласи қонунга киритилмаган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликнинг кейинги ривожини Жиноят қонунининг кодификацияланиши билан боғлиқдир. ЎзССР ҳудудида РСФСРнинг биринчи Жиноят кодекси (1922 йилги) амалда бўлган.

Кодексда биз тадқиқ қилаётган жиноятларнинг икки тури учун жавобгарлик белгиланган эди. Демак, Жиноят кодексининг 99-моддасида (“Давлатга қарши жиноятлар” боби, “Бошқариш тартибига қарши жиноятлар” бўлими) ўрмонлардан ваҳшийларча фойдаланиш ва уларни нобуд бўлишдан муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинган қонунлар ва қарорларни бузиш, шунингдек, белгиланган тартибни бузган ҳолда ўрмон хўжалигини юритиши; рухсат этилмаган вақтда, рухсат этилмаган жойларда ва рухсат этилмаган услуб ва усуллар билан ов қилиш ва балиқ овлаш, ҳокимиятнинг рухсатисиз тош, қум олиш, белгиланган қоидаларни бузиб ер ости бойликларини қайта ишлаш каби ҳаракатлар учун жавобгарлик кўзда тутилган. Жиноят кодексининг 216-моддасида ҳайвонларнинг юкумли касалликлари ва қирилиб кетиши ҳолатлари тўғрисида маълум қилиши шарт ҳисобланган шахсларнинг бу тўғрисида ахборот бермаганлиги учун ҳам жазо назарда тутилган. Бу жиноят аҳоли саломатлигини, жамоат ва оммавий тартибни сақлашга қаратилган қоидаларни бузиш билан боғлиқ суиқасд деб тан олинган.

Ўша даврда табиатни муҳофаза қилиш бўйича жиноят ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизимини яратиш масаласи кун тартибига турмаганлиги туфайли 1922 йилги Жиноят кодексининг камчилиги шундан иборат бўлдики, унда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги меъёрлар ҳар хил болларга жойлаштирилган.

1926 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилинган.

Бу кодекснинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини қамраб олиш даражаси ниҳоятда тор эди. Тадқиқ этаётган жиноятлар кодекснинг ҳар хил бобларида жойлаштирилган. Уларда тирикчилик манбаи бўлмиш табиат объектларини жиноят ҳуқуқий муҳофаза қилишга қонуний – ҳуқуқий нуқтаи назардан ёндашилмади.

1960 йил 1 январдан кучга кирган ЎзССР Жиноят кодексига ҳам аввалги жиноят кодексларидаги каби атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутилган меъёрлар асосан саккизинчи “Хўжалик жиноятлари” ва ўнинчи “Жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши жиноятлар” бобларига киритилган.

Бу кодекс 1926 йилги кодексга нисбатан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича кўпроқ қоидаларни ўз ичига олди.

Меъёрлар доирасининг кенгайиши шунга боғлиқки, инсонлар хўжалик фаолиятининг кенгайиши ва антропоген таъсирларининг кучайиши натижасида атроф-муҳитга назорат қилиб бўлмайдиган хавф туғилишини англай бошладилар.

1957-1963 йиллар давомида барча иттифоқдош республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам 1959 йил 19 ноябрда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” қонун қабул қилинди. Бу қонун табиатдан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Лекин у ўша давр учун зарур бўлган экологик муаммоларнинг моҳиятини ва илмий-техник тараққиётнинг табиатга салбий таъсирини тушуниб етиш даражасига чиққани йўқ. Унда экологик ҳуқуқбузарликларнинг хавфлигига энг аввало табиатдан оқилона фойдаланмаслик оқибатида келтирилган иқтисодий зарарлар нуқтаи назаридан келиб чиқиқ қаралди. Кодекс кучга киргандан сўнг бир йил ўтмасдан унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритила бошланган.

1961-1975 йиллар оралиғида Жиноят кодексининг саккизинчи бобида куйидаги қўшимчалар киритилган: ўрмон дарахтларини ноқонуний кесиш (182<sup>1</sup>-модда), овланган мўйнали ҳайвонлар териларини топшириш қоидаларини бузиш (184<sup>1</sup>-модда), захарли кимёвий моддаларни қўллаш қоидаларини бузиш (188<sup>1</sup>-модда), ерга давлат эгалиги ҳуқуқини бузиш, ерлардан хўжасизларча фойдаланиш (191<sup>1</sup>-модда). Ўнинчи боб эса 215<sup>1</sup>- (сув ҳавзаларини, ҳаво ва тупроқни ифлослантириш) моддаси билан тўлдирилган. 184-модда (ноқонуний ов қилиш), 189-модда (ветеринария қоидаларини бузиш), 182-моддаларига (экинзорларни пайхон қилиш) каби ўзгартиришлар киритилган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликнинг кучайишига таъсир кўрсатган сабаблардан яна бири 50-70 йиллар оралиғида СССРнинг ушбу соҳадаги бир неча Халқаро Конвенцияларга қўшилишидир. 1954 йили Совет Иттифоқи денгизни ифлослантиришнинг олдини олиш тўғрисида халқаро конвенцияни (1962-63 йй. тузатишлар билан), 1973 йили эса денгиз сувларини кемалардан, платформалар ва денгизда қурилган бошқа иншоотлардан ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича конвенцияни имзолаган. Шу боис денгиз сувларини ифлослантириш билан боғлиқ хавфли ҳаракатлар тегишли моддалар билан тўлдирилган (ЎзССР Жиноят кодексининг 215<sup>2</sup>, 215<sup>3</sup> ва 215<sup>4</sup>-моддалари).

Юқорида қайд этилганидек, 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексига ҳам табиатни муҳофаза қилишга оид жиноятлар турли бобларда жойлаштирилган эди.

Жиноят кодексининг бундай тизимини шу пайтдаги иттифоқ республикаларининг барчасида учратиш мумкин эди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар бўйича тадқиқотлар олиб борган кўпгина олимлар ўша даврлардаёқ бу моддаларни бир бобга жойлаштириш керак, деган фикрни билдирганлар. Лекин, бу таклиф қонун чиқарувчи органлар томонидан эътиборга олинмаган.

Шу каби ва бошқа камчиликлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан кейинги биринчи Жиноят кодексига (1994 йил) бартараф қилинди.

Кодексда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид халқаро меъёрларни ҳисобга олишга катта эътибор берилган. Шу нуқтаи назардан Жиноят кодексига 194, 196, 201, 202, 204-моддалар киритилган.

Умуман олганда, мустақилликдан кейинги Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодексига экология соҳасидаги жиноятлар учун алоҳида IV бўлим ажратилган. Бу эса ушбу соҳадаги жиноятларга қарши курашнинг долзарблигини кўрсатиб қолмасдан, балки Жиноят кодекси меъёрларидаги чалкашликларни бартараф қилишга, криминаллаштиришга ва санкцияларни мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

**Сапаргул УТЕМУРАТОВА,**

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Уголовный кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики (по состоянию на 1 ноября 1954 года). -Т.: ГОСИЗДАТ. 1954.-С.119.
2. Уголовный кодекс Узбекской ССР:С изм. и доп. на 1 окт. 1988 г. Принят 11 сессией Верх. Совета УзССР пятого созыва. 21 мая 1959 г. -Т.: Узбекистан. 1988.
3. Ведомости Верховного Совета УзССР.1959., № 12, ст. 6.
4. Ведомости Верховного Совета УзССР, 1961, №36, ст. 12, 1970, №4, ст. 24, 1971, №19, ст. 145, 1975 №22, ст. 333, 1980, №32, ст. 529, 1983, №1, ст.1, 1982, №28, ст.28.
5. Швеков Г.В. Первый Советский уголовный кодекс. -М.: Изд-во “Высшая школа”.1970. -С.159.
6. Окорокова Л.Я. Становление и развитие советского природоохранительного законодательства. Воронеж. 1972. -С.16.
7. Сперанская Л.В. Междуродно-правовая охрана морской среды. -М.: Наука.1978.-С.107-121.
8. Худайбердиев А. Правовая охрана природы в Узбекистане. -Т.: Узбекистан. 1984. -С.13.
9. Эффективность юридической ответственности в охране окружающей среды. -М.: Наука.1985.-С. 131.
10. Қаранг: Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алауддин Мансур. -Т.:Чулпон.1992.-Б.71,79-80.
11. Шадиметов Ю.Ш. Региональные проблемы социальной экологии. -Т.:Узбекистан. 1992. -С.8.
12. Джалилов М.Д., Рустамбаев М.Х., Якубов А.С. Концепция законодательства Республики Узбекистан о преступлениях и наказаниях. -Т.: Высшая школа МВД РУ.1994.-С.3.
13. Темур Тузуқлари. Форсчадан А. Соғуний ва Х. Караматов тарж.-Т.: Ф.Фулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. -Б.344.
14. Жевлаков Э.Н. Экологические преступления и экологическая преступность. -М.: Белые альвы.1996.-С.7.
15. Хасанов С. “Овесто”-ҳуқуқ манбаи //Мулоқот. 1999.№ 1. -Б.51.
16. Қаранг.:Бердимуратова А.К. Философско-методологический анализ экологического кризиса на пороге XXI века (на материалах Приаралья). -Т.:ФАН.1999. -С.11-20.
17. Н.А.Лопашенкога хавола. Қаранг.:Лопашенко Н.А. Экологические преступления: Комментарий к главе 26 УК РФ. -СПб.:Изд-во “Юридический центр Пресс”. 2002. -С.18-19.
18. ЦГА. УзССР, Ф. 218, оп. 1. д. 24. л. 18-177.

## БАЪЗИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасида “Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт. Суд ҳужжатини ижро этмаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади”, деган қоида мустақамланган.**

Бирок, амалиётда суд ҳужжатларини ўзбошимчалик билан ижро этмаслик, жумладан муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш ҳолатлари учраб туради.

МДҲ давлатлари ва баъзи хорижий мамлакатлар қонунчилигида суд ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жавобгарлик масалаларини ўрганиш мамлакатимиз қонунчилигида ушбу жинойт учун жавобгарлик белгиланган меъёрларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Жумладан, Қозоғистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг 430-моддаси “Суд ҳукми қарори ёки бошқа суд ҳужжати ёинки ижро ҳужжатини бажармаслик” деб номланади. Ушбу моддада:

*Қонуний кучга кирган суд ҳукми қарорини ёки бошқа суд ҳужжатини ёинки ижро ҳужжатини олти ойдан ортиқ ижро этмаслик, шунингдек унинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш;*  
– уч йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

Ўша қилмишлар, мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса:

– уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бирга беш йилгача маълум бир мансабни эгаллашни ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни тақиқлаш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн минг бараваридан ортиқ суммани ундириш билан боғлиқ суд ҳужжатини ижро этмаслик шунингдек ижро этилишига тўсқинлик қилинса:

– беш йилдан етти йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бирга беш йилгача маълум бир мансабни эгаллашни ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни тақиқлаш билан жазоланади, деб белгиланади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар жиноят қонунчилиги деярли бир-бирига яқин бўлсада, лекин ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Россия Федерацияси ЖКнинг 315-моддасида суд ҳукмлари, суд қарорлари ёки бошқа суд ҳужжатларини атайин ижро этмаганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, жавобгарлик шартли сифатида қонуний кучга кирган суд ҳужжатини ижро этмаслик кўрсатилган.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 358-моддаси талабларига мувофиқ, қонуний кучга кирган суд ҳукми, суд ажрими ва қарорлари барча давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахс ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 353-моддаси “Суд ҳужжатини ижро этмаслик” деб номланиб ушбу модда битта қисмдан иборат. Яъни, мансабдор шахс томонидан қасддан қонуний кучга кирган суд ҳукми, қарори ёки бошқа суд ҳужжатини ижро этмаслик ёхуд ижро этишга тўсқинлик қилиши ушбу жиноят учун жавобгарликни келтириб чиқаради.

Мазкур моддада жиноятнинг субъекти сифатида фақат мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлиги кўрсатилган бўлиб, бу жиноят учун жазо тури энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача жарима ёки бир ойдан уч ойгача қамоқ ёхуд икки йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Қатор Европа давлатлари жиноят қонунчилигида ҳам шундай нормалар мавжуд. Масалан, Польша Жиноят кодексининг 30-боби одил судловга қарши жиноятлар деб номланиб, ушбу бобнинг 244-моддасида кимки суд томонидан таъқиқланган маълум бир мансаб, фаолият тури билан шуғулланса, фаолиятни амалга ошириш ёки транспорт воситаларини бошқаришни таъқиқлаш ҳақидаги қарорини ёхуд суд ҳукмини унда кўрсатилган усулда эълон қилишни ижро этмаса уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси билан жазоланади деб белгилаб қўйилган.

Испания Жиноят кодексининг 315-моддасида суд ҳужжатини ижро этмаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга мувофиқ ваколатли суд органлари қарорлари ёки суд қарорларига тенглаштирилган қарорнинг бажарилишига тўсқинлик қилган мансабдор шахс ёки давлат хизматчисининг жиноий жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Испания Жиноят кодекси мазкур моддасининг ўзига хослиги шундан иборатки унда нафақат суд қарорини бажаришга тўсқинлик қилиш билан бирга суд қарорларига тенглаштирилган бошқа ҳужжатларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиш учун ҳам жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда, хусусан Қозоғистонда мавжуд бўлган ижобий тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 232-моддаси 1-қисмини қуйидаги янги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбурияти юкловчи суд ҳужжатини жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида бажаришдан бўйин товлаш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Бу масаланинг қонунда аниқ белгилаб қўйилиши суд ҳужжатларини аниқ бир муддатда бажарилишига замин яратади.

**Сайфилло РАМАЗОНОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

# КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

**Коррупция ҳақида баҳс кетар экан мутахассислар унинг келиб чиқиш сабабларини бир қанча омилларга боғлайдилар.**

Биринчиси – иқтисодий сабаблар. Коррупциянинг бу кўриниши ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни бевосита маъмурий йўл билан бошқаришга интилган ҳокимият ва бюрократиянинг мавқеи баланд бўлган давлат шароитида ривож топади. Иқтисодий фаолиятга нисбатан ўрнатилган турли хилдаги чекловлар, амалдорларнинг кенг, назоратдан холи, чекланмаган ёки рухсат бериш, ёки тақиқлаш ваколати коррупцияга замин яратади. Шу билан боғлиқ ҳолда, йирик маблағларга эга бўлган айрим ишбилармонлар ўз даромадларини кўпайтириш мақсадида ва рақобатда алоҳида имтиёзларга эга бўлиш учун ҳукумат амалдорларини пора эвазига сотиб олиб, уларни ўз ихтиёрларига бўйсундиришга интиладилар.

Иккинчиси – ҳуқуқий сабаблар. Коррупциянинг ривожини қонунларнинг сифатига боғлиқ. Қонунлар ишламайди ва айримлар бундан усталик билан фойдаланадилар.

Учинчиси – институционал сабаблар. Уларга аввало, давлат бошқаруви тизимидаги нуқсонлар, демократик институтларнинг кучсизлиги, шунинг натижасида, ҳукумат фаолиятининг ёпиқлиги ёки фуқаролик назоратидан холилиги киради.

Тўртинчиси – ижтимоий сабаблар ёки жамиятдаги муҳит, аҳолининг ҳуқуқий билими, маданият даражаси, маънавияти, уюшқоқлиги ва жамоат фаоллиги пастлиги каби омиллардир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун турли хил жиноий жазолар белгиланган. Хусусан, пора олиш, пора бериш ва пора олди-берди-сида воситачилик қилиш тегишли ҳолатлар мавжуд бўлганида, энг кўпи 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисида “Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди ва Сенат томонидан қонун маъқулланди. Энди ушбу жиноятларда айбдор деб топилганлар жазо муддатидан илгари озод қилинмайди ва энгил жазога алмаштирилмайди.

Таъкидланишича, Жиноят кодекси “коррупцияга оид жиноятлар” деган янги атама билан тўлдирилиб, унга кўра кодекснинг тегишли моддалари, қисми ва бандларида назарда тутилган қилмишлар коррупцияга оид жиноятлар деб топилди ушбу жиноятлар учун жазони кучайтириш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун билан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига киритилаётган ўзгартиришлар орқали ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш, фирибгарлик, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш учун ҳукм қилинган, бироқ жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга ҳамда пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш

ва жазони энгилроғи билан алмаштириш каби нормалар қўлланилмайди.

Қонун билан Жиноят кодексига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда:

**1) “коррупцияга оид жиноятлар” тушунчасига таъриф берилиб, унга кўра қуйидаги белгиларга эга 16 та турдаги жиноятлар бу туркумга киритилмоқда:**

➤ мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш (167-модда);

➤ хизмат мавқеидан фойдаланиб, фирибгарлик қилиш (168-модда);

➤ ғаразгўйлик мақсадида содир этилган ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги (192–11, 205, 206, 208, 209-моддалари);

➤ пора олиш, бериш, воситачилик қилиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (192–9, 192–10, 210, 211, 212, 213, 214, 301, 243-моддалар);

**2) коррупцияга оид жиноятлар учун жазо чоралари янада кучайтирилмоқда, хусусан:**

➤ ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш (167-модда) ёки фирибгарлик жиноятларини (168-модда) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш қилмишлари тегишли модданинг оғирроқ қисми билан малакаланиб, мазкур қилмишлар учун 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмоқда (амалдаги қонунда 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган);

➤ жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятлари учун (210–212-моддалар) жазо чоралари кучайтирилиб, 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда (амалдаги қонунга кўра, 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган).

➤ ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги жиноятлари (205–209-моддалар) “ғаразгўйлик” ниятида содир этилгандагина коррупциявий жиноят ҳисобланиши белгиланиб, оғирроқ жазо чоралари назарда тутилмоқда (180 млн сўмгача жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш);

➤ нодавлат тижорат ташкилотининг хизматчисини ёки давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёхуд фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш ёки уларнинг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкрий манфаатдор бўлиши жиноятлари учун (192–10, 192–11, 213 ва 214-моддалар) жазо чоралари кучайтирилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазо чоралари билан тўлдирилмоқда.

**Отабек ЭСАНОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



# ИҚТИСОДИЙ СУДДА ДАЛИЛЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Иқтисодий ишларнинг судда кўрилишида далилларни таъминлаш иқтисодий процессуал ҳуқуқидаги энг муҳим ва зарурий институтлардан бири саналади, чунки иш бўйича суд қарорларини қабул қилишда унинг аҳамияти муҳим ўрин тутаети.**

Даъвони таъминлашга, агар шундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжатининг ижросини қийинлаштириши ёхуд бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади.

Илгари амал қилган ИПК ва амалдаги Иқтисодий процессуал кодекси далилларни таъминлаш тартибини тавсифлашда далиллар билан таъминлаш белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади, деб кўрсатиб ўтган. Шу билан бирга, илгариги ИПКда ишда иштирок этувчи шахсларни чақириш билан суд муҳокамасида далилларни таъминлаш масаласи ҳал қилиниши белгиланган (уларнинг келмаслиги аризани кўриб чиқишга тўсқинлик қилмаган). Бундай қоидаларни даъвони таъминлаш қоидалари сифатида тушуниш мумкин эмас.

Амалдаги ИПКни тайёрлашда қонун ижодкорлари далилларни таъминлаш тартибига бошқа хавфсизлик чораларини қўллашни назарда тутувчи қоидаларни кенгайтиришга ҳаракат қилган. Бироқ, битта процессуал институт доирасида турли меъёрларнинг бундай бирлаштирилиши далилларни тақдим этиш механизмининг ишлаш хусусиятларидан келиб чиқадиган муаммоларнинг аксариятини бартараф этмади.

Биринчидан, ишда иштирок этаётган барча шахслар, истисносиз, ИПК 93-моддасининг биринчи қисми уларнинг ҳар бирига ўз позициясини қўллаб-қувватловчи далилларни тақдим этиш ҳуқуқини берганлиги сабабли, далилларни таъминлаш учун ариза бериш ҳуқуқига эга.

Иккинчидан, ҳар қандай тоифадаги ишларни кўриб чиқишда далилларни тақдим этиш механизми ишлаши керак. Чунки, иқтисодий суднинг ҳар қандай қарори тақдим этилган далиллар асосида қабул қилинади.

ИПКнинг 276-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, апелляция суди, агар ишда иштирок этувчи шахс асосли сабабларга кўра уларни биринчи инстанция судига тақдим этишнинг иложи йўқлигини оқлаган бўлса, кўриб чиқиш учун қўшимча далилларни қабул қилади ва суд ушбу сабабларни тан олади. Кўришиб турибдики, апелляция судига юборилган далилларни тақдим этиш тўғрисидаги аризада биринчи инстанция судига далилларни тақдим эта олмаслик сабаблари тўғрисида ариза берувчининг тушунтирилиши бўлиши керак. Кассация ва назорат инстанциялари судлари, ишда мавжуд бўлган далиллардан ташқари бошқа далилларни ҳисобга олмаганликлари сабабли, далилларни таъминлаш учун аризаларни кўриб чиқмасликлари лозим.

Далилларни тақдим этиш тўғрисидаги қарорни бажариш ҳам айрим муаммоларга дуч келади. ИПКнинг 90-96-моддалари белгиланган қоидаларга мувофиқ далилларни тақдим этишни белгилайди (даъвони таъминлаш). Ўз навбатида, даъво таъминлаш ижро иши юритиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Бундай ёндашувнинг ноаниқлиги жараён иштирокчилари томонидан иқтисодий процессуал қонунчиликдаги муаммолардан бири сифатида қайд этилган.

Даъвони таъминлаш ва далилларни таъминлаш иккита мустақил процессуал институтдир; биринчиси даъво тушунчаси орқали, иккинчиси далиллар орқали аниқланади. Амалдаги ИПК бўйича далилларни тақдим этиш тартибининг намунаси сифатида И.В.Решетникова қуйидаги мисолни келтиради. Судья, масалан, гувоҳни сўроқ қилиш тўғрисидаги аризани далил сифатида кўриб чиқаети. ИПК томонидан судья гувоҳни ўзи сўроқ қила олмайди, чунки далилларни тақдим этиш даъвони таъминлаш қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши керак, бу эса ўз навбатида ижро процессига тегишли. Бинобарин, судья далилларни таъминлаш тўғрисида қарор ва ижро варақасини чиқаришга мажбур бўлиб, суд ижрочиларига тақдим этади.

Ўз навбатида, суд ижрочилари ўзларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги ва ижро жараёнлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан гувоҳни сўроқ қилиш (гувоҳлик беришдан бош тортганлик ва қасддан ёлгон гувоҳлик бериш учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда), ашёвий ва ёзма далиллар кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш каби процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмаслар. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-II-сон қонуни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартибини назарда тутмайти.

Далилларни тақдим этиш функцияларини иқтисодий судлардан бошқа органларга ўтказиш мумкин. Мисол учун кўп йиллар давомида нотариал тартибда далилларни судгача тақдим этиш амалиёти қўлланилган ва иқтисодий суд процесси учун далилларни тақдим этишда ҳам қўлланилиши мумкин.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки:**

**биринчидан,** Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал қонунчилик назариясини ривожлантириш мақсадида “даъвони таъминлаш” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: “Даъвони таъминлашда процессуал талаблар мажмуига амал қилган ҳолда иш юритиш судьялар кўрадиган тегишли чоралардир”;

**иккинчидан,** даъвони таъминлаш турлари ҳақидаги ҳолатларни бойитиш ҳамда иқтисодий процессда далилларни таъминлашнинг муҳим аҳамиятга эгаллигини инобатга олиб, ИПК 8-бобида далилларни таъминлаш турларини тавсифлаган ҳолда аниқ кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида даъвони таъминлаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади;

**учинчидан,** иқтисодий процессуал қонунчилик амалиёти-ни кенгайтириш шунингдек суд амалиётида корпоратив низоларга оид ишлар бўйича мавжуд айрим муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ИПКда даъвони таъминлашда йиғилиш қарорлари ҳақидаги меъёр киритилиши таклиф қилинади.

**Хуришд УМАРОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА КЎРСАТМАЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

**Мавзу юзасидан кўрсатувларни депонирования қилиш институти бўйича халқаро тажрибаларни ўрганганимизда ушбу давлатларда мазкур масалага турлича ёндашув мавжудлиги маълум бўлди.**

Хусусан, Эстония Жиноят-процессуал кодексининг 69<sup>1</sup>-моддасига биноан прокуратурага айбланувчи ёки ҳимоячи депонирования қилишни сўраб илтимоснома киритиши мумкин, агар жиноят-процессининг предмети қасддан содир этилган жиноят бўлса ва унга нисбатан камида уч йилга озодликдан маҳрум этиш қамоқ жазоси қўллаш назарда тутилган бўлса, дастлабки тергов судьяси томонидан жиноят-процессда гувоҳ бўлиб иштирок этаётган шахсни сўроқ қилишни сўраши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Жиноят ишини кўриб чиқиш пайтида гувоҳни кейинчалик сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда ёки гувоҳга нисбатан ёлгон кўрсатма бериш таъсири ўтказилиши мумкин деган хулосага келинса, суд томонидан илтимоснома қондирилади. Агар, суд илтимоснома асоссиз деб топиб қарор қабул қилса, бунда қарорда рад этиш сабаблари кўрсатилади ва қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам берилди.

**Мавзу бўйича қуйидаги фикрларни айтиб ўтиш лозим:**

биринчидан, жиноят процессига кўрсатувларини депонирования қилиш муддатларини киритиш лозим. Улар жиноят процессини олиб борувчи шахсларнинг фаолиятини тартибга солади, иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим қафолати бўлиб хизмат қилиши мумкин;

иккинчидан, ЖПКнинг 53-моддасида ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари берилиб, унга кўра ҳимоячи ЖПКнинг 87-моддасига биноан далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкинлиги айтилган. Бироқ, ЖПК маълум бир шахснинг ҳимоячиси томонидан сўровлар, тушунтиришларни рўйхатдан ўтказишнинг процессуал шаклини ўрнатмаган. Демак, ҳимоячи сўров ўтказиш, тушунтиришлар олиши мумкин. Аммо, бундай сўров натижаларини қайд этган ҳужжат амалда далил бўлиб ҳисобланмайди, бунинг учун ҳимоячи процессуал тартибда судга қадар иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга,

илтимоснома киритиш тўғрисида мурожаат қилиши керак бўлади. Бизнинг фикримизча, ҳимоячига кўрсатувларни депонирования қилиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқ, шунингдек ҳимоячи томонидан олинган фактларнинг қонунийлаштирилишига жиноятни фош қилиш жараёнининг мустақил усули сифатида қаралиши тўғри деб ўйлаймиз;

учинчидан, жабрланувчи ва ҳар қандай гувоҳларга нисбатан таҳдид кўрсатиш ҳоллари мавжуд бўлгандагина (хавфсизлик нуқтаи назаридан, яъни соғлиги, ҳаёти, мол-мулкига, яқин кишиларга таҳдид ёҳуд бошқа зурарат ҳолатларида), кўрсатувларини депонирования қилиш тўғрисида илтимосномани кўриш;

тўртинчидан, фақат кўрсатувларни депонирования қилиш бўйича суд босқичи доирасида олинган фактларгина далил сифатида қабул қилиниши лозим. Ушбу ҳолат унга ишнинг фактик томонини аниқлашга ва жиноят қонунларини қўллашга имкон беради;

бешинчидан, нафақат жабрланувчи, гувоҳ ва фуқаровий даъвогарга кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш (депонирования) ҳуқуқи берилиши керак, балки гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчиларга ҳам бундай ҳуқуқ берилиши мақсадга мувофиқдир;

олтинчидан; ЖПКда ҳимоячи томонидан сўровлар, тушунтиришларни рўйхатдан ўтказишнинг процессуал шаклини ўрнатиш;

еттинчидан, кўрсатувларни депонирования қилишида гувоҳ ёки жабрланувчини ёлгон кўрсатма берганлиги учун огоҳлантириш ва жавобгарликка сабаб бўлишини тушунтириш;

саккизинчидан, вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини депонирования қилишни кечиктирмаслик;

тўққизинчидан; кўрсатувларни депонирования қилиш юзасидан судьянинг ваколатларини белгилаш;

ўнинчидан, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатувларини депонирования қилишида тарафларнинг ҳуқуқларини чекламаслик;

ўн биринчидан; кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш учун фактик асос мавжуд бўлганда, яъни шахснинг оғир ҳасталиги (шифокорнинг хулосаларини иш материалларига илова қилиш лозим), таҳдид (иш материалларига видео ва аудио ёзувларни илова қилиш лозим), турар жойини аниқлаш имкони йўқлиги, мамлакат ҳудудидан четга доимий яшаш учун, узоқ ёки номуайян муддатга чиқиб кетганлиги тўғрисида (тегишли идора маълумотномаларни иш материалларига илова қилиш).

**Илёс БОЛТАЕВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



## ОДИЛ СУДЛОВДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ, АЙБЛАНУВЧИ ВА СУДЛАНУВЧИНING ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятлари ЖПКнинг 46-моддасида назарда тутилган. Эълон қилинган айблов бўйича кўрсатув бериш айбланувчининг ҳуқуқи, шу сабабли эълон қилинган айблов бўйича кўрсатув беришдан бош тортган тақдирда, у жиноий жавобгар бўлмайди.**

Яна бир ҳимоя ҳуқуқи субъектларидан саналган гумон қилинувчи ЖПКнинг 47-моддасига кўра, “Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир”.

Унинг ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятлари Жиноят-процессуал кодексининг 48-моддасида назарда тутилган. Гумон қилинувчи ҳам айбланувчи каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Қонунга кўра гумон қилинувчи зиммасига кўрсатувлар бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Ҳимоя ҳуқуқи субъектларидан яна бири судланувчи бўлиб, у биринчи инстанция ва юқори инстанция суди мажлисларида иштирок этиш, рад қилиш, суд ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш, илтимосномалар қилиш ва далиллар тақдим этиш, суд мажлиси баённомаси билан танишиш, иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш, охириги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Судланувчининг суд қақирувига биноан ҳозир бўлиши, суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги, танланган эҳтиёт чоралари талабларини бажариши, суд ажримларининг ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги ва суд мажлисида тартибга риоя этиши каби мажбуриятлари ҳам белгиланган.

**Жиноят иши доирасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиши унинг ҳуқуқи ҳисобланади. Шу сабабли, у иш юритувнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечиши мумкин. Ҳимоя ҳуқуқидан воз кечишга имкон бермайдиган айрим ҳолатлар Жиноят процессуал кодексининг 51-моддасида белгилаб берилган.**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топашга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 23-моддасига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши белгиланган.

Айбсизлик презумпцияси тамойили инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нуфузли халқаро ҳужжатларга асосланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти 14-моддасининг иккинчи қисмида “Жиноят

содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс қонунга мувофиқ айбдорлиги исботлангунга қадар айбсиз ҳисобланади” деб белгиланган.

**Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мазкур масалалар энди мамлакат бош қомуси даражасида мустаҳкамланди. Унга кўра Конституциянинг 27-моддасига жиноят қонунчилигига оид қатор ўзгаришлар киритилди. Эндиликда:**

■ **ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас;**

■ **ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас;**

■ **шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт.**

**Шунингдек шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кучлироқ таъминлаш мақсадида Бош қомуснинг 28-моддасига ҳам қатор ўзгартиришлар киритилди. Хусусан:**

🔗 **жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади;**

🔗 **айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бар-тараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак;**

🔗 **гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин;**

🔗 **ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас;**

🔗 **агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топиллиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.**

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши жиноят-судлов ишларини юритишда энг муҳим вазифаларидан биридир. Жиноят ишларини жиноят процессуал Кодексидан назарда тутилган тартибда амалга ошириш гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқларини амалга оширишининг муҳим кафолати ҳисобланади.

**Шерали ҚОДИРОВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ МУНОСАБАТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИ ОБЪЕКТЛАРИ НИСБАТИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

**Фуқаролик ҳуқуқи тизимида марказий ўринлардан бирини фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари объектлари институти эгаллайди. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объектининг расмий таърифи фуқаролик ҳуқуқи назариясида энг кўп муҳокама қилинадиган ва баҳс юритиладиган масалалардан ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти муаммолари билан М.М. Агарков, С.С. Алексеев, Э.Р. Бирлинг, О.С. Иоффе, Я.О.Халфин каби олимлар ўз тадқиқот ишларида шуғулланган.**

Маълумки, ҳуқуқнинг асосий қадрияти ижтимоий муносабатларни тартибга солишдир. Қонун устуворлиги ва ижтимоий муносабатларнинг ўзаро таъсири бевосита ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари, уларнинг онги ва иродаси орқали амалга оширилади. Бунинг асосий сабаби ҳуқуқий таъсир фақат унга кўрсатилиши мумкин деб қаралади. Демак, қонун билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларни ташкил этувчи улар иштирокчиларининг "ихтиёрий муносабатлари" ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига фуқаролик ҳуқуқи объектлари белгилаб қўйилган бўлса-да, фуқаролик ҳуқуқи муносабатларининг объекти ҳақида маълумот берилмаган. Ушбу тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигига келсак, бу тушунчаларни аниқлаш ёки уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида кўплаб мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, В.А. Беловнинг фикрича, субъектив ҳуқуқ объекти фақат ҳуқуқий муносабатлар объектининг таркибий қисми сифатида киритилиши мумкин ва шунинг учун иккинчиси субъектив ҳуқуқ объектидан бироз каттароқ бўлиши керак.

Шу билан бирга, ушбу муаммони ҳал қилишда ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни субъектив ҳуқуқлар ва ҳуқуқий мажбуриятлардан иборат эканлигидан келиб чиқиш керак. Тавсифлайдиган бўлсак, субъектив ҳуқуқ объекти бир вақтнинг ўзига ҳуқуқий мажбурият объектини ифодалайди, у ўзининг бирлигида ҳуқуқий муносабатлар объектидан бошқа нарса эмас. Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, "фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти" ва "фуқаролик ҳуқуқлари объекти" тушунчаларини бир хил деб ҳисоблаш лозим. Ҳуқуқий муносабатлар (ҳуқуқлар) объекти тоифасининг мазмунини аниқлашда шуни таъкидлаш керакки, фанда ҳуқуқ ва ҳуқуқий муносабатлар объекти (субъекти) тўғрисида ягона тушунча мавжуд эмас, шунинг учун ҳам турли ҳодисалар ва шаклланишлар, объектив воқелик фактларидан руҳий тартибли ҳодисаларгача объект деб тушунилади. Ҳуқуқий муносабатлар объектининг барча хилма-хил назарияларини ҳуқуқий муносабатлар объектларининг кўплигини тан оладиган **плюралистик** ва муаллифлари ҳуқуқий муносабатларнинг ягона объекти ҳақидаги фикрини ҳимоя қиладиган **монистик** каби иккита асосий йўналишга бирлаштириш мумкин.

"Объект-хулқ-атвор" ва "объект-нарса"нинг иккита энг машҳур назариялари монистик йўналишга тегишли ҳисобланади. Ушбу назариялардан биринчисининг энг муҳим тарафдорлари орасида унинг асосчиси Й.М.Магазнер, О.С.Иоффе, Д.Н.Генкин ва бошқа ҳуқуқшуносларни келтириш мумкин. Ушбу муаллифлар ҳуқуқий муносабатлар мазмуни нуқтаи назаридан унинг субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ичига олади, бунинг натижасида мажбуриятли шахснинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклидаги хатти-ҳаракати ҳуқуқбузарлик объекти сифатида қаралиши керак, деб ҳисоблашган.

Объект-ҳаракат концепциясининг маълум бир хусусияти Д.М.Генкин назариясида мавжуд бўлиб, унга ҳуқуқий муносабатлар ўз мазмунига кўра бундай иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ичига олади, объект эса – ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш бўйича ҳаракатлар ҳисобланади дея таъриф берган. Бу объектдан ташқари у ҳуқуқий муносабатларнинг предметини ҳам ажратиб кўрсатади, улар нарсалар, маънавий ижод маҳсуллари, шунингдек, ҳаракатнинг ўзи бўлиши мумкин.

М.М. Агарковнинг фикрича, "ҳуқуқ объекти - бу мажбурий шахснинг хатти-ҳаракати нимага қаратилганлиги, биринчи навбатда, нарсадир". С.Н.Братус объектни кўриб чиқишда биринчи навбатда амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиқиши керак, шунинг учун ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни унинг иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари, объекти эса нарсалардир, деб ҳисоблайди. Мажбуриятларнинг ҳуқуқий муносабатларида ҳеч қандай нарса бўлмаган ҳолларда, у объектсиздир. Бироқ, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида нафақат объектлар - нарсалар пайдо бўлишидан келиб чиққан ҳолда, тегишли тушунча етарли даражада ишонарли эмас. Бундан ташқари, ҳуқуқнинг умумий назариясида ҳам, фуқаролик ҳуқуқида ҳам объектсиз ҳуқуқий муносабатлар бўлиши мумкин эмаслигига шубҳа йўқ.

Г. Ф. Шершеневич таъкидлаганидек, ҳуқуқ объекти муҳим жараён бўлиб, фақат у ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлигини асослайди, шунинг учун объектсиз ҳуқуқлар субъектсиз ҳуқуқлар каби эҳтимолдан йироқ.

Замонавий монистик назариялар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: В. А. Лапач назарияси - ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида у шахснинг иродаси ва онгини кўриб чиқади, В.И. Сенчисчев объект ҳуқуқий режимдир, дейди, шунингдек М. Д. Эгорова, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг бир-бири билан ўзаро муносабати жараёнидаги ҳамда моддий фаровонликка қаратилган хатти-ҳаракатларини ажратиб туради. Натижада, у субъектлар ўртасидаги муносабатлардаги хатти-ҳаракатлар иккинчисининг мазмунини ташкил қилади ва моддий фаровонликка қаратилган хатти-ҳаракатлар унинг объектидир, деган хулосага келади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объектини ўрганиш нуқтаи назаридан, ҳар хил турдаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги объектларнинг айрим турлари ва хусусиятларини субъектларнинг манфаатларини қондириш воситаси сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти нуқтаи назаридан ўрганиш муҳимдир. Хусусан, булар ҳуқуқий муносабатларнинг қуйидаги турлари: реал, жавобгарлик, корпоратив, мерос ва интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларда муҳим ўрин эгаллайди.

**Абдимумин ТУРСУНОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ АЙРИМ ОМИЛЛАР

**Бугун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларга қарамай судга таъсирлар ҳанузгача мавжуд ва соҳа айрим муаммолардан холи эмас. Судларнинг мустақиллигига дахл қилувчи қуйидаги омилларни келтириб ўтишимиз мумкин. Хусусан:**

— суд органларининг мустақиллигига дахл қилувчи омиллар сифатида иқтисодий, маъмурий, фуқаролик судларида давлат божининг тўғри ҳисобланиши ва бюджетга ундирилиши масаласида Давлат солиқ органлари, Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини амалга ошириши натижаси бўйича кўрсатмалар бериши, кўрсатмаларнинг бажарилиши айна бир вақтда тегишли ҳудуддаги назорат қилувчи органларга, ижроия ҳокимияти ва назорат органи бўлган идораларга муайян бўйсунлишни келтириб чиқаради.

Олий суд Пленумининг “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 36-сонли қарорига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда давлат божи тушумлари ҳисобга олиниши юзасидан вақти-вақти билан таққослаш ўтказиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини амалга ошириши лозимлиги белгиланган.

Маълумки, “Давлат божи тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига кўра давлат божининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ундирилиши ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўз вақтида ўтказилиши устидан назорат “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Олий суд ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил июнь ойидаги Қўшма кўрсатмасига асосан, судларда эса йилига 1 маротаба Давлат солиқ хизмати органлари томонидан таққослаш тарзида эмас, балки суд ҳужжатларини ўрганган ҳолда давлат божининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, ундирилиши назорат тартибидеа ўрганилади.

Шунингдек, “Бюджет кодекси”га кўра Ҳисоб палатаси бюджет тизими ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш тарзидаги давлат молиявий назоратини амалга ошириб, давлат божини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга ундириш тартиби юзасидан йилда камидеа бир маротаба 30 кунлик муддатни талаб этадиган якуний назорат тарзидаги текширишни амалга ошириш ҳуқуқига эга ва судларда ушбу назорат тадбирлари амалга ошириб келинади.

Назорат тадбирида палата монеликсиз иштирок этиш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш, ўрганиш, нусхалар олиш, текшириш натижасига кўра давлат органлари ва ўзга ташкилотларнинг солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун фойдаланиладиган маълумотлар базасининг ҳаққонийлигини текширишдаги бузилишлар аниқланганда Ҳисоб палатаси назорат объектларининг ёки юқори ташкилотнинг раҳбарларига аниқланган камчиликлар ва қондабузарликларни бартараф этиш, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш учун кўрсатма юборишга ҳақли.

Ушбу ҳолатлар судлар мустақиллигига, тадбиркорлар манфаатлари юзасидан ишларни кўришда холисликка оид халқаро стандартларга мос келмайди.

БМТ “Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойиллари”-нинг 1-тамойилида барча институтлар судлар мустақиллигини ҳурмат қилиши ва унга риоя этиш мажбурияти кафолатланиши, суднинг холислиги томонлардан бирига нисбатан фарзғўйлиги, душманлиги ёки мойиллиги йўқлиги билан белгиланиши кўрсатилган, шунингдек Ўзбекистонга ҳуқу-

мат таклифи билан ташриф буюрган БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг хулосасида, ташқи аралашув Ўзбекистон суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақиллигига путур етказиши қайд этилган.

Қонунчилик ва амалиётдаги ушбу ҳолатлар суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан мустақил ҳолда иш юритишига оид Конституциянинг 130-моддасида белгиланган тамойилга, судларнинг тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ўртасидаги низолар бўйича ишларни кўриб чиқишда холислик тамойилига путур етказилади.

Ваҳоланки, Конституциянинг 16-моддасига кўра, бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас.

Шу сабабли, судларда давлат божини ҳисоблаш ва тўлиқ бюджетга ўтказилишини замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда бошқа давлат божи ундирувчи ташкилотлар фаолиятида ташкил этилган “биллинг тизимини” ташкил этиш ва дастур ҳисоботи тўғрчилигини солиқ органларига интеграция қилиш орқали солиштириш ўтказиб борилишини таъминлаш таклиф этилади.

Шунингдек, Судлар фаолиятини таъминлаш департаментида малакали суд ходимларидан иборат бўлим ташкил этган ҳолда давлат божини ҳисобланиши ва ўтказилишида судларга қўмақлашувчи бўлим фаолиятини ташкил қилиш ҳамда қонунчиликдаги зид нормалар бекор қилиниши зарур. Судьялар мустақил фаолият олиб боришлари учун ички таъсирлардан ҳам ҳимоя қилиниши лозим.

Судья фаолиятида статистика муҳим ўрин тутаети: биринчи инстанция судьясининг бекор қилинган қарорлари фоизи қанча кўп бўлса, келажакда унинг апелляция судига ўтиши шунчалик қийин бўлаети. Шу сабабли, судьялар қарорларни қабул қилишда, қонда тарихида, ўз қарорларини бекор қилиш хавфини камайтириш учун шунга ўхшаш тоифадаги низоларни кўришда юқори турувчи судларнинг амалиётини ҳисобга оладилар. Бу ўзига хос тарзда судьянинг қарор қабул қилиш вақтидаги эркинлиги ва мустақиллигини ҳам чеклайди.

Вилоят судларининг малака ҳайъатлари судьяни интизомий жавобгарликка тортишдаги ваколатларининг сақланиб қолаётганлиги судьяларнинг мустақиллигига дахл қилиб уларнинг мустақил қарор қабул қилишларида ўз таъсирини келтириб чиқармоқда.

Судьялар малака ҳайъатининг судьяни интизомий жавобгарликка тортиши, маъмурий жавобгарликка тортишга розилик бериши ёки судьялик ваколатини тўхтатиб туриш тўғрисида қарорлар қабул қилиши ва муддатидан илгари ваколатини тугатиш ҳақида хулоса бериши каби жазолаш ваколатларига эгаллиги судьянинг мустақил ҳолда ишни кўришига ўз таъсирини ўтказаети.

Натижада судья кўраётган иши бўйича юқори турувчи суд раисининг кўрсатмаларини бажаришга ва руҳий босим остида ўз фикрига зид равишда қарорини чиқаришга мажбур бўлаети.

Хулоса ўрнида судьяларнинг мустақил равишда иш кўришларини таъминлаш мақсадида суд раисининг судьяларни жазолаш ва судьяларга нисбатан интизомий иш кўзгатиш бўйича судьяга нисбатан интизомий иш кўзгатиш масаласини кўриб чиқиш учун Судьялар олий кенгашига тақдим этиш ҳуқуқи берилиши таклиф этилаети.

**Мамаджон ЮЛДАШЕВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

# ОДИЛ СУДЛОВНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

**Президентимизнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони “Янги Ўзбекистон – янги суд” тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этаётганидан келиб чиқиб, 2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.**

**Унда суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш бўйича қуйидаги чоралар белгиланди:**

- судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида самарали механизмларни ишлаб чиқиш, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва жинойт жавобгарлик белгилаш;
- суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ва суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, шунингдек, суд ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлашга қаратилган таъсирчан механизмларни жорий этиш;
- одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка оид ҳар бир жинойт иши якуни бўйича жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий равишда хабардор қилиш тартибини жорий этиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал характерга эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунтириш бериш борасидаги масалалар бўйича мурожаатларини адлия органлари томонидан кўриб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш.

Шу билан бирга юртимизда амалга оширилган Конституциявий ислохотлар жараёнида Асосий қонунимизга киритилган ўзгартиришларда айнан одил судлов тизимининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашни кўзда тутувчи янги конституцион меъёрлар киритилди.

Хусусан, янгиланган Конституциянинг 136-моддасига кўра “Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди.

Аввало шуни айтиш керакки, судьялар мустақиллигини таъминловчи муҳим қадам сифатида давлатимизда судья лавозимида бўлишнинг биринчи маротаба беш йиллик, навбатдаги ўн йиллик ва муддатсиз даври белгиланган. Шу билан бирга, судьяларнинг одил судловни амалга оширишда мустақил ва холис бўлиши кафолати – уларнинг ўз ваколати муддатида алмаштирилмаслигидир.

Мазкур янги меъёрнинг аҳамияти шундаки, ушбу янги конституциявий кафолат билан судья ўз ваколатлари муддати давомида алмаштирилмаслиги туфайли ҳеч бир ташқи ва ички идоравий таъсирлардан холи мустақил ва дадил фаолият юритади.

Шунингдек, мазкур меъёр доирасида судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмаслиги кафолатланади. Бунинг натижасида судьянинг ўзи розилигисиз бошқа лавозимга ёки бошқа судга ўтказилиши мумкин эмаслиги, судьялар фаолиятига аралашиб, тазйиқ ўтказиб, асоссиз фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш каби ҳолатларга барҳам бериш механизми ишга солади.

Бундай конституциявий қоидалар ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, Испания, Хорватия, Португалия, Греция конституцияларида ҳам белгиланган.

Шунингдек, Конституциянинг 136-моддасидан ўрин олган яна бир муҳим, одил судлов мустақиллигини таъминлашга қаратилган кафолат – “Давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлайди”, деган қоидадир.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатяптики, ўз фаолиятини юритишда судьялар ва уларнинг оила аъзолари учун жиддий хавфлар мавжуд. Хусусан, мураккаб жинойт ишларининг судларда кўрилишида судьялар ва уларнинг яқинлари хавфсизлигини таъминлаш масаласи янада жиддийлашади.

Ушбу конституциявий кафолат асосида судьялар ишига ҳар қандай аралашув, тазйиқ кескин жазоланиши, уларнинг хавотирсиз ва дадил ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилиши таъминланади. Зеро, қачонки судья ўз дахлсизлиги ва ўз яқинларининг хавфсизлигида ишончи комил бўлсагина, мустақил ва адолатли равишда фаолият юрита олади. Конституцияда кафолатланиши таклиф этилаётган бундай муҳим қоидалар судьялар мустақиллиги ҳамда одил судловни янада ишончли таъминлашга хизмат қилади.

**Сардор АЛИМАРДАНОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

# ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ И ЕГО ОСНОВНЫЕ ПРИЗНАКИ СУБЪЕКТНОСТИ В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ

## АННОТАЦИЯ:

в данной статье рассматривается понятие частного предприятия и его основные признаки субъектности в гражданском праве, а также причина государственной регистрации хозяйствующих субъектов.

**Ключевые слова:** предприниматель, собственность, предприятие, заявитель, владелец, государственная служба, государственная регистрация, предпринимательская деятельность.

*Для осуществления предпринимательской деятельности в нашей стране был проведен ряд экономических и правовых реформ, которые создали достаточные условия для субъектов, осуществляющих эту деятельность. В процессе глобализации были проведены новые реформы в соответствии с растущими день ото дня запросами населения, на основе которых было принято несколько законов и внесены изменения и дополнения в существующие. Все это признается продолжением поэтапных реформ, направленных на повышение уровня жизни населения путем предоставления широких возможностей для развития экономики, различных форм собственности, предпринимательской деятельности, основанной на рыночных отношениях.*

Необходимо создавать малые и частные предприятия и благоприятные условия для их эффективного функционирования. Для этого необходимо упростить условия для формирования малых и средних предприятий. Роль государственной регистрации хозяйствующих субъектов характеризуется тем, что они объединены в определенную систему и зависят от выполнения экономических функций государством, основанных на определенных демократических принципах. По мнению Ж.Юлдашева, у государственной регистрации предпринимательства есть две цели - "... во-первых, создать систему защиты предпринимательской системы от ненасильственной конкуренции, от произвола государственных чиновников, злоупотребляющих своим положением; во-вторых, контролировать оплату налогов и сборов в государственный и местный бюджет".

Закон в новой редакции "О гарантиях свободы предпринимательской деятельности" предусматривает, что государственная регистрация субъектов предпринимательской деятельности осуществляется соответствующим государственным органом по принципу "одного окна" и, как правило, на основании уведомления, в порядке, предусмотренном законом.

Согласно Гражданскому кодексу Республики Узбекистан, юридические лица учреждаются собственником или лицом, которое он представляет, либо на основании распоряжения компетентного органа, а также в порядке, предусмотренном законом. Юридическое лицо считается созданным с момента государственной регистрации. Ссылаясь на юридическую литературу, "организация юридических лиц делится на методы учреждения - ордерный, учредительный и договорно-учредительный, в зависимости от того, чья воля и в каком порядке она осуществляется".

По способу учреждения могут быть сформированы организации с участием одного лица. При этом их деятельность будет основываться на частной собственности. В качестве учредителя задействовано одно лицо, и оно принимает решение о создании юридического лица. При этом оно может непосредственно управлять предприятием, в которое вступило, или нанять исполнительного директора по контракту. Большинство субъектов малого бизнеса создаются с помощью этого метода. Его учредительным документом является устав, составленный владельцем. Примерами могут служить частное предприятие с объектом исследования, общество с ограниченной ответственностью, образованное одним лицом, и дополнительная ответственностью, акционерное общество.

Для государственной регистрации заявитель выбирает "регистрацию предприятия" - государственную службу и формирует анкету для государственной

регистрации, чтобы указать ее в соответствии со следующими установленными формами заявления. Формирование анкеты заявителем осуществляется поэтапно. Заявитель заполняет анкету, вводя запрашиваемые данные и выбирая информацию, предлагаемую системой, из общего справочника. Заявитель имеет право прекратить или продолжить формирование анкеты на любом этапе.

Когда анкета сформирована, название выбранной фирмы сохраняется системой на имя заявителя в течение 60 календарных дней. Если заявитель не отправил сформированную анкету в Регистрирующий орган в течение срока, указанного в этом пункте, отметка названия фирмы, выбранной заявителем, будет аннулирована системой. Крайний срок рассмотрения заявления и открытия счета банком не должен превышать двух банковских дней с даты получения указанных документов.

Если частное предприятие хочет заниматься деятельностью, на которую по закону требуется лицензия, оно подает заявку на получение лицензий в соответствующем порядке. Согласно Закону № 14.07.2021 "О процедурах лицензирования, выдачи разрешений и информирования". лицензионно-разрешительные процедуры вводятся, если осуществление физическими или юридическими лицами определенных видов деятельности (действий) может причинить вред жизни и здоровью граждан, нанести ущерб правам и законным интересам физических лиц и юридических лиц, нанесение ущерба общественной безвестности и (или) ущерб окружающей среде.

Реорганизация частного предприятия осуществляется согласно статье 49 Гражданского кодекса в соответствии с решением его учредителя в формах слияния присоединение. А.Шукуруллаев считает, что "реорганизация означает упразднение ранее существовавшего предприятия и продолжение предпринимательской деятельности в целом". Как новый субъект права. Разделения, выделения, преобразования. В отличие от ликвидации, при реорганизации имущество сохраняется, а экономические и имущественные права и обязанности также не утрачивают своего существования. Производственная структура также продолжает функционировать либо в сокращенном, либо в расширенном виде".

Исходя из вышесказанного, частное предприятие - это организационно-правовая форма, которая позволяет владельцу легко выйти из бизнеса. Владелец может продать, подарить или иным образом распорядиться принадлежащим ему предприятием другим лицам.

**Бахыт ДАВЛЕТМУРАТОВ,**  
слушатель Высшей школы судей.

## Список использованной литературы:

1. Шукуруллаев А.Х. "Гражданско-правовое регулирование реорганизации и ликвидации сельскохозяйственных предприятий": дис.... канд. юрид.наук. - Т.: 2001. С. 43-44.
2. Экономическое (предпринимательское) право. Учебник. - Т.: Юстиция, 2007. 54 с.
3. Юлдашев Дж. — Что мы знаем о регистрации?" // Журнал права и обязанности, выпуск 11/71, 2011, стр.28.
4. Пугач И.Л. "Малый и семейный бизнес: организация и развитие". Руководство для предпринимателей. 2012. С. 9. Перевод с русского на узбекский. // www.ced.uz
5. Национальная база законодательных данных, 15.07.2021., 03/21/701/0674; 21.04.2022., 03/22/765/0332.

# ИНСТИТУТ ПЕРЕСМОТРА СУДЕБНЫХ АКТОВ ПО ВНОВЬ ОТКРЫВШИМСЯ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАМ: СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ КАК МЕХАНИЗМ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

## АННОТАЦИЯ:

*данная статья освещает понятие, значение и роль института пересмотра вступивших в законную силу судебных актов по вновь открывшимся обстоятельствам в экономическом процессе и его место в процессуальном законодательстве.*

*Автором проанализированы основания для пересмотра судебных актов по вновь открывшимся обстоятельствам и выдвинуты предложения по данному вопросу.*

**Ключевые слова:** *судебные акты, вновь открывшиеся обстоятельства, пересмотр, юридические факты.*

## ANNOTATION:

